


338
N-25

МАҲМУДОВ М.М.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАҲМУДОВ МУҲАММАДИСМОИЛ МУХИТДИНОВИЧ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Монография

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТА'ЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ТОШКЕНТ – 2021

— 3020 —

КИРИШ

КВК:85.14(5Ў36)
М-25
UO*К: 338.486:332.1(575.122)

Махмудов М.М. // Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий географик хусусиятлари. монография. – Тошкент.; “Наврўз”, 2021, 196 бет.

ISBN 978-9943-659-4-7-6

Монографияда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасининг ривожланиши, ҳудудларда туризмни ривожлантиришга оид илмий-назарий ёндошувлар, Андижон вилоятида туристик объектлардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва уларни баҳолаш асосида вилоят туризмни ривожлантириш ҳамда туризмни ҳудудий ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий муаммолари ва истиқболлари ёритилган.

Монография соҳа мутахассислари, бакалавр, магистрант, илмий тадқиқотчилар ҳамда Андижон вилоятида туризмни ривожланиши билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., профессор Ф.Т. Эгамбердиев

Тақризчилар: г.ф.д., профессор А.Н.Нигматов
г.ф.н., доцент А.А.Ибраимова

Монография Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти кенгашининг 29.01.2021 йилдаги 8-сонли баённомаси қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-659-4-7-6

© Махмудов М.М.
© «Наврўз» нашриёти, 2021

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг маълумотларига кўра, туризм дунё товарлари ва хизматлари экспортида тўртинчи ўринни эгалаб, жаҳон иқтисодий ривожланишининг ҳозирги шароитида етакчи ва жадал ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Ушбу ташкилотнинг ҳисоботида “сайёҳликнинг экотуризм, тоғ чанғи туризми, экстремал, зиёрат, гастрономик туризм каби турларини изчил ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериш”¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар, аҳоли зичлиги юқори, ўзига хос қишлоқ хўжалиги маданияти ва миллий хунармандчилик анъаналарига эга, хилма хил туристик ресурсларга бой бўлган ҳудудларда комплекс турдаги маршрутларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳудудий ташкил этишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, сўнгги йилларда ҳудудларнинг туристик имкониятларини аниқлаш, унинг турларини диверсификация қилиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, туристик салоҳияти юқори бўлган сайёҳлик зоналарида туристик-рекреацион кластерларни яратиш, ҳудудлар туристик имкониятларини баҳолаш, сайёҳлик хизмат турларини кўпайтириш ва ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш ҳамда махсус дастурларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикада туризм соҳасини ривожлантириш, ҳудудларда туристик ва унга йўлдош инфратузилмани кенгайтириш, туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш ва янги туризм объектларини яратиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида 1-илова “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”да

¹<https://www.e-unwto.org/doi/pdf/>. UNWTO Annual report. 2017

мамлакатда туризмни ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, аҳоли зичлиги юқори, қишлоқ хўжалиги, саноат ва миллий хунармандчилик ривожланган Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришга асос бўлувчи табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллар ва объектларни аниқлаш, ҳудуд туристик салоҳиятини баҳолаш ва туризмни мавсумийлик хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳа олдида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Туризм соҳасининг назарий масалалари, унинг барқарор ривожланиши ҳамда ҳудудий хусусиятлари хорижлик ва республикамиздаги географ ва иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Хорижий олимлардан Дуглас Г.Пирс, Ризард Винарский, Эндрю Холден, Джулио Арамберри, Ричард Батлер каби олимлар асарларида кўриб чиқилган. Шунингдек, МДХ мамлакатларининг И.В.Зорин, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, А.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновский, В.Г.Федцов, М.Б.Биржаков каби олимларнинг илмий ишларида туризм соҳасини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизнинг Қ.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабоев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Ғ.Ҳ.Қудратов, Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, А.С.Солиев, М.Р. Усмонов, М.М. Мухамедов, Д.К.Усмонова, М.Ҳошимов, А.Норчаев, Б.Х.Тўраев, Б.Ш.Сафаров, А.Н.Нигматов, М.Т.Алиева, Ш.Р.Файзиева, Т.В.Ким каби иқтисодчи олимлари ўз

илмий тадқиқотларида туризм соҳасини янада такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиққанлар. Шунингдек, О.Х.Ҳамидов, Н.Ибрагимов, С.Рўзиев, Б.Бердиев, Н.Шамуратова, Б.Камолов, Ш.Якубжонова, М.Мансуров, Ш.Шомуродова каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилояти ва Фарғона водийси кесимида туризмнинг иқтисодиётга таъсири, экотуризм, агротуризм масалалари анча кенг ёритилган. Юқорида келтирилган илмий ишлар таҳлили асосида шуни таъкидлаш зарурки, Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий хусусиятлари етарлича ўрганилмаганлиги мазкур илмий тадқиқот мавзуси долзарблигини белгилайди.

Шунингдек ушбу ишда:

республика туризмни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилди;

мамлакат туристик салоҳиятини аниқланди ва унда Андижон вилоятининг ўрни белгиланди;

Андижон вилоятида туризмнинг ривожланиши ҳамда туристик соҳа ривожига таъсир этувчи омилларни аниқланди;

вилоят туризмнинг таркиби ва ҳудудий ташкил қилинишини тадқиқ этилди;

Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришнинг SWOT таҳлилини ишлаб чиқилди, уни ривожлантиришнинг кучли, заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидларини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди;

Андижон вилоятида ички туризмнинг ривожланишини 2020-2021 йиллардаги қисқа муддатли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди;

Андижон вилоятида туризмни янада ривожлантириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кабилардан иборат.

Олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти вилоят туристик шароитлари(текислик, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари)нинг биоиклимий комфорт даражаси баҳолангани ҳамда табиий, ижтимоий ва иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланган ҳолда вилоятда туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий географик асослари очиб берилгани билан изоҳланади.

I. ТУРИЗМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1-§. Ҳудудларда туризмни ривожлантиришга оид илмий-назарий ёндошувлар


Ҳудудлар туристик салоҳиятини тадқиқ қилиш, рекреация ҳамда туристик имкониятини баҳолаш, уларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб туризмнинг замонавий тур ва хизматларига ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, сайёҳлар оқимини вақт ва макондаги ҳаракати тадрижийлигини таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Туризм мамлакат иқтисодиётига қисқа даврда сезиларли даражада таъсир кўрсата олиш имкониятига эга. Табиий ва тарихий-маданий туристик ресурсларга бой мамлакатлар иқтисодиётининг барқарор ривожланишида туризм етакчи соҳа сифатида хизмат қилади. Туризм давлат ва маҳаллий бюджет ҳамда аҳоли даромадларини шаклланиши, аҳоли орасида ўрта мулкдорлар синфини кўпайишига олиб келади. Туризм соҳасини ривожланишига ҳудуднинг иқтисодий географик жойлашуви ҳам ижобий таъсир этади. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва иқтисодий интеграция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Туризм-ҳудудлар инфратузилмасини такомиллашуви ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кучли сифат ва миқдор ўзгаришларини юзага келтиради. Аҳоли даромадларини ошириш, саломатлиги, уларнинг дам олишга ва бўш вақтини мазмунли, самарали ташкил этиш имкониятларини оширади.

А.С.Солиев туризмни минтақаларнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини белгилаб берувчи муҳим омили сифатида баҳолаб: - “Туризм тармоғи тўғри ва самара билан ташкил этилса, у катта даромад келтирадиган соҳага айланади. Аниқ фойда манбаи бўлмиш халқаро туризм мамлакатга катта миқдорда чет эл валютасини олиб келиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатиши мумкин”, деб таъкидлайди [58; 124-б.]. Бутунжаҳон туризм

ташкilotи (UNWTO)нинг статистик маълумотларига кўра: “...туризм даромадлилик даражаси бўйича иқтисодиёт тармоқлари ичида учинчи, товарлар ва хизматлар экспортида тўртинчи, жаҳон ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) иккинчи ўринда бўлиб, унинг улуши ўртача 10 фоизни ташкил этмоқда”².

1.1-расмда туризм ривожланган “Топ-15” мамлакатлар соҳадан энг юқори даромад олувчи давлатлар сифатида АҚШ (1,595 млрд. АҚШ доллари) ва Хитой (1,509 млрд. АҚШ доллари) етакчилик қилаётганлиги кўрсатилган. Улар қаторидан Япония, Ҳиндистон, Таиланд ва Туркия каби мамлакатлар муносиб ўрин олган. 2018 йилда Туркия (+15 фоиз), Хитой (+7.3 фоиз), Ҳиндистон (+6.4 фоиз), Таиланд (+6.0 фоиз) ва Франция (+4.1 фоиз) каби мамлакатлар йиллик ўсиш суръатларига эришган [83;1-б.].



1.1-расм. Туризмдан юқори даромад оладиган “Топ-15” мамлакатлар ҳақида маълумот (2018 йил)


Ишлаб чиқаришни жойлаштиришга оид классик ғоялардан ҳудудларда туризмни тадқиқ этишдаги қонуниятлар ҳамда улардан

² Бутунжаҳон туризм ташкilotи (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари (UNWTO World Tourism Annual Report 2018).

кенг фойдаланиш мумкинлиги 1-иловадаги жадвалда атрофлича ёритилган.

1.2-расмда классик ғояларга асосланган ҳолда туризмни ривожлантиришда сайёҳлик объектлари ва “туристик марказлар” атрофида инфратузилма объектларини жойлаштирган ҳолда, уларга ёндош бўлган периферияларда ҳам туристик хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳаларини жойлаштириш ҳудудларнинг барқарор ривожланишига таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаймиз.

Ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан келиб чиқиб махсус туристик зоналарни ташкил этиш маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилади. Туризм ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, туризм марказларини ривожлантиришга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ҳудудларда туризмни ривожлантириш хусусиятлари хорижлик, МДҲ давлатлари ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан атрофлича ўрганилган.



1.2-расм³. Туристтик марказлар ва объектлар атрофида инфратузилма шакллари жойлаштириш халқаси

Хусусан, Е.А Зализняк: “Минтақа туризмини-маълум бир ҳудуддаги туристик эҳтиёжларнинг қондирилиши ва унинг

³ Муаллиф ишланмаси.

ривожланиши учун зарур ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган функцияларни бажариш учун ташкил қилинган мураккаб тизимдир”, деб ҳисоблайди [22;70-76-б.]. Ҳудудларда туризмнинг ривожланиши:

➤ аҳолининг туристик хизматлар эҳтиёжларини қондириш;

➤ уларни иш билан бандлигини таъминлаш;

➤ хизматлар бозори самарадорлигини ошириш имкониятларини яратади. Юқоридаги 1.2-расмда туристик объект ёки марказлар атрофида соҳага бевосита ва билвосита хизмат кўрсатиш соҳалари “Тюнен халқалари” мисолида жойлаштириш мумкин эканлиги тасвирланган.

Р.Р. Тимиргалеева мамлакатда барқарор туризмни ривожлантиришда: “...рекреация ва туризм марказларини халқаро имиджини яратиш; ҳудудларнинг тарихий, маданий ва табиий шифобахш имкониятларидан фойдаланиш; туристик маҳсулотларни диверсификациялаш; рекреация хизматлари бозорини янги сегментларини ривожлантириш минтақаларнинг рақобатбардошлигини оширади”, деб таъриф беради [60;190-193-б.]. Туризмга ихтисослашган ҳудудлар фаолиятига табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар, халқаро миқёсдаги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари ўз таъсирини кўрсатмоқда. Туризм бозорини интеграциялашув жараёнида бир макон ва замонда ўзаро алоқадорликда фаолият олиб бориши халқаро туристик зоналар (кластерлар)ни юзага келтиради.

Аҳолини бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга саёҳат қилишида табиий географик шароит, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий барқарорлик муҳим аҳамиятга эга. В.С. Преображенский “туризм” атамасига: “...демография, география томонидан ўрганилаётган аҳоли миграциясининг алоҳида бир тури ва ҳуқуқий фандир; аҳолининг маданий эҳтиёжларини ўрганувчи хизмат кўрсатиш соҳаси, иқтисодиётнинг бир тармоғи, инсонларни доимий яшаш жойидан ташқарида бўш вақтни ўтказиш усули, социология ва рекреация географияси томонидан ўрганиладиган соҳа” деб таъриф беради [21; 85-б.].

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий муносабатлар муайян географик ҳудудларда амалга оширилади. Бинобарин туристик хизматлар эса туристик бозорлар соҳага ихтисослашган маконда шаклланади.

“Минтақа туризми”га С.Р. Ердавлетов томонидан куйидагича таъриф берилади. “... бу соҳага оид ижтимоий-иқтисодий минтақадир. У табиий, тарихий ва маданий ҳамжамиятни бирлаштиради. Туризмни ривожлантириш учун иқтисодий шарт-шароитларни яратиш муҳим роль ўйнайди” [21; 93-б.].

Минтақавий туристик тизимларнинг моҳияти ҳамда таксономик бирликлари борасидаги қарашларда ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Ю.Д.Дмитревский (2000) “...туристик минтақаларни 5 та бўғиндан иборат”, деб ҳисоблайди.

1. Туристик рекреация зонаси 2. Туристик макрорайон 3. Туристик мезорайон 4. Туристик микрорайон 5. Туристик объект каби бирликлардан иборат.

Ўзбекистонда туризм соҳасини комплекс ривожлантириш ва туристик ресурсларни муҳофаза қилиш, ҳудудлар туристик салоҳиятини янада ошириш, уларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида туристик зоналар ташкил қилинади. Улар:

- Эркин туристик зоналар;
- Кичик туристик зоналар;
- Махсус туристик зоналар.


Эркин ва кичик туристик зоналарга эркин ва кичик иқтисодий зоналар даражасидаги имтиёз ва имкониятлар берилади. Махсус туристик зоналар эса мавжуд ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради.

А.И. Зырянов туристик минтақа бўйича қарашларида: “...бу туристик йўналишлар билан ўз-ўзини таъминлаш қобилиятига эга туристик ихтисослашув элементлари бўлган ихчам шаклдаги ҳудуд” эканлиги айтилади [24;90-б.]. Муаллиф туристик таксономик тизимларни куйидагича тартибда жойлаштиради.

а) туристик жой б) туристик қишлоқ с) туристик шаҳар д) туристик марказ е) туристик зона ф) туристик минтақа. Туристик таксономия тизимларини такомиллаштириш туризм субъектларини жойлаштиришда, туристик оқимларни режалаштириш ва бошқаришда, инфратузилмани ривожлантиришда ҳамда бошқа туристик хизматларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

А. П. Дуровичнинг туристик минтақа бўйича қарашларида: “...бу сайёҳлик объектларига эга ва туристларни эҳтиёжларини қондирувчи муайян хизматларни тақлиф этадиган географик ҳудуд”, деб таъриф беради [20;16-б.]. Демак, туризмни даставвал ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзаро боғлиқ бўлган кичик ҳудудларда ривожлантириш кўпроқ самара беради. Зеро, кичик туристик зоналарда сайёҳларга бевосита ва билвосита хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳамда диверсификация қилиш осонроқ кечади.

Минтақавий сиёсатнинг асосий мақсади ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши даражасини ўзаро яқинлаштириш ҳисобланади. Хусусан, минтақавий сиёсатнинг мажмуали хусусияти, ундаги ижтимоий, иқтисодий соҳалар ва маъмурий бирликларнинг ўзаро алоқадорлигида намоён бўлади. Ушбу илмий қарашлар туризм марказлари ва улар атрофидаги ҳудудларда саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини мажмуали ва тенг ривожлантириш зарурлигини аңглатади.



1.3-расм. Туристик минтақаларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар⁴

⁴ Муаллиф ишланмаси.

Худудларда туризм соҳасини ривожланиши мамлакатни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожланишига самарали туртки беради. Юқоридаги 1.3-расмда туристик марказларнинг шаклланишига омиллар бевосита таъсир кўрсатади. Уларни куйидаги 3 та йирик йўналишларга ажратишимиз мумкин:

- **тарихий-маданий омиллар**-худудларнинг тарихи, маданияти, миллий хунармандчилиги, гастронимияси, меҳмондўстлиги, урф-одатлари, қадриятлар ва анъаналарини сақлаш, такомиллаштириш ҳамда келажак авлодга етказишига кўмак беради;

- **иқтисодий омиллар**-худудларда урбанизация, жойлаштириш воситалари, транспорт, коммунал хизматлар, савдо, кафе ва ресторанлар, тадбиркорлик, таълим, тиббий хизматлар, туристик хавфсизлик, ижара тизими, суғурта, банк ва молия хизматлари, инвестиция муҳитини ривожлантиради;

- **экологик омиллар**- дестинациялар табиати, иқлими, гидрографияси, рекреация ресурслари, ўрмон ва тўқайзорлар, рельефи, табиат ёдгорликлари, геологик кесимлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, кўриқхоналар туристик минтақаларнинг жозибadorлигини оширади.

А.Н. Нигматов ва Н.Т. Шамуратовалар томонидан Ўзбекистон худуди комплекс ёндошув, худудий бир бутунлик, генетик ўхшашлик ва индивидуаллик каби қоидаларга амал қилган ҳолда минтақавий экотуристтик районларга ажратилган. Улар томонидан экотуристтик районлаштиришга: "... маълум бир худудни унинг экотуристтик ҳолати, имконияти ва келажак истиқболлари нуқтаи назардан бўлинмаларга ажратиш", деб таъриф берилади [45; 39-42-б.].

Туристтик марказлар ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларда мажмуали ҳамда тизимли ёндашувлар ўзаро уйғун ҳолда берилган. Бинобарин, комплекс (мажмуа) ва система (тизим) тушунчалари ҳам ўзаро ўхшаш [56; 8-б.]. Демак, иқтисодиётда худудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ҲИЧМ) ёки эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) бўлгани каби мамлакатнинг салоҳиятли кичик-кичик худудларида худудий туристик мажмуалар (ХТМ)ни, яъни кластерларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Зеро, бир нечта ҲИЧМларидан

иқтисодий районлар шаклланидиган, кластерлар йиғиндисидан туристик зоналар ва минтақалар юзага келади.

М.Р. Усмонов ўз ишларида "...худудий туристик мажмуалар" ҳақида куйидагича фикр билдиради: "ХТМ-маълум бир худудда ягона инфратузилма асосида турли туристик объектларнинг ўзаро алоқадорликда ривожланиши ва уни бошқаришини англатади" [93; 54-б.]. Муаллиф томонидан ХТМга берилган таъриф туристик кластерларни ташкил қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга мос келади.

Н.С. Ибрагимов тадқиқот ишларида туризмнинг "...географик қўлами; маъмурий худуд кенглиги; саёҳат давомийлиги; туристик масканларнинг ўзаро боғланганлиги; мақсадли бозор сегментлари бўйича дестинацияларни яратиш имкониятлари; туристик оқимларнинг йўналтирилганлиги; туристик хизматлар мажмуасини шакллантириш ва тижоратлаштириш каналларини бошқариш шакли мезонлари бўйича қиёсий таҳлил ўтказиш натижасида "дестинацион" ёндашуви бошқаларига қараганда кенг имкониятларга эга эканлиги" назарда тутилган [86; 3-б.]. Муаллиф туристик худудларда соҳани комплекс ривожлантириш ва бошқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Р.А. Исламова тадқиқотида "...кенг фаолият кўрсатишни бошлаган "Навой" ЭИЗда банд бўлган хорижий ҳамда мамлакатимиз фуқаролари ва унга ташриф буюрувчилар туристик маршрутларни Навой шаҳридан бошлашни тақозо қилади", деган фикрларни билдиради [87; 19-б.]. Хорижлик ишбилармонларни бўш вақтни мазмунли ташкил қилиш мақсадида ЭИЗ атрофидаги туристик салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда кичик туристик зоналарни ҳам ташкил қилиш имкониятлари яратилади. 1960 йил Ирландияда Shannon халқаро ЭИЗ минтақавий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда бу худудда туризм ҳам етакчи соҳага айланган.⁵

Худудий меҳнат тақсимоотида ҳар бир минтақанинг муайян маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган имиджи (юзи, қиёфаси)

⁵ <https://tonkosti.ru/>.

бўлгани каби худудлар ҳам ўзининг табиий, тарихий-маданий ресурсларидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг маълум бир турларига ихтисослашади. Ўз навбатида, ихтисослашган худудлардаги туристик объектлар атрофида хизмат кўрсатиш соҳалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллий халқнинг урф-одатлари ва қадриятлари соҳага мос ҳолда шаклланади. Зеро, Саноат пункти→Саноат маркази→Саноат тугуни, Саноат агломерацияси ёки ХИЧМларида бўлгани каби, худудий туристик мажмуаларни ҳам поғонасимон, иерархия шаклида ривожлантириш кўпроқ самара беради [59; 39-б.]. Демак, туризмни мажмуали кўринишда худудий ташкил этиш ўни бошқариш ва ривожлантириш ҳамда туристик маршрутларни тузишда аҳамиятлидир. Республикамизда туризмни ривожлантиришнинг худудий хусусиятларини қуйидаги 1.4-расмда келтирилган шаклда иерархия кўринишида ривожлантириш кўпроқ самара беради, деб ўйлаймиз:



1.4-расм. Мамлакатда туризмни комплекс ривожлантириш иерархияси⁶

Г.Хидирова томонидан минтақавий туризм бозорини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот ишида, муаллиф “Минтақавий туризм бозори ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг маълум бир қисми бўлиб, туризм хизматларига бўлган талаб ва таклиф механизмидир” деган мулоҳазаларни илгари суради [92; 10-23-б.].

Т.В. Ким фикрига кўра, минтақавий туризм- бу: “1) тор маънода – ўрганилаётган минтақадаги сайёҳлик оқимлари йиғиндиси (жумладан, минтақага/минтақадан оқимлар);

2) кенг маънода - минтақада туризм ривожини бошқаришни ташкиллаштириш мавжуд бўлганда - туризм ресурслари, туризм инфратузилмаси, туризм саноати корхоналари, сайёҳлик оқимлари уйғунлиги”дир [88;13-б.].

⁶ Муаллиф ишланмаси.

XXI асрнинг бошиданоқ жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар ривожланишининг асосий бўғини сифатида кластерларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1998 йилда кластер М.Портер томонидан “Географик жиҳатдан концентрацияланган корхоналар уюшмаси” сифатида кўриб чиқилган [52; 235-245-б.]. Ҳозирги кунда кластерлар туризм соҳасида ҳам қўлланилмоқда. В.Н.Рудченко “...вино ва гастронимик туризм бўйича туристик кластерлар Франция, Испания, Греция каби мамлакатларда, йирик шаҳарлар бўйича туристик кластерлар эса Барселона ёки Санкт-Петербург каби қатор шаҳар ва мамлакатларда ривожланганлиги ҳақида фикрлар билдиради [53;12-18-б.]. Худудлар салоҳиятидан келиб чиқиб туристик кластер хизматлар бозоридаги субъектларнинг фаолиятини шакллантиришда ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий-ижтимоий механизмларни белгилаб беради.

М. Алимова томонидан туристик кластер “...-бу худуднинг рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида худудий туризм тизимининг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида туристик маҳсулотни шакллантириш ва сотишнинг технологик жараёнида бевосита ва билвосита қатнашувчи ва давлат бошқарув органлари, таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари билан ўзаро узвий алоқада бўлган, географик жиҳатдан яқин жойлашган ташкилотлар ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари мажмуидан иборат очиқ иқтисодий тизимдир” деб талкин қилинади [85; 61-б.].

Б.Сафаров (2016) “Минтақаларнинг туристик-рекреацион кластери унинг таркибига кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш учун қулайлик туғдиради. Натижада улар учун ахборот алмашинуви ва янгиликлар жорий этиш, ҳамжиҳатликда ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ишларини енгиллаштириш, туристларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларидан биргаликда фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади” деган таърифни беради.

З.Т.Абдухакимов “Минтақада рекреациядан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги

илмий тадқиқот ишларида туризм ва рекреациядан фойдаланишнинг илмий-назарий асосларига алоҳида эътибор қаратади. Муаллиф “рекреация”, “рекреацион фаолият”, “рекреацион ландшафт”, “рекреацион объект”, “кичик экотроп зоналар”, “рекреацион ривожланиш марказлари”, “гравитацион ҳалқалар” тушунчалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган [84; 12-14-б.].

Мамлакатнинг барча ҳудудларини айнан бир соҳага ихтисослаштириб бўлмайди. Шу боис, туризмда “ўсиш кутблари” сифатида танланган ҳудудларда туристик кластерларни яратиш мақсадга мувофиқдир. Туристик кластерларни ривожлантиришда турдош соҳаларнинг комплекс алоқадорлиги (2-илова) ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Минтақавий иқтисодиётда кластерларни ташкил этилиши ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиради. Шунингдек, қонун чиқарувчи органлар ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтиради. Мамлакатда туристик кластерларни яратилиши корпоратив бошқарувни шакллантиради. Натижада туристик марказларда соҳани ривожлантиришга доир ижтимоий-иқтисодий дастурлар ҳамда лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Ҳудудларда туризмни ривожлантириш борасида иқтисодий географ ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган назарий фикр мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда куйидагича хулосаларимизни берамиз. Минтақавий туризм - икки хил ўзаро боғлиқ тушунчалардан ташкил топади. Минтақа бу-бошқа ҳудудлардан фарқ қилувчи, маълум бир ўхшаш жиҳатларга эга бўлган ҳудудлар йиғиндиси, география.

Туризм бу - ижтимоий-иқтисодий тушунча. У ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмлар асосида шаклланиб, ўзаро боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари орқали туристик эҳтиёжларни қондирувчи мураккаб ҳудудий туристик мажмуалар тизимига айланади.

Минтақавий туризмнинг келажаги ҳокимият ва маҳаллий сайёҳлик органларининг соҳани ривожлантириш мақсадида олиб бораётган ислохотларига ҳам боғлиқдир (1.5-расмга қаранг).



1.5-расм. Минтақавий туризмни ривожлантириш учун бирламчи омиллар

Демак, минтақавий туризм (МТ) – мамлакат ҳукумати назоратидаги тарихий-маданий ёки экологик хусусиятларга эга бўлган, ўзида замонавий инфратузилма объектларини мужассамлаштирган ва туризмга ихтисослашган хизмат кўрсатиш соҳаларини ўзаро уйғунлашувига эришган географик макондир.

Туристик минтақалар маҳаллий ёки хорижлик сайёҳлар томонидан олдиндан буюртмалар асосида саёҳатнинг мақсади сифатида танланган мамлакат ҳам бўлиши мумкин. Туристик минтақа сайёҳларнинг талабидан келиб чиқиб ёки сайёҳлик фирмаларнинг таклифига асосан танланади.

Баъзи бир ҳудудларда туристик объектлар ва улар атрофидаги турдош хизмат кўрсатиш соҳалари бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолатда яқка тартибда ривожланиши мумкин. Айрим ҳудудлар туристик салоҳияти юқори бўлишига қарамасдан объектларнинг тарқоқлиги, ўзаро яқин комплекс жойлашмаганлиги, улар ўртасидаги масофани бир биридан узоқлиги боис ягона туристик минтақага, комплексга бирлаша олмайдилар. Минтақада муҳим аҳамиятга эга бўлган туристик объектларнинг мавжудлигига қарамасдан, бундай

OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

худудларга маҳаллий ва хорижлик туристлар оқимини жалб қилиш бироз мураккаб кечади. Натижада бу худудларнинг мамлакат худудий меҳнат тақсимоотидаги ихтисослашуви бошқа тармоқларда намоён бўлади.

Минтақавий туризмни ижтимоий-иқтисодий фаолият тури сифатида таҳлил қилинса, унга энг аввало даромад келтирувчи манба сифатида қаралади. Шу мақсадда туризм туристик минтақалар иқтисодиётга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан:

- танлаб олинган туристик дестинациялар учун киритилган харажатлар ва инвестициялар юқори даромад келтириши ёки кўзланган самарани бермаслиги ҳам мумкин;

- иқтисодий-молиявий омиллар туристик минтақанинг аҳволини яхшиланиши ёки ёмонлашувига ҳам олиб келиши мумкин;

- туризмнинг мавсумийлиги ёки бошқа омиллар таъсирида минтақа аҳолисининг шахсий даромадларини ортишига ёки аксинча камайишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу эҳтимоллар минтақада туризмни барқарор ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Барқарорлик минтақадаги туризмнинг мавсумийлиги ва унинг турларини диверсификациясига асосланади. Мавсумга қараб туристик хизматларнинг нархларидаги фарқларда сезиларли тебранишлар кузатилади. Минтақалар имкон борича туризмдаги мавсумийлик хусусиятини камайтиришга ҳаракат қилиб боришади. Туристлик маҳсулотларга талаб паст бўлган мавсумда арзон нархларда авиачипталар сотиш, меҳмонхона ва хизматлар нархини 50 фоизгача тушириш каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

Туризмни ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам мавжуд. Мамлакатнинг ташқи қарзларини ортиб кетиши, мамлакат ичида ёки қўшни давлатлардаги сиёсий бекарорликлар, табиий офатлар, хизматлар нархининг ўсиши, жиноятчилик, террористик актлар, экологик муаммолар, божхона ва виза тизимидаги ортиқча расмиятчиликлар, туристик корхоналарнинг банкрот бўлиши, касалликларни тарқалиши каби омиллар худудларда туризмни ривожланишига тўсқинлик қилади. Жумладан, 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, COVID-2019 каби пандемияларнинг

тарқалиши ва унинг келажакда жаҳон иқтисодиётидаги оқибатлари халқаро туризмга жиддий таъсир кўрсатади. Бу каби глобал молиявий инқирозлар ёки табиий офатлар оқибатида авиакомпаниялар, туристик фирмалар, меҳмонхоналар, туристик хизматлар нархларида бекарорлик кузатилади. Халқаро авиаташувларда саёҳатнинг масофаси, туристик маршрутларда кунлик муддатларнинг қисқариши, туристларни арзон хизматлардан фойдаланиши каби ҳолатлар туристик корхоналар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади [71; 43-49-б.].

1.2-§. Минтақалар туризмни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибалари

Халқаро туризм жаҳон иқтисодиётининг энг йирик секторига айланиб бормоқда. Жаҳон мамлакатларида кузатилаётган табиий, иқтисодий ва сиёсий инқирозларга қарамай ўтган йиллар мобайнида халқаро туристлар сони жадал суръатларда кўпаймоқда. Бутун жаҳон туризм ташкилотининг (БТТ) маълумотларида халқаро туристлар сони 1950 йилда 25 миллион кишини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1980 йилда 278 миллионга, 2000 йилда 674 миллион кишига, 2016 йилга келиб эса 1 миллиард 235 миллион кишига еганини кузатиш мумкин⁷. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, 2019 йилда туристлар сони бутун дунё бўйича 1 миллиард 500 миллион кишига етиб, 2018 йилга нисбатан 4 фоизга ўсган. Бироқ бу кўрсаткич 2017-2018 йилларга (+6) нисбатан бироз пастроқ ҳисобланади. Бунга сабаб сифатида Brexit, энг қадимги туристик фирма Thomas Cook'нинг инқирози каби омилларни кўрсатиш мумкин. Шуниндек, Жаҳон мамлакатларидаги геосиёсий ва ижтимоий вазиятнинг кескинлашуви, глобал иқтисодиётнинг пасайиши ҳам туризм соҳасидаги ўсиш суръатини камайишига олиб келди.

Жаҳон минтақалари бўйича туристик оқим кўрсаткичларини ижобий баҳолаш мумкин. Хусусан, жаҳон кўрсаткичига нисбатан ўсиш бўйича Яқин Шарқ минтақаси (+8), Осиё ва Тинч океани (+5),

⁷ UNWTO Tourism Highlights, 2017 Edition// БТТнинг расмий веб-сайти. -www.unwto.org.

Европа ва Африка (ҳар иккаласига +4) ҳамда Америкага халқаро ташрифлар (+2) фоизга ошган⁸. Яқин Шарқ минтақасида геосиёсий вазият ўта мураккаб бўлишига қарамадан туристлар оқимида ўсиш кузатилган. Америка ва Европа соҳадан энг кўп даромад олувчи ҳамда туристлар ташрифи бўйича етакчи минтақалар сифатида кўп йиллардан буён тан олинади. 2019 йилда 743 миллион хорижий сайёҳлар Европа мамлакатларига ташриф буюрган. Бу кўрсаткич Жаҳон сайёҳлик бозорининг 51 фоизини ташкил қилади. Мазкур халқаро ташкилотнинг статистик маълумотларига кўра, 2019 йил сайёҳларни қабул қилиш бўйича Франция, Испания ва АҚШ давлатлари етакчилик қилмоқда. Ўтган йилда Францияга 90 миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюргани айтилган. 2020 йилда сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган жойлар сифатида Олимпия ўйинлари ўтказилган Токио ва Ехро-2020 бутунжаҳон кўрғазмалари намойиш қилинадиган Дубай шаҳарлари тахмин қилинган эди.

Жаҳон сайёҳлик ва туризм кенгаши (WTTC) тадқиқотлари шуни кўрсатадики, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,4 фоизи 185 та мамлакатни ўз ичига олувчи 25 та минтақада туризм хизматлари орқали яратилар экан. Дунё мамлакатларида туризм соҳасида банд бўлган аҳоли 319 миллион кишини ташкил қилиб, жами бандликнинг 10 фоизи туризм вакиллари улушига тўғри келади⁹. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳудудларни туризм соҳасига ихтисослаштириш ва аҳолини туризм саноатида банд қилиш бўйича бир нечта илмий тадқиқот ишлари ва кўплаб лойиҳалар амалга оширилган.

Ю.А. Веденин (2006) томонидан олиб борилган тадқиқотларда, Халқаро миқёсдаги туристик лойиҳаларга Калифорния штати Напа водийсидаги вино туризми кластерини, Австралиянинг Квинсленд штатидаги экотуристтик кластерни, Мексикадаги Канкун оромгоҳи кластерини, Индонезиядаги Бали ороли кластерларини мисол келтириш мумкин. Туристтик зоналарда давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўзаро мустаҳкам интеграциялашув жараёнига киришади.

Хусусий сектор вакиллари ва хорижлик инвесторларга зарурий имтиёзлар яратилади.

Жаҳон тажрибасида ҳудудларни ривожлантириш стратегиясининг шаклланиши узок муддатли мақсадли йўналишларни ҳам вертикал тарзда (алоҳида ҳудудлар, вилоятлар, мамлакатлар), ҳам горизонтал тарзда (алоҳида олинган соҳалар ва иқтисодиёт тармоқлари) ўзаро боғланишини кўзда тутди. Бундай шароитда тадбиркорлик субъектлари ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш зарур [43; 19-б.].

Халқаро амалиётда туризмни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг 3 та муҳим ёндашуви мавжуд [42; 85-88-б.]:

1. Биринчи ёндашувга кўра бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида маҳаллий туризмни (хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан) ривожлантириш масалаларини ҳал қилишни ўз ичига олади. Бунда замонавий инфратузилма объектлари, туристлар хавфсизлиги, банк, суғурта ва тиббий хизматларнинг юқори даражаси катта аҳамиятга эга.

Ривожланган мамлакатларда турли ўлчамдаги хусусий компаниялар туризмга бевосита ёки билвосита хизмат кўрсатишда устунлик қиладилар. Бундай ёндашувда мамлакатнинг туристик жозибдорлигини ошириш, туристик маҳсулотларни жаҳон бозорида сотиш ҳамда тарғибот қилиш йирик туристик компаниялар томонидан амалга оширилади. Давлат томонидан туризмни назорат қилиш ва уни тартибга солиш бўйича ҳеч қандай расмий орган фаолият олиб бормайди. Дастлаб бундай модел 1997 йилда АҚШда ишлаб чиқилган бўлиб, давлатни туризмга аралашуви расман бекор қилинган.

2. Иккинчи ёндашувга кўра, мамлакатда туризмни ривожлантириш катта ваколат ва молиявий ресурсларга эга бўлган махсус давлат бошқарув органи орқали амалга оширилади. Бу орган мамлакатда туризмни ривожлантиришда миллий туристик махсулотлар яратиш, туризм инфратузилмасини бунёд этиш, хорижий инвестицияларни туристик ҳудудларга жалб қилиш, кичик ва ўрта

⁸ <https://www.unwto.org/world-tourism-barometer-n18-january-2020>

⁹ <https://www.wttc.org/-/media/files/reports/economic-impact-research/regions-2019/world2019.pdf>

бизнесни ривожлантириш ҳамда туристлар хавфсизлигини таъминлаш каби масъулиятларни олади.

Бу каби ёндашув ривожланаётган ёки ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар Туркия, Болгария, Миср каби давлатларга тўғри келади. Хусусан, Ўзбекистон ҳам шулар жумласидандир.

3. Учинчи ёндашувда туризмни давлат томонидан тартибга солиниши кўп функционал вазирликлар зиммасига юкланади. Масалан, Франция иқтисодий сиёсат вазирлиги, Германияда Иқтисодиёт вазирлиги, Россияда иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиги ва бошқалар.

Мазкур вазирликлар туризмни ҳудудларда ривожлантиришнинг ташкилий бўлимлари, ҳуқуқий-меъёрий асослари, миллий туристик маҳсулотларнинг тарғиботи ва хариди билан шуғулланади. Мамлакат туристик маҳсулотларини чет элларда фаол тарғиб қилиш орқали туристлар оқимини жалб қилишни Буюк Британия тажрибасида ҳам яққол кузатиш мумкин. 1969 йилда ташкил қилинган Буюк Британия Туризмни ривожлантириш бошқармасининг ҳам энг асосий вазифаси Британия туристик маҳсулотларини хориж мамлакатларида реклама қилиш ҳисобланади. Бошқарма томонидан матбуот, радио, телевидение ва интернет орқали туристик маҳсулотлар рекламаси, халқаро туризм бўйича маркетинг ва маслаҳатлар тақдим этиб борилади. Шунингдек, хориж мамлакатларида халқаро конференциялар ва ярмаркалар ташкил қилинади. Ташкилотда жами 300 нафар ходим ишласа, шундан 30 фоизи Лондон ва минтақавий марказларда фаолият олиб боради. Қолган қисми эса чет элда мамлакат туристик маҳсулотларини реклама қилиш ва сотиш билан шуғулланади.

Мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида туризм ва хизматлар улушини ошириш, туризмда аҳоли бандлигини таъминлаш, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини туризмга мослаштириш борасида қатор халқаро тажрибалар амалга оширилган. Ана шулардан бири Канада тажрибасидир. Мазкур тажрибада ҳудуднинг рақобатдошлиги мутаносиблаштирилган стратегияни амалга ошириш орқали яратилади. Бунда аниқ шаҳарларнинг рақобатдошлигини оширишга урғу берилади. Шаҳарлар ўз атрофидаги ҳудудлар учун ўзига хос

“Ўсиш кутблари” сифатида қаралади. Фикримиз далили сифатида, ҳудуднинг узоқ муддатли рақобатдошлигини самарали ва муваффақиятли стратегияси сифатида Оттава шаҳрининг узоқ муддатли иқтисодий стратегиясини келтириш мумкин. Бешинчи стратегик йўналиш сифатида Оттава ва унинг атрофидаги ҳудудларни рекреацион ва ишбилармонлик туризмнинг марказлари сифатида халқаро бозор томон ҳаракати, провинциялар учун маълум имиджнинг яратилишига, иқтисодий стратегияларни тараққиётнинг бошқа стратегиялари (“Ижтимоий соҳа режаси”, “Санъат ва тарихий мерос” режаси, “Шаҳар қурилиши” режаси ва “Атроф-муҳит режалари”) билан “боғлаш”га эътибор берилди[66; 134-б.].

Т.М.Ахмедов, А.М.Содиқов, Ш. Назаров ва бошқа олимларнинг илмий ишларида хорижий мамлакатларда минтақалар ривожланишини тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари атрофлича ўрганилган.

Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда минтақаларнинг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш механизмларидан фойдаланишни нисбий баҳолаш А.М.Содиқовнинг (2005) илмий ишларида туризмни ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишлари Финландия, Туркия ва Канада мамлакатлари мисолида кўрсатиб берилган.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида туризм бекиёс аҳамиятга эга. Уларнинг табиий шароити, иқлими, рекреация ресурслари, тарихий ва иқтисодий хусусиятлари туризм соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Россия, Туркия, Хитой, Япония каби давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб салоҳиятли ҳудудларда туризмни ташкил қилиш, унинг бошқарув усулларини соддалаштириш, соҳа ривожланишига салбий таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва бартараф қилиш, “Ўсиш кутблари”ни аниқлаш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш соҳа ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бу мамлакатлар тажрибасида ҳудудларда янги замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни қўллаш, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор

қаратилган. Шундай халқаро тажрибалар мамлакатимизда ҳам кенг татбиқ қилинмоқда.

1.1-жадвал

Хориж давлатларида туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари¹⁰

Стратегияни ишлаб чиқиш принциплари	Финляндия	Туркия	Канада
Барқарор ривожланиш концепциясини ҳисобга олиш	Янги технологиялар, муқобил энергия манбаларидан, экологик тоза транспортдан фойдаланган туризм субъект-ларига субвенция ажратиш	Туризмни ривожлантиришда барқарор ривожланишга асосланган чора тadbирларни қўллаш, минтақаларни комплекс ривожланишини таъминлаш, бандлик муаммосини ҳал қилиш	Туризмни ривожлантиришда барқарор ривожланиш концепциясини қўллаш
Инновацияни амалга ошириш	Экотуризмни ривожлантириш	Ўнта сайёҳлик шаҳарлар, тўққизта сайёҳлик рекреация зоналари ва етти та йўлакларини шакллантириш	Шимолий минтақаларда экотуризмни ривожлантириш

Туристлар учун навигация ва йўналишни кўрсатувчи маълумотлар тизимининг халқаро намуналарини танлашда МДХ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларининг халқаро тажрибаларини ўрганишга аҳамият берилган. Ўзбекистон Марказий Осиёда кучли

¹⁰ Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. Ташкент., 2005. -223 с.

транзит салоҳиятига эга транспорт коридори вазифасини бажарувчи мамлакатдир. Қўшни мамлакатларни ўзаро туристик алоқаларини амалга оширишда транспорт хизматларини кўрсатиш орқали ҳам мамлакат қўшимча имкониятларга эга бўлиши мумкин. Мамлакат ичида туристик марказлар ва объектларга олиб борувчи халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларнинг сифати, туристик белгилар ҳамда инфратузилмани халқаро стандартларга мос келиши ҳам туристлар оқимининг ортишига сабаб бўлади.

Собиқ Иттифоқ мамлакатлари ичида даставвал Грузия, Озарбайжон ва Арманистон туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Ҳозирги кунда Грузия нафақат МДХ, балки жаҳон туризмида ҳам етакчи давлатлар қаторига қўшилмоқда. Грузияга 2018 йилда 8,8 миллион сайёҳ ташриф буюрди. Худудининг кичиклиги, рельефининг 70 фоизга яқин қисми тоғликлардан иборатлиги, аҳоли сонининг камлигига қарамасдан Грузия саргузашт, тарихий-маданий, гастрономик, тоғ туризми ва экологик туризм турларини ривожлантирди. Бу мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳларнинг 73 фоизи Озарбайжон, Россия, Арманистон, Туркия каби минтақадаги қўшни давлатларга тўғри келади¹¹.

Мамлакатда туризмни ривожлантириш, энг аввало ички туризм ва қўшни мамлакатлардан сайёҳлар оқимини жалб қилишдан бошланади. Бу борада Европа минтақаси тажрибасини андоза қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Жаҳон бўйича энг кўп туристлар айланмаси Европа минтақасига тўғри келади. Европага энг кўп ташриф буюрадиган сайёҳлар айнан Европа халқларининг ўзларидир. Ушбу халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари орасида ягона “эркин туристик зона”ни шакллантириш минтақанинг ҳар бир давлати учун манфаат келтиради¹². Сўнгги йилларда бу борада ҳукуматимиз томонидан қатор самарали ишлар қилинмоқда. Европа

¹¹ <https://gnta.ge/publication/georgian-tourism-in-figures-2018/>

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги “Чорвок” Эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “2017-2019 йилларда Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳрининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2980-сон Қарори.

мамлакатлари учун ягона бўлган Шенген виза каби “Silk visa”ни Марказий Осиё мамлакатлари учун татбиқ қилиниши, божхона фаолиятининг соддалаштирилиши, яшил йўлақлар ташкил қилиниши, ортиқча қоғозбозлик ва навбат кутишларни олдини олиш борасидаги ишлар шулар жумладандир¹³.

“Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик”(МОМИХ) дастури доирасида мамлакатларда барқарор туризмни ривожлантириш борасида халқаро алоқалар режалаштирилмоқда. “Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик” дастурига 11 та мамлакат- Афғонистон, Озарбайжон, Хитой, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон аъзо ҳисобланади. Бу минтақада ҳамкор давлатлар иштирокида туризмни барқарор ривожлантириш, комбинацияланган туризм лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувлар амалга оширилмоқда¹⁴. Марказий Осиё минтақаси халқи ўзаро диний қадамжоларни зиёрат қилиш, қариндош-уруғчилик муносабатлари ҳамда дўсту биродарларни кўриш мақсадида ҳам сафарларни амалга оширади.

“Минтақанинг туризм жозибадорлигини ошириш мақсадида транспорт коммуникациялари ва инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш зарур. Бутунжаҳон туризм ташкилоти билан биргаликда Марказий Осиёда туризм хабларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш айти шу мақсадга хизмат қилган бўлар эди¹⁵”. 2018 йилда 17 йиллик танаффусдан кейин Тошкент-Алмати, Тошкент-Чимкент, Самарқанд-Нурсултан йўналишидаги автобуслар қатновини йўлга қўйилиши, 2019 йилда “Андижон-Ўш” шаҳарлари ўртасидаги мунтазам қатновларни амалга оширилиши, зиёрат туризмни минтақада янада ривожланишига тurtки беради. Шунингдек, мамлакат ички транспорт тизимидаги ўзгаришлар ҳам бир мунча маҳаллий туризмни ривожланишига таъсир кўрсатди. Хорижий

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сон Фармони.

¹⁴ <https://uzbektourism.uz/>

¹⁵ Мирзиёев Ш.М. “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлақлари тизимида: стратегик истикболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” халқаро конференция. 2018 йил 20 сентябр.

инвестициялар ҳамда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда, тарихий шаҳарларни ўзаро боғловчи автомобиль йўлларининг ҳолатини яхшилаш, “Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива-Нукус”, “Тошкент-Гулистон-Жиззах-Самарқанд-Қарши-Термиз”, “Кўкон-Фарғона-Андижон-Наманган” йўналишларида автобус қатновини йўлга қўйиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда¹⁶.

Мамлакатда туризмни ривожлантиришда Россия тажрибасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. 1967 йилда Юрий Бычков томонидан Москва атрофидаги 8 та (Сергиев Посад-Переславль-Залесский-Ростов Великий-Ярославль-Кострома-Иваново-Суздаль-Владимир) диққатга сазовор шаҳарлар рўйхати маршрут таркибига киритилди¹⁷. Шундай қилиб “Олтин халқа” номи остида машхур туристик бренд шаклланди. Бу халқани умумий узунлиги 876 км ни ташкил қилиб, ҳозирги кунда маршрут таркибига Плес ва Палех шаҳарлари ҳам киритилган¹⁸. Шунингдек, “Олтин халқа” маршрути давомида сайёҳлар 16 та машхур монастырларни зиёрат қилишлари мумкин[23; 52-300-б.]. Ўзбекистон вилоятларининг географик жойлашуви нуқтаи назаридан олиб қаралса Фарғона водийси шаҳарларида бу тажрибани ривожлантириш ижобий натижа беради. Юқоридаги каби “Олтин халқа” тажрибасини диний зиёратгоҳлар мисолида “Етти пир зиёрати” йўналиши бўйича Бухоро вилоятида янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда бу йўналиш бўйича мамлакатимизда нафақат маҳаллий туристлар, балки Индонезия, Малайзия, Саудия Арабистони, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ҳамда қўшни республикалардан зиёратчилар ташрифи ортиб бормоқда.

Марказий Осиё халқларини минтақа бўйлаб сайёҳлик мақсадида фаол ҳаракатланиши учун, энг аввало, юқорида таъкидланганидек виза, божхона ва транспорт соҳаларида имкониятларни яратиб берилиши дастлабки қадамлар ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатлар аҳолисини минтақанинг туристик салоҳияти билан яқиндан


¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонида 1-илова “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш” Концепцияси.

¹⁷ <https://www.culture.ru/materials/165528/zolotoi-yubilei-zolotogo-kolca>

¹⁸ <https://www.kp.ru/best/msk/goroda-zolotogo-koltsa-rossii/>

таништириш учун инфотурларни ташкил қилиш янада катта самара беради. Бугунги кунда юртимизда 8208 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, шулардан бор йўғи 500 таси туристик маршрутлар дастурига киритилган¹⁹. Юқори даражада сайёҳлик саноати ривожланган Хитойга ташриф буюраётган туристлар оқимини жалб қилиш учун ҳам имкониятлар мавжуд. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, Ўзбекистон каби чегарадош мамлакатларда хорижлик сайёҳларнинг асосий қисми яқин кўшни мамлакатлар ҳиссасига тўғри келди. Хусусан, Малайзияда хорижий туристларнинг 74 фоизи кўшни мамлакатлар фуқароларидир, Хитойда ушбу кўрсаткич 72 фоизни ва Францияда 65,5 фоизни ташкил қилади²⁰.

Статистика маълумотларига кўра, 2019 йил давомида Ўзбекистонга 6 748 512 нафар сайёҳ ташриф буюрган, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 5 346 219 кишини ташкил қилган²¹.



1.6-расм. 2016-2019 йилларда Ўзбекистонга хорижий давлатлардан ташриф буюрган туристлар ҳақида маълумот (млн. киши)

Энг кўп сайёҳ Марказий Осиё минтақасидан ташриф буюрган (85,4 фоиз) бўлиб, уларнинг сони 5 764 500 кишига етган. МДХ мамлакатларидан келганлар сони 495 600 кишини (7,3 фоиз) ташкил

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги "Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги №846-сон Қарори.

²⁰ <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=813>

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

қилган. Узоқ хориж мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонлар сони эса 488 400 кишини (7,2 фоиз) қайд этган. Сайёҳларнинг аксарияти Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Россия Федерацияси, Туркия, Афғонистон, Хитой, Корея Республикаси, Ҳиндистон каби давлатлардан ташриф буюрган. Сайёҳлар орасида қариндош-уруғ ва дўстларини кўриш учун 81,8 фоиз, дам олишга 15,5 фоиз, даволаниш, харидлар, бизнес учрашувларда иштирок этиш ҳамда таълим олиш мақсадида келган хорижликлар сони 2,7 фоизни ташкил қилган²².

Хитой жаҳонда туризм ривожланган мамлакатлар бешталигига киради. Хитой 1980 йиллардан бошлаб мамлакатга туристлар оқимини кўпайтириш мақсадида "Очиқ эшиклар" сиёсатини юрита бошлади [15; 187-б.]. Бу мамлакат тажрибасида ички туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Хитойда йилига уч марта фуқароларнинг мамлакат бўйлаб саёҳат қилиши учун "Олтин ҳафта" деб номланган имтиёзли таътил кунлари ташкил қилинади. Миллий байрамлар арафасида меҳмонхона ва туристик марказлар маҳаллий сайёҳлар билан тўлади. Хизматлар нархини бу пайтларда кескин ошиб кетмаслиги учун Хитойда "Арзон нархлар" сиёсати ҳам олиб борилади. Бу каби ёндашув Япония тажрибасида ҳам кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "2018 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш ва дам олиш, байрам кунларидан оқилона фойдаланиши, шунингдек, ички туризмни янада ривожлантириш" мақсадида қабул қилган Фармони ҳам мамлакатда туризмни ривожлантиришда халқаро тажрибалардан самарали фойдаланишдан далолатдир²³. Аҳолига байрамлар (Янги йил, Наврўз ва Мустақиллик куни) арафасида "Golden week" 3 ва 5 кунлик кўшимча дам олиш кунларини белгиланиши ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини ривожлантириш учун энг муҳим механизмлардан

²² <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=964>

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги "2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-5290-сон Фармони.

бири ҳисобланади. Бу саналарда транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилиши ҳамда нархлардаги имтиёзлар мамлакатимиз туризм соҳасидаги халқаро тажрибалардан самарали фойдаланилаётганидан дарак беради.

1.1-жадвал

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли КЎРСАТКИЧЛАРИ²⁴

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
1.	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони (минг киши)	5 346	6 041	7 010	8 410	10 010	10 600	11 250	11 810
2.	Туризм хизматлари экспорти (млн АҚШ доллари)	1 041	1 180	1 360	1 620	1 900	2 000	2 080	2 170
3.	Ички туристлар сони (мингта ташриф)	15493	16 100	17 230	18 806	20 317	21 867	23 404	25 010
4.	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона)	914	1 100	1 620	2 200	2 600	2 800	2 900	3 050
5.	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг)	20,2	24	35	47	55	59	62	64
6.	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг)	41	49	72	95	110	122	124	128
7.	Туроператорлар сони (нафар)	983	1 100	1 190	1 250	1 320	1 390	1 420	1450

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонида 1-илова “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш” Концепцияси.

Туристлик марказларда маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар сонини кўпайтириш учун биринчи навбатда туристик фирмалар, транспорт корхоналари, жойлаштириш воситалари ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини сон ва сифат жиҳатидан тўғри ташкил қилиш зарур. Қуйидаги жадвалдан кўришиб турибдики, мамлакатда 2025 йилгача туристик фирмалар сонини 1450 тага кўпайтириш, жойлаштириш воситаларини ҳам 3050 тага етказиш, улардаги ўринлар сонини 128 мингтагача ошириш орқали туризм хизматлари экспортини кўпайтириш режалаштирилган.

Сўнгги йилларда божхона ва виза тизимида яратилган янгиликлар Ўзбекистонга ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини йилдан-йилга кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили 2016 йилга нисбатан 3,3 баробар кўп демакдир²⁵. Мавсум давомида туристлар сифимининг ортиб бориши, туристик марказлардаги инфратузилма объектларини ҳали етарлича эмаслиги, туризм соҳасини қайта ислоҳ этилишини тақозо этмоқда. Жадвалда келтирилган маълумот шуни кўрсатадики, амалга оширилган ишлар натижасида режалаштирилган даврнинг сўнгги йилида Ўзбекистонга 11 810 минг хорижлик сайёҳлар ташрифи кўзда тутилган. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ўз самарасини бермоқда. Бироқ Covid-19-коронавирусининг жаҳон иқтисодиётига таъсири, ўз навбатида, халқаро туризмни ҳам четлаб ўтмайди. Шу сабабли мамлакатга келиши кутилаётган хорижлик сайёҳлар сони ва туризм соҳасидаги бошқа ислохотлар 2020 ва 2021 йилларда пастрок кўрсаткичларни бериши мумкин.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, мамлакатда туризм соҳасини ривожлантиришда иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилма объектларини барпо этиш борасида давлат-хусусий шерикчилик механизмларини қўллаб қувватлаш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Масалан, Португалияда давлат туристик объектларни

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

барпо этиш учун тадбиркорларга 10 йилгача фоизсиз кредитлар ажратади. Испанияда эса давлат лойиҳанинг 30 фоизигача қисмини бюджет маблағлари ҳисобидан таъминлашга ёрдам беради. Малайзияда туристик фаолият билан шуғулланувчи корхоналар солиқлардан озод қилинади. Худди шундай Туркия ҳам 1982 йилдан бошлаб туризмда давлат ва хусусий шерикчилик муносабатларини ривожлантириш орқали жойлаштириш воситалари, туристик инфратузилма объектлари сонини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилашга эришди. Натижада 2019 йилда мамлакатга 51 860 000 сайёх ташриф буюрди. Улар орқали мамлакат 34,52 млрд. АҚШ доллари миқдоридан даромад олган²⁶.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини миллий хусусиятимизга мос ҳолда намунавий тартибларини ишлаб чиқиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида республиканинг ҳар бир ҳудудидаги туристлар кўп ташриф буюрадиган жойлар ҳамда сайёҳлик маршрутларида 50 тадан санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш ва бошқа туристик инфратузилма объектларини барпо этувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларига солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда²⁷.

Республикада туристик зоналар инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлик марказларида замонавий туристик масканларни барпо этишда хорижий сармояларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Туризмни ривожлантириш борасида катта тажрибага эга бўлган хорижлик компанияларни кичик туристик зоналарга қизиқтириш орқали халқаро стандартларга жавоб берадиган мажмуаларга эга бўлиш мумкин.

2019 йилда ишга туширилган “Амирсой” тоғ-чанғи мажмуасини ишга туширишда Италия, Германия, Австрия, Аргентина, Испания ва Дания каби давлатлардан етакчи лойиҳачи компаниялар жалб этилган. Ушбу масканнинг фаолияти меҳмонлар хавфсизлигини таъминлаш ва уларга қулай шароит яратиш учун юқори сифатли асбоб-ускуналар,

жиҳозлар келтирилиб ўрнатилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 100,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу лойиҳа соҳада катта тажрибага эга Андорранинг “PGI Management” компанияси томонидан амалга оширилган²⁸.

Шунга ўхшаш лойиҳалардан яна бири Туркиянинг “IDEALIST” компаниясидир. Бу компания билан ҳамкорликда Янгикўргон туманидаги Нанай сайёҳлик зонаси, Зомин туманидаги “Суффа” масжиди, Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғида манзилли лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2017 йилда “Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон ва Туркия ҳукуматлараро имзоланган Битимга асосан икки давлат ўртасида ўзаро тажрибалар алмашинмоқда. Туркияда 40 йилга яқин тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, ҳудудларни ва соҳаларни ривожлантиришда *тўғри режалаштириш ҳамда лойиҳалаштириш чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга*. Мамлакатимизнинг хилма-хил табиати ва бой тарихи мавзули туристик зоналар ва кластерларни яратишга имкон беради. Шу орқали Ўзбекистонда туризмнинг истиқболли турларини (зиёрат, маърифий, экологик, этнографик, гастрономик, спорт, даволовчи-соғломлаштирувчи, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик ва бошқаларни) ривожлантириш ва муайян ҳудуд учун янги концепцияларни ишлаб чиқишга замин яратилади.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан вилоятлар имкониятидан келиб чиқиб мавзули туризм ҳудудларини ташкил қилиш бўйича 20 та, инфратузилма объектларини барпо этиш, соҳада фаолият олиб боровчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзлар яратиш бўйича 90 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар туристик фаолият соҳасига оид базани такомиллаштиришга асос бўлади. Республикада туризм соҳасини ривожлантириш учун, энг аввало, халқаро нормалар ва стандартларни жорий этиш, туристлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш бериш муҳим аҳамиятга эга.

²⁶ <http://turkrus.ru/tchislo-turistov-i-dohod-ot-turizma-v-turtsii-v-2015-2019-godah-vrosli-na-971/>

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонида 1-илова “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш” Концепцияси.

²⁸ <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=934>

1.3. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-иқтисодий асослари

Мамалакат иқтисодиётида муайян бир соҳани ривожланиши даставвал ислоҳотлардан бошланиб, кейинчалик бу ислоҳотлар давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Соҳани ривожланиши бевосита давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат ва унинг бевосита ҳуқуқий асосларининг самарадорлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-иқтисодий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Солиқ ва Фуқаролик Кодекслари, 2019 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги, 2001 йил 30 августдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 1999 йил 30 июндаги "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги "Меҳмонхона соҳасига қўшимча инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 6 апрелдаги "Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги, 2017 йил 5 июндаги "Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги, 1998 йил 8 августдаги "Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги, 1995 йил 3 июндаги "Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш тўғрисида"ги қарорлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда туристик фаолиятни тартибга солувчи энг асосий ҳужжат ҳисобланади. Конституциянинг XII боб 53-моддасида "Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият,

тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди" дейилади²⁹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг қатор моддаларида иқтисодий муносабатларни тартибга солишда тадбиркорлик фаолияти, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувининг ҳуқуқий-иқтисодий асослари кўрсатиб ўтилган³⁰. Шунингдек, Солиқ Кодексининг 30 моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар берилиши назарда тутилган³¹.

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисидаги" Қонуни-нинг асосий мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг 6-моддасида туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Унда саёҳатларни амалга ошириш чоғида фуқароларнинг дам олиш, эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, туризм соҳасининг субъектларига солиқ ва божхона имтиёзларини белгилаш орқали рағбатлантириш каби қатор масалалар ўз аксини топган³².

Юқоридаги қонун ҳужжатлари билан дестинацияларда туристик инфраструктурани шаклланиши, соҳада бевосита ва билвосита хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини фаолият юритиши, ташриф буюрувчи сайёҳларни ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинади. Қабул қилинган концепцияларда туристик марказлардаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти кафолатланиши, улар ўртасида соғлом рақобат

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент "Ўзбекистон" 2007. 12-бет.

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. 21.12.1995 й. 9-67-бетлар

³¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли Қонунига мувофиқ янги тахрирда қабул қилинган. 21-бет.

³² Ўзбекистон Республикасининг 18.07.2019 й. ЎРҚ-549-сон "Туризм тўғрисида"ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 16.04.2019 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 21.06.2019 й. маъқулланган)

мухитини яратиш, тегишли соҳаларни ривожлантириш бўйича имтиёз ва имкониятлар берилди.


Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб туризм соҳасини меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Фармонига мувофиқ 1992 йил 27 июлда "Ўзбектуризм" Миллий Компанияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан компанияга қўмита мақоми берилди³³. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қўмита фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилди³⁴. 1993 йилда Ўзбекистон Бутунжаҳон туризм ташкилоти (WTO)га аъзо бўлиши, 2004 йилда ушбу халқаро ташкилотнинг Самарқанд шаҳрида "Буюк Ипак йўли" минтақавий ваколатхонасини ташкил этилиши мамлакат туристик салоҳиятини жаҳон мамлакатлари бўйлаб тарғиб эта бошлади. 1995 йилдан бошлаб анъанавий тарзда Тошкент халқаро туристик ярмаркасини ўтказилиши хорижлик сайёҳлар ҳамда ишбилармонларнинг мамлакатимизга қизиқишларини орттирмоқда³⁵. Жумладан, 2014 йилда БТТ (UNWTO) Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозоридаги ўрнини яна бир бор мустаҳкамлади.

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.12.2016 й. ПҚ-2666-сон "Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.06.2017 й. 356-сон "Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.03.1995 й. 78-сон "Ипак йўли туризми" халқаро туристик ярмаркани тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида"ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.11.2019 й. 904-сон "Ҳар йилги "Ипак йўлида туризм" Тошкент халқаро туризм ярмаркасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

Ўзбекистонда туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш бўйича сўнги йилларда муҳим стратегик дастурлар ишлаб чиқилмоқда³⁶. 1992 йилдан буён мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 100 дан ортиқ Қонунлар, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари каби қатор меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.



1.7-расм. 2016-2019 йилларда туризм соҳасида тадбиркорларга имтиёз ва преференциялар бериш куйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда³⁷.

Туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мазмун моҳиятига кўра куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ❖ Маълум бир туристик марказлар, кичик туристик зоналарни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар;
- ❖ Туризм инфраструктураси ёки унинг субъектларини тартибга солувчи ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳужжатлар;

³⁶ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

³⁷ Муаллиф ишланмаси. <http://cloud.uzbektourism.uz/uzbektourism/downloads/files/Book-curved.pdf>

❖ Мамлакатда туризмнинг маълум бир турларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Сўнги йилларда туризмга иқтисодий стратегик тармоғи, ҳудудларни ривожлантирувчи драйвери сифатида қаралмоқда. Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, Ўзбекистонга хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш, шунингдек мамлакатда замонавий туризм саноатини вужудга келтириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил қилиш борасидаги 1995 йилдаги Президент Фармони халқаро туризмни ривожлантиришдаги дастлабки қадамлардан бири бўлди. Фармонга кўра тижорат банклар тадбиркорларга хусусий меҳмонхоналар ва меҳмонхона инфраструктураси иншоотларини барпо этишлари учун камида 5 йил муддатда тўлаш шарти билан кредитлар бериш назарда тутилган³⁸. Юқорида номи келтирилган йирик туристик марказларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кичик ва ўрта меҳмонхоналар, маданий ва спорт-соғломлаштириш марказлари барпо этиш, ҳудудларнинг туризм имкониятлари ва тарихий-маданий мерос объектларини тарғиб қилиш, сайёҳлик соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди³⁹. Ўзбекистонда барқарор туризмни

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.1995 й. ПФ-1162-сон "Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.03.1995 й. 78-сон "Ипак йўли туризми" халқаро туристик ярмаркани тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида"ги Қарори

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.03.2018 й. ПҚ-3609-сон "2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 й. 828-сон "Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.02.2019 й. 119-сон "2019-2020 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.11.2017 й. 939-сон "Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2017 й. 450-сон "2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори;

ривожлантириш мақсадида 2020 йилда Самарқанд шаҳрида туризм обсерваториясини очиш режалаштирилган. Бундай туристик обсерваториялар мамлакатдаги сайёҳлик марказлари юқини камайитириш орқали переферияларда туризм саноатини диверсификация қилиш имкониятларини очиб беради. 1990 йилдан бошлаб Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) томонидан мамлакатларда "Барқарор туризмни ривожлантириш" бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бу лойиҳаларда мамлакатда доимий равишда миллий ва ҳудудий даражалардаги туризмни ривожлантиришга оид замонавий қарорларни қабул қилиш ва уларнинг ишончли ечимларини топиш борасидаги ишлар бажарилади. Бу каби лойиҳалар Барқарор туризм обсерваториялари халқаро тармоғи (International Network of Sustainable Tourism Observatories – INSTO) томонидан ҳозирги кунда 14 та мамлакатда амалга оширилади. Уларнинг сони жам 27 та бўлиб, шундан 9 таси Хитойда фаолият олиб боради⁴⁰.

Бироқ бутун дунё иқтисодий таъсир кўрасатаётган Covid-19-коронавируси Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар ва уларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бозор муносабатларини шаклланиши минтақаларда туризм хизматлари соҳасини ҳам кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар яратади. Бироқ COVID-19 сабабли жаҳоннинг 96 фоиз мамлакатларида туристик хизматларни кўрсатиш учун қатъий чекловлар ўрнатилди. 2020 йилнинг биринчи чорагида 209 та давлат халқаро саёҳатларни чеклаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Бу давр минтақалар бўйича таҳлил қилинса, Африка, Осиё ва Тинч океани, шунингдек Яқин Шарқдаги барча давлатлар саёҳатлар учун чекловлар киритди. Европа минтақасининг 93 фоиз мамлакати ва Америка қитъасининг-92 фоиз мамлакатларида саёҳатларга чекловлар қўйилди. Туристлик хизматларга чекловларни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.09.2013 й. 261-сон "Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.06.1999 й. ПФ-2332-сон "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармони.

⁴⁰ <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=832>

қўйилиши COVID-19 билан ҳасталанган беморларнинг тасдиқланиш кўрсаткичларини ортиши географиясига қараб кенгайиб борди. Хитой, АҚШ, Италия, Испания, Франция ва Германия каби жаҳоннинг йирик туристик марказлари “касаллик ўчоғи” га айланди. Натижада аксарият авиакомпаниялар ва меҳмонхоналар тизими катта иқтисодий талофатлар ҳамда йўқотишларга дуч келди.

Бу инқироз албатта Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмайди. “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”да жорий йилда мамлакатга ташриф буюрувчи хорижлик сайёҳлар сонини 7 млн дан, туризм хизматлари экспортини 1360 млн АҚШ долларидан ошириш назарда тутилган эди. Шу билан бирга концепцияда жойлаштириш воситаларини кўпайтириш, туроператор ва ички туризмни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Бирок коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан “форс-мажор” ҳолатларида тадбиркорлик субъектларига турли енгиллик ва имтиёзлар берилмоқда⁴¹.

Мамлакатимизда карантин даври билан боғлиқ чоралар тугатилганидан сўнг соҳани зудлик билан қайта ривожлантиришда турли замонавий инновацион бизнес гоялар орқали ички ва халқаро туризм ривожлантириб борилади. Дастлаб минтақалар туризмни ривожлантирувчи стартаплар, ёшлар фестиваллари, имтиёзли туристик дастурлар пандемияни салбий оқибатларини юмшатиш ва туристик хизматлар бозорини жонланишига кўмаклашади. Минтақаларда қисқа вақт ичида ички туризмни жадал ривожланиши хорижлик сайёҳларни келиши, “хавфсиз туризм” ривожланиши учун кафолат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида, аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб -қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони

тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга қаратилган⁴². Фармонга асосан:

✓ 2020 йил 1 октябрга қадар туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича кечиктиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) узайтириш;

✓ 2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади;

✓ 2020 йил 1 апрелдан хўжалик юритувчи субъектларга мол мулк, ер ва сувдан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойгача кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имтиёзи берилди;


✓ Вақтинчалик қийинчиликни бошдан кечираётган апрелдан хўжалик юритувчи субъектларига мол мулк, ер ва сувдан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича пенялар ҳисобланиши тўхтатиб турилиши, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилмаслиги солиқ имтиёзи сифатида берилди;

✓ Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан кичик саноат (туристик) зоналари инфратузилма объектлари учун 400 млрд сўм ажратилиши назарда тутилган;

✓ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фаолияти туризм соҳасига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини 30 фоизга камайитириш ваколоти берилди.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2020 й. ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони.


Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг таклифларига биноан тижорат банклари томонидан туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича кечиктиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) 2020 йил 1 октябрга қадар узайтиришга рухсат берилди.



1.8-расм. 2020 йил 1 январдан бошлаб туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларни қўллаб қувватлаш механизми⁴³

Ўзбекистон минтақаларида қадимий ёдгорликлар ва тарихий-маданий обидалар билан боғлиқ классик йўналишлардан ташқари экотуризм, археологик туризм, зиёрат туризми, экстримал туризм, гастрономик туризм, қишлоқ туризми каби йўналишларни ривожлантиришга хизмат қилувчи субъектлар ҳамда хорижлик компаниялар фаолиятини қўллаб қувватлаш мақсадида қуйидагича механизмлар ишлаб чиқилмоқда.

Ташкил этилаётган кичик туристик зоналарда фаолият олиб боровчи юридик шахсларга жаҳон стандартларига мос келувчи маданий кўнглинлар инфратузилма объектларини барпо этганликлари учун фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ижтимоий тўловдан, шунингдек хориждан олиб келинган атракционлар, ускуналар, жойлаштириш воситаси сифатида фойдаланувчи ер усти транспорт воситалари учун божхона божи ва акциз солиғидан озод қилиниши Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарорларида эътироф этилган.



1.9-расм. 2023 йил 1 январгача қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланувчи корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзлари берилади⁴⁴.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5781-сонли Фармони. 13.08.2019

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5781-сонли Фармони. 13.08.2019

Тошкент шаҳрида "Эски шаҳар" туризм зонасини барпо этиш, Чорвоқ, Бойсун, Нанай, Зомин ҳудудларида туристик салоҳиятни янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида кичик туристик зоналар ташкил қилиш бўйича манзилли қарорлар қабул қилинди⁴⁵. Республикада олдинги махсус туристик зоналарнинг муваффақиятли лойиҳалаштирилганлигини инобатга олган ҳолда "Шовот", Хива шаҳрида "Ғовук кўл" ҳамда Сирдарё вилояти Дўстлик канали бўйидаги кичик туристик зонаси борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда⁴⁶.

Ташкил қилинган кичик туристик зоналарга ҳам кичик саноат зоналари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва қоидалари татбиқ этилиши назарда тутилган. Унга кўра улар жойлаштирилган кундан эътиборан 2 йил муддатга юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солиғи ва фойда солиғидан (солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланаётганда) ҳамда ягона солиқ тўловидан («соддалаштирилган» тартибда) озод этилади. Шу билан бирга кичик туристик зоналарни ривожлантиришда қуйидаги қўшимча афзалликлар берилган:

➤ ишлаб чиқариш майдонлари ижара тўловининг энг кам ставкасини қўллаш;

⁴⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 сентябрдаги "Тошкент шаҳрида "Эски шаҳар" туризм зонасини барпо этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3260-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.2018 й. 365-сон "Чорвоқ" эркин туристик зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

⁴⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5781-сонли Фармони. 13.08.2019; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.02.2019 й. 119-сон "2019-2020 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.

➤ зарур ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмани куриш "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" АК, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва пойтахт ҳокимлиги ва бошқаларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади⁴⁷.

Ўзбекистон Республикасида 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Концепцияда қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун имтиёзлар берилган. Туризмни ривожлантириш мумкин бўлган дестинацияларда хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини яхшилаш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга доир лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Мамлакатда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш вилоятларнинг ўзига хос туристик салоҳиятидан келиб чиқиб, махсус дастурлар ва ёндошувларни талаб этмоқда. Тошкент вилоятида туризмни ривожлантиришда "Олтин халқа" концепциясини амалга ошириш ижобий самара беради. Вилоятнинг туризм салоҳияти юқори бўлган Зангиота, Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон, Бўка, Чиноз туманлари ва Ангрен шаҳрини камраб олган туристик маршрутларни ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий-иқтисодий асослари яратилмоқда⁴⁸. Танлаб олинган бу ҳудудларда қулай туристик шарт-шароитлар яратиш орқали аҳоли даромадларини оширишга эришилади. Маҳаллий ва хорижлик туристларга маданий дам олиш муассасалари, экотуризм, қишлоқ туризми ва экстремал туризм, турли хил спорт турларини ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш концепциянинг асосий вазибалари ҳисобланади.

Республика даражасида "Олтин халқа" лойиҳаси ўрганиладиган бўлса Фарғона водийси вилоятлари ҳам ўзининг географик жойлашуви, ранг-баранг табиати, хунармандчилиги, урф-одатлари ва гастрномияси билан яхлит бир тизимга айланиши мумкин.

⁴⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.01.2019 й. ПФ-5621-сон "Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

⁴⁸"Олтин халқа" туризм Концепцияси (ЎзР ВМ 31.12.2019 й. 1053-сон қарорига 1-илова)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 октябрдаги "Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳудудларда туризм фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларни янада ортишига сабаб бўлади. Айни пайтда мамлакатимиздаги актив туристик "Олтин халқа" Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини ўз ичига олади. Сўнги йилларда бу халқани кенгайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси манзилли қарорлари қабул қилинди⁴⁹. Қарорга мувофиқ "Ҳисор" давлат кўриқхонаси ҳудудидан Амир Темур ғори, динозавр излари, Ҳазрати Султон ота зиёратгоҳи ва Сувтушар қишлоғи яқинидаги шаршара объектларидан фойдаланиш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Бойсун, Сариосиё ва Шеробод кичик туризм зоналарини ташкил қилишда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари, тижорат банкларининг кредитларини белгиланган тартибда жалб этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларини туристик имкониятларини очиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида қатор дастурлар, инновацион стартаплар ва бизнес ғояларни қўллаб-қувватловчи грантлар ажратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони республикамизнинг барча вилоятларини ягона тизимга бирлаштирувчи "туризм транспорт коридорини" яратилишининг ҳуқуқий-иқтисодий асоси бўлди⁵⁰. Фармонга кўра "Ўзбекистон туризм

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.05.2018 й. 324-сон "Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.03.2019 й. 198-сон "Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.08.2019 й. ПФ-5781-сон "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

магистрали" туризм транспорт коридори_Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридан Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрига ва Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳригача бўлган бир нечта вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларни ўз ичига олади.

Қуйида кўрсатилган жадвалда М39 ва А380 халқаро аҳамиятга эга бўлган Нукус-Урганч-Бухоро-Қарши-Термиз автомагистрали, Бухоро-Навоий-Самарқанд-Тошкент автомагистрали, Қарши-Самарқанд-Тошкент автомобил йўллари А373 трассаси орқали Ўзбекистоннинг энг шарқий, энг жанубий ва энг шимолий нуқталарини туристик мақсадларда ўзаро боғлиди.

1.2-жадвал

"Ўзбекистон туризм магистрали" туризм транспорт коридоридаги автомобил йўллари рўйхати⁵¹

№	Рақами	Автомобил йўллари ному	Узунлиги, км
1.	М39	Алмати-Бишкек-Тошкент-Шахрисабз-Термиз (Чимкент орқали, Қозоғистон Республикаси чегараси-Ғишткўприк-Тошкент-Чиноз-Жиззах-Самарқанд-Шахрисабз-Ғузор-Термиз, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида)	628
2.	А373	М39 автойўли – Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон-Андижон-Ўш (М39 автойўли (918 км) Сардоба — Бўка — Оҳангарон — Ангрен — Қўқон — Шахрихон — Андижон — Ўш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида)	475
3.	А380	Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу (Ғузор — Қарши — Муборак — Бухоро — Тупроққалъа — Беруний — Нукус — Хўжайли — Қўнғирот — Қозоғистон Республикаси чегараси, Бейнеу)	1204

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги "Йўлбўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини қабул қилиниши

⁵¹ Жадвал <https://lex.uz/docs> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 октябрдаги "Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳудудларда туризм фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларни янада ортишига сабаб бўлади. Аини пайтда мамлакатимиздаги актив туристик "Олтин халқа" Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини ўз ичига олади. Сўнги йилларда бу халқани кенгайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси манзилли қарорлари қабул қилинди⁴⁹. Қарорга мувофиқ "Ҳисор" давлат кўриқхонаси ҳудудидан Амир Темур ғори, динозавр излари, Ҳазрати Султон ота зиёратгоҳи ва Сувтушар қишлоғи яқинидаги шаршара объектларидан фойдаланиш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Бойсун, Сарийосиё ва Шеробод кичик туризм зоналарини ташкил қилишда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари, тижорат банкларининг кредитларини белгиланган тартибда жалб этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларини туристик имкониятларини очиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида қатор дастурлар, инновацион стартаплар ва бизнес ғояларни қўллаб-қувватловчи грантлар ажратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони республикамизнинг барча вилоятларини ягона тизимга бирлаштирувчи "туризм транспорт коридорини" яратилишининг ҳуқуқий-иқтисодий асоси бўлди⁵⁰. Фармонга кўра "Ўзбекистон туризм

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.05.2018 й. 324-сон "Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.03.2019 й. 198-сон "Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.08.2019 й. ПФ-5781-сон "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

туризм магистрالي йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш ва автомагистраль йўллари бўйлаб туризм хизматларини ташкил этишга катта хисса қўшади⁵². Ушбу магистрални ишга туширилиши доирасида маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш, қўшимча бўш иш ўринларини яратиш, жойлардаги аҳоли даромадлари ҳамда уларнинг турмуш даражасини кўтариш, махсус зоналарга инвестицияларни жалб қилиш бўйича манзилли стратегик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида меҳмонхоналар, транспорт корхоналари, савдо, кафе ва ресторанлар, хунармандчилик, ижара тизими фаолиятини мувофиқлаштиришнинг қонуний асосларини таъминлаш мамлакатда соҳа ривожланишига замин яратади. Туризм транспорт коридорининг М39 автомагистралининг Жиззах вилоятдан ўтувчи қисмида бир кеча кундузда 25 мингдан ортиқ автомобилларни ўтиши, вилоятнинг Дўстлик, Пахтакор, Шароф Рашидов ва Ғаллаорол туманларининг иқтисодий географик ўрнини қулайлигини кўрсатиб беради⁵³. Маҳаллий тадбиркорларни вилоят худудидан ўтувчи туристларга сифатли хизматлар кўрсатиши, уларни вилоятда узоқ муддат қолишига олиб келади. Бу ўз навбатида туманлар иқтисодий кўрсаткичларини ошишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида асосий фаолият тури тематик хиёбонлар хизматларини ташкил қилиш бўлган юридик шахсларни улар томонидан тематик хиёбонлар фойдаланишга топширилган кундан эътиборан 3 йил муддатга-юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилиши таъкидланган⁵⁴.

⁵² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.09.2019 й. 793-сон "Йўлбўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

⁵³ <http://jizzax.uz/print:page>

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2018 й. ПФ-5326-сон "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 7 февралдаги Қарорида 12 миллион сўмгача-ҳар йили 2025 йилнинг 1 январига қадар хўжалик юритувчи субъектларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена тармоқларини (фаррошлар иш ҳақи, гигиена, тозалаш ва ювиш воситаларини сотиб олиш, коммунал харажатларни тўлаш) солиққа тортишда имтиёзлар бериш масаласи кўриб чиқилган. Шунингдек, қарорда туризм инфратузилмаси объектларини (тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари, умумий овқатланиш пунктлари, хизмат кўрсатиш объектлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари, йўлбўйи инфра-тузилмасининг сервис хизматлар кўрсатиладиган худудлари, бозорлар, расталар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларни) сақлашга йўналтирилган харажатлари учун ҳам солиқ имтиёзлари берилиши таъкидланган⁵⁵.

Мамлакат туризм салоҳиятидан комплекс ҳамда узоқ муддатли фойдаланишда маданий меърос объектлари, рекреация, экотуризм ва атроф-муҳитдан тадбиркорлик орқали даромад олишда оптимал ҳуқуқий-иқтисодий шарт-шароитлар механизминини яратиш зарур. Бу учун мамлакатда туризм соҳасини тўғри ташкил қилиш, жойлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади. Туристтик ва инфраструктура объектларидан фойдаланишнинг меъерий-ҳуқуқий асосларини яратган ҳолда маҳаллий бошқарув органлари орқали иқтисодий-ташкилий жиҳатларига эътибор қаратиш билан минтақаларда туристлар оқимини кўпайтиришга эришилади⁵⁶. Шу билан бирга мамлакатда туризмни ривожлантиришда ахборот-коммуникация тизмларидан кенг фойдаланиш, аҳоли ўртасида

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2018 й. ПҚ-3514-сон "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.07.2017 й. ПҚ-3129-сон "Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

мафкуравий, тарбиявий ҳамда ватанпарварлик ғоялар каби бошқарув механизмларига асосланади⁵⁷.

Шу ўринда маҳаллий ва хорижлик туристлар хавфсизлигини таъминлаш, тиббий суғурта фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда бўлиш муддати ва мақсадидан келиб чиқиб шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича қондаларни халқаро стандартларга мослаштириш талаб этилмоқда. Мамалакатимизда хавфсиз туризмни таъминлаш, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг республика бўйлаб эркин ҳаракатланишида автомобил, темир йўл ва ҳаво транспорти инфратузилмаси объектларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди⁵⁸. Бугунги кунда “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз шаҳар” концепцияси Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби туристик марказларга тадбиқ қилиниб, босқичма-босқич Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида ҳам амалга оширилмоқда. Франциянинг Insurly порталида эълон қилинган рейтингга кўра “Хавфсиз туризм” бўйича Ўзбекистон жаҳонда 46-ўринда, МДХ мамлакатлари орасида эса 1-ўринни эгаллади⁵⁹. Бу рейтингда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими даражаси ҳам (81 балл) юқори баҳоланган.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.09.2017 й. 747-сон “Хорижий оммавий ахборот воситалари ва туризм соҳаси ташкилотлари вакиллари учун Ўзбекистонда ахборот турларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2017 й. ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.03.2019 й. ПҚ-4229-сон “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.2019 й. 669-сон “Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида пулли хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш тўғрисида”ги Қарори.

Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 03.11.2004 й. 1421-сон билан рўйхатга олинган, “Ўзбектуризм” МК 13.09.2004 й. 23-сон, МХХ 29.10.2004 й. 9/1005-сон, ИИБ 27.09.2004 й. 7-сон, ФВВ 15.09.2004 й. 1/5/4-622-сонли қарори билан тасдиқланган).

⁵⁹ <http://uza.uz/oz/tourism/zbekiston-khavfsiz-turizm-b-yicha-dunyeda-46-md-da-1-rinni-e-21-02-2020>.

мафкуравий, тарбиявий ҳамда ватанпарварлик ғоялар каби бошқарув механизмларига асосланади⁵⁷.

Шу ўринда маҳаллий ва хорижлик туристлар хавфсизлигини таъминлаш, тиббий суғурта фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда бўлиш муддати ва мақсадидан келиб чиқиб шарт-шароитлар яратиш бериш бўйича қоидаларни халқаро стандартларга мослаштириш талаб этилмоқда. Мамлакатимизда хавфсиз туризмни таъминлаш, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг республика бўйлаб эркин ҳаракатланишида автомобил, темир йўл ва ҳаво транспорти инфратузилмаси объектларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ-бузарликнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди⁵⁸. Бугунги кунда "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз шаҳар" концепцияси Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби туристик марказларга тадбиқ қилиниб, босқичма-босқич Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида ҳам амалга оширилмоқда. Франциянинг Insurly порталида эълон қилинган рейтингга кўра "Хавфсиз туризм" бўйича Ўзбекистон жаҳонда 46-ўринда, МДХ мамлакатлари орасида эса 1-ўринни эгаллади⁵⁹. Бу рейтингда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими даражаси ҳам (81 балл) юқори баҳоланган.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.09.2017 й. 747-сон "Хорижий оммавий ахборот воситалари ва туризм соҳаси ташкилотлари вакиллари учун Ўзбекистонда ахборот турларини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2017 й. ПҚ-2995-сон "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.03.2019 й. ПҚ-4229-сон "Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.2019 й. 669-сон "Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида пулли хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш тўғрисида"ги Қарори.

Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 03.11.2004 й. 1421-сон билан рўйхатга олинган, "Ўзбектуризм" МК 13.09.2004 й. 23-сон, МХХ 29.10.2004 й. 9/1005-сон, ИИБ 27.09.2004 й. 7-сон, ФВВ 15.09.2004 й. 1/5/4-622-сонли қарори билан тасдиқланган).

⁵⁹ <http://uza.uz/oz/tourism/zbekiston-khavfsiz-turizm-b-yicha-dunyeda-46-md-da-1-rinni-e-21-02-2020>.

Ўзбекистонда туризм билан шуғулланувчи хорижлик инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар фаолиятини ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга унинг иқтисодий қўллаб қувватлаш чоралари Ҳукумат қарорларида ўз аксини топган. Унга кўра, янги меҳмонхоналар ва бошқа туризм инфратузилма иншоотлари куриш, мавжудларини модернизация қилиш учун узоқ муддатли (15 йилгача) кредитлар ажратиш, қурилиш материаллари ва асбоб ускуналарга божхона имтиёзлари бериш, кредит ва фоизларни қоплашда меҳмонхоналарнинг мавсумийлигини ҳисобга олувчи имтиёзлар берилган⁶⁰. Сўнги йилларда Тошкент шаҳрида "Hilton", "Hyatt Regency Tashkent" ва "Lotte City Hotel Tashkent Palace" бренди остидаги меҳмонхоналарни очилиши хорижий инвесторлар ва сайёҳларни мамлакатимизга қизиқишини янада орттиради. Қонун ҳужжатларида туризм соҳасида фаолият олиб боровчи хусусий сектор вакилларида қисқа муддат ичида иқтисодий, маъмурий, ҳуқуқий муҳит ва қулай шарт-шароит яратиш бериш кўзда тутилган. Шу билан бирга тадбиркорлар олдида соғлом рақобат муҳити яратиш ва туристик хизматлар сифатини халқаро

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.11.1993 й. 564-сон "Тошкент шаҳрида отели бўлган кичик бизнес-марказни куриш тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.02.1996 й. 72-сон "Тошкент шаҳридаги меҳмонхона комплексини "Бақри Инвестииндо" (Индонезия) компаниясига сотиш тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.1996 й. 334-сон "Халқаро классдаги "Интерконтиненталь-Тошкент" меҳмонхона мажмуини фойдаланишга топшириш тўғрисида"ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.11.1996 й. 380-сон "Тошкент шаҳрида халқаро классдаги 4 юлдузли меҳмонхона қурилиши тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.03.1998 й. 89-сон "Тошкент шаҳрида халқаро классдаги 4 юлдузли меҳмонхона қурилиши самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.1999 й. 339-сон "Хорижий инвестициялар иштирокидаги меҳмонхона комплексларига имтиёзлар бериш тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2000 й. 449-сон "Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги "Афросиёб" ва "Бухоро" меҳмонхоналарни Германиянинг "Инпро Хотелс" ва "Штайнбергер Резервацион Сервис" фирмалари бошқарувида бериш тўғрисида"ги Қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.09.2002 й. 310-сон "Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

стандартлар даражасига етказиш, кўшимча бўш иш ўринларини яратиш каби вазифалар кўйилган⁶¹.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда туризм турларини ҳудудларда диверсификация қилиш кўпроқ самара беради. Чекка қишлоқ жойлар ва тоғли ҳудудлар хусусиятидан келиб чиқиб агротуризм, экотуризм, гастрономик туризм, тоғ туризми, зиёрат туризми каби сайёҳлик турларини ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мумкин. Мамлакатдаги 18 та сув омборлар салоҳиятидан туризм намойиши объекти ва рекреация зоналари сифатида тўлиқ фойдаланиш, сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари атрофида экотуризмни ташкил этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга эллик йилдан узоқ бўлмаган муддатга ер участкаларини ижарага бериш бўйича Хукумат қарори қабул қилинди⁶². Бу ҳудудларда туризм хизматлари инфратузилмаси, тадбиркорлик фаолияти, ҳаваскорлар учун балиқ ови, қайикда сузиш, сув омборлари дамбалари устида кўриш, экотурлар (илмий ва саргузашт) ва бошқа туризм хизмати турларини кўрасатувчи тадбиркорлар учун имтиёзлар берилган.

1.4-§. Андижон вилоятининг биоиклимий шароитлари ва улардан ҳудуд туристик салоҳиятни оширишда фойдаланиш имкониятлари

Маълумки, инсон организми ташқи муҳит, хусусан, об-ҳаво шароитларининг таъсирига юқори сезгирликка эга. Бу ҳолда сайёҳнинг физиологик ҳолатига об-ҳаво шароитларининг таъсирини инобатга олиш талаб этилади. Мазкур таъсир, биринчи навбатда, *иссиқлик компорти*, яъни инсон танаси қанча иссиқлик ишлаб чиқарса, шунча

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2017 й. ПҚ-3217-сон "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.

⁶² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.12.2018 й. 978-сон "Экотуризмни ривожлантириш ва сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида ер участкалари ажратиш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори

микдордаги иссиқликни йўқотадиган ҳолат билан тавсифланади. Бундай шароитда, инсон на совуқ, на иссиқни ҳис этади. Инсон танаси ҳарорати одатда 36,6–36,8°C даражасида сақланиб туради.

Ҳудудларнинг биоиклимий комфорт туристик шароитларини баҳолаш Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожланишини таъминлашга кўмак беради. Комфорт туристик зоналарни аниқлаш мамлакатдаги туристик "ўсиш кутблари"ни очишда муҳим аҳамият касб этади. Сайёҳлик марказларида туристик мавсумнинг давомийлигини ўрганиб чиқиш имкони яратилади. Натижада, туристик марказларга ташриф буюраётган хорижлик ва маҳаллий туристлар ўзлари учун энг қулай мавсумни танлашлари мумкин.

Андижон вилояти биоиклимий шароитларининг ҳудудий ва вақт бўйича тақсимланиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази тасарруфидаги вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган Андижон, Қўрғонтепа, Бўстон ва Улуғнор метеорологик станцияларида 2015-2019 йиллар даврида ҳаво ва метеорологик нуктаси ҳароратларининг кундузги муддатли (маҳаллий вақт билан соат 08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00) кузатиш маълумотлари қаторларини статистик қайта ишлаш асосида аниқланди. Кузатиш муддатларини кундузги муддатлари олинганлигига асосий сабаб туристик маршрутлар ва дастурлар асосан кундузги вақтга тўғри келиши билан изоҳланади. Биоиклимий шароитларни баҳолаш учун табиий муҳитда инсоннинг иссиқликни ҳис қилишини ифодаловчи ҳаво курғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти (К)дан фойдаланилди [50; 90-95-б.]:

$$K = \frac{T - t_d}{T} = \frac{\Delta}{T} \quad (3.1)$$

бу ерда: T – ҳаво ҳарорати (Кельвинларда); t_d – шудринг нуктаси ҳарорати; Δ – шудринг нуктаси ҳарорати дефицити.

Мазкур коэффициент ҳаво ҳарорати ва намлигининг иссиқликни ҳис қилиши билан биргаликдаги таъсирини ифодалаб, уларнинг ўзгаришларига нисбатан етарли сезгирликка эга. Инсон иссиқликни ҳис қилиши ҳамда ҳарорат ва курғоқчилик коэффициентининг ўзаро боғланиши асосида қуйидаги олти ҳиссиёт зоналари ажратилган: 1 –

стандартлар даражасига етказиш, қўшимча бўш иш ўринларини яратиш каби вазифалар қўйилган⁶¹.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда туризм турларини ҳудудларда диверсификация қилиш кўпроқ самара беради. Чекка қишлоқ жойлар ва тоғли ҳудудлар хусусиятидан келиб чиқиб агротуризм, экотуризм, гастрономик туризм, тоғ туризми, зиёрат туризми каби сайёҳлик турларини ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мумкин. Мамлакатдаги 18 та сув омборлар салоҳиятидан туризм намоиши объекти ва рекреация зоналари сифатида тўлиқ фойдаланиш, сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари атрофида экотуризмни ташкил этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга эллик йилдан узоқ бўлмаган муддатга ер участкаларини ижарага бериш бўйича Ҳукумат қарори қабул қилинди⁶². Бу ҳудудларда туризм хизматлари инфратузилмаси, тадбиркорлик фаолияти, ҳаваскорлар учун балиқ ови, қайиқда сузиш, сув омборлари дамбалари устида кўриш, экотурлар (илмий ва саргузашт) ва бошқа туризм хизмати турларини кўрасатувчи тадбиркорлар учун имтиёзлар берилган.

1.4-§. Андижон вилоятининг биоклимий шароитлари ва улардан ҳудуд туристик салоҳиятни оширишда фойдаланиш имкониятлари

Маълумки, инсон организми ташқи муҳит, хусусан, об-ҳаво шароитларининг таъсирига юқори сезгирликка эга. Бу ҳолда сайёҳнинг физиологик ҳолатига об-ҳаво шароитларининг таъсирини инобатга олиш талаб этилади. Мазкур таъсир, биринчи навбатда, *иссиқлик комфорти*, яъни инсон танаси қанча иссиқлик ишлаб чиқарса, шунча

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.08.2017 й. ПҚ-3217-сон "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.

⁶² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.12.2018 й. 978-сон "Экотуризмни ривожлантириш ва сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида ер участкалари ажратиш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори

микдордаги иссиқликни йўқотадиган ҳолат билан тавсифланади. Бундай шароитда, инсон на совуқ, на иссиқни ҳис этади. Инсон танаси ҳарорати одатда 36,6–36,8°C даражасида сақланиб туради.

Ҳудудларнинг биоклимий комфорт туристик шароитларини баҳолаш Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожланишини таъминлашга кўмак беради. Комфорт туристик зоналарни аниқлаш мамлакатдаги туристик "ўсиш кутблари"ни очишда муҳим аҳамият касб этади. Сайёҳлик марказларида туристик мавсумнинг давомийлигини ўрганиб чиқиш имкони яратилади. Натижада, туристик марказларга ташриф буюраётган хорижлик ва маҳаллий туристлар ўзлари учун энг қулай мавсумни танлашлари мумкин.

Андижон вилояти биоклимий шароитларининг ҳудудий ва вақт бўйича тақсимланиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази тасарруфидаги вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган Андижон, Қўрғонтепа, Бўстон ва Улуғнор метеорологик станцияларида 2015-2019 йиллар даврида ҳаво ва шудринг нуқтаси ҳароратларининг кундузги муддатли (маҳаллий вақт билан соат 08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00) кузатиш маълумотлари қаторларини статистик қайта ишлаш асосида аниқланди. Кузатиш муддатларини кундузги муддатлари олинганлигига асосий сабаб туристик маршрутлар ва дастурлар асосан кундузги вақтга тўғри келиши билан изоҳланади. Биоклимий шароитларни баҳолаш учун табиий муҳитда инсоннинг иссиқликни ҳис қилишини ифодаловчи ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти (К)дан фойдаланилди [50; 90-95-б.]:

$$K = \frac{T-t_d}{T} = \frac{\Delta}{T} \quad (3.1)$$


бу ерда: T – ҳаво ҳарорати (Кельвинларда); t_d – шудринг нуқтаси ҳарорати; Δ – шудринг нуқтаси ҳарорати дефицити.

Мазкур коэффицент ҳаво ҳарорати ва намлигининг иссиқликни ҳис қилиши билан биргаликдаги таъсирини ифодалаб, уларнинг ўзгаришларига нисбатан етарли сезгирликка эга. Инсон иссиқликни ҳис қилиши ҳамда ҳарорат ва қурғоқчилик коэффицентининг ўзаро боғланиши асосида қуйидаги олтита ҳиссиёт зоналари ажратилган: 1 –

ўта совук, 2 – совук, 3 – комфорт, 4 – нисбий комфорт, 5 – иссиқ, 6 – ўта иссиқ [50; 202-209-б.].

Ажратилган иссиқликни ҳис қилиш зоналаридаги кунлик ва мавсумий тадқиқот натижаларидан фойдаланиб, туристик фирмалар халқаро ва маҳаллий сайёҳлар учун энг самарали туристик маршрутлар ва дастурларни ишлаб чиқишлари мумкин.

1.10-расмда иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг йил ичидаги ўртача кўп йиллик тақсимоти яққол ифодаланган йиллик ўзгаришнинг мавжудлигини кўрсатди. Ҳар бир кузатиш муддатлари бўйича биоиклимий шароитларнинг йил ичидаги тақсимоти хусусиятларини таҳлил қиламиз.



1.10-расм. Андижон (а), Қўрғонтөпа (б), Бўстон (в) ва Улуғнор (г) метеорологик станцияларида иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг йил ичидаги тақсимоти, 08.00
1 - ўта совуқ, 2 - совуқ, 3 - комфорт, 4 - нисбий комфорт, 5- иссиқ, 6 - ўта иссиқ

Соат 08.00 даги кузатиш муддатида Андижон станциясида октябрнинг иккинчи ярмидан мартгача бўлган давр давомида 2-зона, яъни “совуқ” ҳиссиёт шароитлари қайд этилиб, “ўта совуқ” (1-зона) шароитлар фақат қиш ойларида кузатилади. Бу туризмнинг тарихий, маданий, зиёрат, археология каби турлари учун дискомфорт давр


саналади. Апрель, май, сентябрь ва октябрнинг биринчи ярмида “комфорт” шароити (3-зона), ёз ойларида эса “нисбий комфорт”, яъни 4-зона шароитлари устуворлик қилади (1.10-расм, 1а-расмга қаранг). Андижон шаҳри ва унинг атрофидаги Андижон, Асака, Шаҳрихон, Избоскан, Олтинқўл туманлари учун туристик комфорт давр асосан март ойининг иккинчи ярмидан бошланади. Аҳолини иқтисодиётда бандлигидан келиб чиқиб “нисбий комфорт” давр бу ҳудудларда тарихий маданий туризмни ривожлантириш учун энг қулай мавсум ҳисобланади.

январ	февр	март	апр	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
			“пик” даври								
			“юкори” даври								
			“ўрта” даври								
			“суст” даври								
			“ўлик” даври								

1.11-расм. Тарихий маданий туризмнинг мавсумийлиги. (Андижон 11.00)

Тоғолди ҳудудида жойлашган Қўрғонтөпа станциясида ҳам октябрнинг иккинчи ярмидан бошлаб “совуқ” (2-зона) иссиқликни ҳис қилиш шароитлари устуворлик қилиб, апрелнинг бошланишигача давом этади. Бу ерда “ўта совуқ” (1-зона) шароитлар нафақат қиш ойлари, балки октябр ва ноябрда ҳам кузатилади. Демак, Марҳамат, Булоқбоши, Хўжаобод, Пахтаобод, Жалақудуқ, Қўрғонтөпа туманлари ва Хонобод шаҳри асосан тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашганлиги сабабли туристик мавсумнинг бошланиши Андижон ва унинг атрофида жойлашган туманларга нисбатан 10-15 кунга кечроқ бошланади. “Комфорт” иссиқлик шароитлари мартнинг охири декадасидан июннинг бошланишигача ҳамда августнинг охири декадасидан октябрнинг биринчи ярмигача ҳукмронлик қилади. Таъкидлаш жоизки, муайян намлик шароитлари вужудга келганда ноябрь ҳамда қиш ойларида ҳам комфорт шароитлари қайд этилади. Июль-август оралиғида станцияда 4-зона, яъни “нисбий комфорт”


шароитлари юзага келади (1.10 б-расмга қаранг). Юқорида санаб ўтилган туманларда тоғ туризми, экотуризм, рекреация, агротуризм каби туризм турларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.



1.12-расм. Экотуризм ва тоғ туризмнинг мавсумийлиги (Қўрғонтепа 14.00)


Туризмнинг бу турлари учун туристик “пик” давр асосан 4-зона “нисбий комфорт” даврига тўғри келади. Айнан мана шу ҳудудларда 1-ўта совуқ ва 2-совуқ даврида бошқа 3 та станциялар атрофидаги туманларга нисбатан ҳаво намлигининг юқорилиги тоғ-чанғи спортини ҳам ривожлантиришга асос бўлади.

Ёзьявон чўли ҳудудида жойлашган Бўстон ва Улуғнор станциялари иссиқликни ҳис қилиш шароитлари бўйича ўзаро ўхшаш йиллик ўзгаришга эга (1.10 г-расмга қаранг). Ноябрьдан мартгача бўлган даврда бу станцияларда “совуқ” (2-зона), апрель-май ва сентябрь-октябрь мобайнида “комфорт” (3-зона), ёз ойларида эса “нисбий комфорт” (4-зона) иссиқлик ҳиссиёти шароитлари устуворлик қилади. Бироқ, юқорида қайд этилганидек, ҳаво ҳарорати ва намлигининг муайян шароитларида бу станцияларда “комфорт” шароитлари кеч куз ва киш ойларида, “нисбий комфорт” шароитлари эса сентябрь, апрель ва май ойларида ҳам кузатилиши мумкин. Айнан мана шу даврда Улуғнор, Бўстон, Балиқчи туманларида ов ва сафари туризмни ривожлантириш мумкин. Июль ва августда Улуғнор станциясида 5-зона, яъни “иссиқ” ҳиссиёт шароитлари юзага келади.



1.13-расм. Ов туризмнинг мавсумийлиги (Улуғнор 11.00)

Бўстон туманида қалин ўрмонзорнинг фауна ва флора оламини томоша қилиш мақсадидаги маршрутларни ҳам уюштириш мумкин. Шунингдек, овчилик, балиқ ови мақсадидаги экскурсиялар, фотоовчилик, табиатдаги ажойиб ҳайвонларни эркин ҳолда кўриш мақсадидаги дастурларни тузиш ҳам мақсадга мувофиқ. Саёҳат дастурига нафақат маҳаллий жойларни кўриш, балки чўлли ҳудудда автомобиль бошқариш, тўсиқларни енгиб ўтиш, лагер ҳаётига ўрганиш, фавқулодда вазиятларда яшаб кета олиш, кўпқари, улоқ каби қизиқарли экстремал миллий оммавий ўйинларни ҳам киритиш мумкин.




1.14-расм. Сафари туризми мавсумийлиги (Бўстон 11.00)

11.00 дан 17.00 гача бўлган кузатиш муддатларида барча станцияларда иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг деярли ўхшаш йиллик тақсмоти қайд этилади (3-илова ва 5-иловага қаранг). Ноябрьнинг иккинчи ярмидан мартнинг бошларигача бўлган даврда станцияларда “ўта совуқ” (1-зона) ҳиссиёт шароитлари кузатилади.

Мартда ва октябрнинг охиридан ноябрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда ҳамда муайян метеорологик шароитларда қиш ойларида “совуқ” ҳиссиёт шароити устуворлик қилади. Бу даврда вилоят учун хос бўлган ички туризм пасив давр ҳисобланади. Апрель ва октябрь бу муддатларда “комфорт” шароитлари кузатиладиган ойлар ҳисобланади. Ушбу ойлар ички туризмни бошланиш ва тугалланиш даври ҳисобланади. Май, июнь, августнинг иккинчи ярми ва сентябрда “нисбий комфорт” шароитлари, августнинг биринчи ярми ва йилнинг энг иссиқ оғи - июлда “иссиқ” шароитлар қайд этилди. Инсон учун “нисбий комфорт”, “иссиқ” ва “ўта иссиқ” бўлган бу даврларда вилоятнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида, дарё ва сойлари ҳамда очик сув ҳавзалари атрофида дам олувчилар сони кескин ортади.

Кўриниб турибдики, туристик оқим мавсумга қараб туманлар бўйича ўз йўналишини ва турларини ўзгартирмоқда. Вилоят туризми учун хос бўлган хусусият ички туризмнинг актив даври асосан “нисбий комфорт”, “иссиқ” ва “ўта иссиқ” бўлган даврларга тўғри келмоқда. Сабаби вилоятда ёшлар сонининг кўплиги, уларни доимий таълим олиш давридан таътилга чиқиши, шунингдек вилоят аҳолисининг доимий меҳнат билан фаол шуғулланиш (қишлоқ хўжалиги) даврининг бироз сусайганлиги, ҳаво ҳароратининг кескин исиб кетиши каби омиллар ички туризмда сафарлар сонини кескин ортишига сабаб бўлади.

1.15-расмда соат 20.00 даги кузатиш муддатида йилнинг совуқ давридаги иссиқлик ҳиссиёти шароитлари 08.00 даги кузатиш муддатидаги шароитларга мос келади. Октябрдан мартгача бўлган даврда барча станцияларда асосан “совуқ” (2-зона) иссиқлик ҳиссиёти шароитлари қайд этилиб, ҳаво ҳарорати ва намлигининг муайян мутаносиблигини таъминловчи метеорологик шароитларда қиш ойларида “ўта совуқ” ва “комфорт” шароитлар ҳам юзага келиши мумкин. Апрель ва майнинг бошланиши ҳамда сентябрнинг иккинчи ярми ва октябрда “комфорт” иссиқлик ҳиссиёти шароитлари ҳукмронлик қилади. “Нисбий комфорт” (4-зона) шароитлари майнинг иккинчи ярмидан бошлаб сентябрнинг биринчи ярмигача давом этади.




1.15-расм. Андижон (а), Кўрғонтёпа (б), Бўстон (в) ва Улуғнор (г) метеорологик станцияларида иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг йил ичидаги тақсимоти, 20.00
1 - ўта совуқ, 2 - совуқ, 3 - комфорт, 4 - нисбий комфорт, 5 - иссиқ, 6 - ўта иссиқ

Июль ва август ойларида бу муддатда “иссиқ” (5-зона) шароитларининг ортиши қайд этилади. Бундай ҳолат Бўстон ва, айниқса, Кўрғонтёпа ҳамда Улуғнор станцияларида кучлироқ ифодаланган бўлиб, ҳаво ҳароратининг кундузги муддатлардагига нисбатан сезиларли пасайишига қарамай ундаги намлик миқдорининг ортиши билан изоҳланади. Шундай қилиб, юзага келган метеорологик шароитлар ҳавонинг “дим” бўлишини таъминлайди (1.15 б, в, г - расмга қаранг).

Вилоятда жойлашган метеорологик станцияларда иссиқлик ҳиссиёти шароитлари такрорланувчанлигининг йил давомидаги ўзгаришини 1.16-расмда таҳлил қиламиз.

Иссиқлик ҳиссиёти шароитлари ўртача кўп йиллик йил ичидаги тақсимотининг юқорида келтирилган таҳлиliga мувофиқ қиш ойларида соат 08.00 даги кузатиш муддатида “ўта совуқ” шароитлар қайд этилган ҳолатлар Андижон станциясида январнинг биринчи декадасида 18% дан февралнинг биринчи декадасида 38% гача

тебранади (1.16-расмга қаранг). Қўрғонтепа станциясида мазкур зона шароитлари қайд этилган ҳолатлар декабрнинг биринчи декадасида 14% дан февралнинг учинчи декадасида 40% гача ораликда ўзгарган (1.16 б -расмга қаранг). Бўстон ва Улуғнор станцияларида қиш ойларида “ўта совуқ” шароитларнинг такрорланувчанлиги 22% дан ошмагани ҳолда, Бўстонда февралнинг биринчи декадасида мазкур зонанинг такрорланувчанлиги 58% ни ташкил этган (1.16 в, г-расмга қаранг).



1.16-расм. Андижон (а), Қўрғонтепа (б), Бўстон (в) ва Улуғнор (г) метеорологик станцияларида иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг йил ичидаги такрорланувчанлиги, 08.00

1 - ўта совуқ, 2 - совуқ, 3 - комфорт, 4 - нисбий комфорт, 5- иссиқ,
6 - ўта иссиқ

Баҳор мавсумида март ойдан бошлаб 1 ва 2-зона шароитларининг такрорланувчанлиги камайиб, “комфорт” (3-зона) шароитларининг қайд этилиши кузатилади ҳамда мартнинг учинчи декадасидан уларнинг такрорланувчанлиги ортиб боради. Бу даврда Андижон, Қўрғонтепа ва Бўстон станцияларида 3-зона мос равишда 86%, 71% ва 80% ни ташкил этади. Улуғнорда “комфорт” шароитининг такрорланувчанлиги бу декадада атиги 11% ни ташкил этади. Апрель-май оралиғида барча станцияларда 3-зона устуворлик

қилиб, унинг такрорланувчанлиги 36% дан 94% гача (Улуғнор) тебранади. Шу билан бирга, бу даврда 1 ва 2-зона шароитлари кузатилган ҳолатлар кичик такрорланувчанлик билан қайд этилади. Андижон ва Қўрғонтепада апрелнинг иккинчи декадаси, Бўстонда мартнинг учинчи декадаси, Улуғнорда эса майнинг биринчи декадасидан бошлаб “нисбий комфорт”, май ойдан бошлаб “иссиқ” зоналар кузатила бошлайди.

Ёз мавсумида барча станцияларда “нисбий комфорт” шароитларининг улуши кескин ортиб, уларнинг такрорланувчанлиги ёзнинг дастлабки декадаларида 90% дан ортиши мумкин. Май ойида қайд этилиши бошланган “иссиқ” зона шароитларининг такрорланувчанлиги ортиб боради ҳамда такрорланувчанлиги июль ва август ойларида максимал қийматларга эришади. Андижон ва Қўрғонтепада бундай шароитлар 18%, Бўстонда 40%, Улуғнорда эса 52% гача ҳолатларда кузатилади. Юқорида таъкидлаганидек, тоғолди ва чўл худудларида ҳаво ҳарорати ва намлигининг муайян мутаносиблигини таъминловчи метеорологик шароитларда 5% гача бўлган такрорланувчанлик билан “ўта иссиқ” зона шароитлари ҳам қайд этилади (1.16 б,в,г -расмга қаранг).

Куз мавсумида Андижон ва Қўрғонтепа станцияларида сентябрнинг биринчи, Бўстон ва Улуғнор станцияларида эса иккинчи декадасидан бошлаб 3-зона шароитларининг такрорланувчанлиги устуворлик қила бошлайди. Бу ҳолат октябрнинг учинчи декадасигача давом этиб, кузнинг кейинги декадаларидан бошлаб “совуқ” зона шароитларининг такрорланувчанлиги ортиб боради.

Кейинги кузатиш муддатларида (соат 11.00, 14.00, 17.00 ва 20.00) тадқиқ этилаётган станциялардаги иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг такрорланувчанлиги ўзаро яқин ўзгариш тамойилларига эга (6-илова ва 9-иловага қаранг). Қиш ойларида бу муддатларда “ўта совуқ” шароитларнинг такрорланувчанлиги эрталабки муддатдаги кўрсаткичларга нисбатан анча катта. Айрим ҳолларда 3-зонанинг такрорланувчанлиги 90% гача ортади. Бу ҳолат қиш ойларида водий худудида тунги тумандан кейин об-ҳавонинг очилиши оқибатида ҳавонинг радиацион совиши билан изоҳланади.

Март ойидан бошлаб совук кунларнинг улуши камайсада, “комфорт” шароитларининг устуворлиги мартнинг иккинчи-учинчи декадасидан бошлаб содир бўлади ҳамда апрелнинг сўнги, майнинг биринчи декадасигача давом этади. Бу даврда 3-зонанинг такрорланувчанлиги 25-85% оралиғида тебранади. Майнинг иккинчи декадасидан июлнинг бошланишига қадар даврда барча станцияларда “нисбий комфорт” шароитлари устунлик қилади. Шу билан бирга, “иссиқ” ҳиссиёт шароитининг такрорланувчанлиги (Бўстон ва Улуғнор станцияларида) 30-50% гача ортиб боради (8 в,г-иловага қаранг). Июль ва августда барча станцияларда 5-зона (“иссиқ”) шароитлари устуворлик қилади. Соат 17.00 даги кузатиш муддатида 5-зонанинг такрорланувчанлиги 80% дан ортиқни ташкил этиши мумкин (14 в-иловага қаранг). Бу ойлarda 14.00 дан 20.00 гача бўлган вақт оралиғида чўл худудларида (Бўстон ва Улуғнор) 6-зона (“ўта иссиқ”) шароитлари кузатилган ҳолатларнинг такрорланувчанлиги ҳам ортиб боради. Масалан, соат 20.00 даги кузатиш муддатида Улуғнорда бу зонанинг такрорланувчанлиги августнинг биринчи декадасида 40% ни ташкил этган (8 г-иловага қаранг).

Куз мавсуми бошланиши билан (сентябрь ойи) барча станцияларда яна “нисбий комфорт” шароитларининг такрорланувчанлиги ортиб боради. Октябрь давомида вилоят худудида “комфорт” шароити устуворлик қилиб, унинг такрорланувчанлиги 80% дан ортиши мумкин (1.10-расмга қаранг). Октябрнинг учинчи декадасидан бошлаб тадқиқ этилаётган станцияларда “совук”, ноябрь ойидан бошлаб эса “ўта совук” зона шароитларининг такрорланувчанлиги ортиб боради (6-илова ва 9-иловага қаранг).

Юқорида бажарилган таҳлилларга асосланиб, мартнинг учинчи декадасидан майнинг биринчи декадасигача ҳамда сентябрнинг учинчи декадасидан октябрнинг иккинчи декадасигача бўлган даврларда вилоятнинг барча тадқиқ этилган станцияларида “комфорт” шароитлари юзага келиши аниқланди.

Таҳлил натижалари туризм соҳасида муқобил бўлган туризм турлари (рекреация, тоғ туризми, тиббиёт, гастрономик туризм) ва вилоятда туристик мавсум қизғин бўлмаган “ўлик мавсум”да ҳам

сайёҳлар оқимини тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Маълумки, туризмнинг ҳар бири тури ўзининг мавсумийлик хусусиятига эга. Туристлар оқимининг “пик” даври, “юқори” даври, “ўрта” даври, “сув” даври ва “ўлик” даврлари мавжуд. Шунга мос ҳолда худудларда туризм турлари ва хизматлар бозорини тартибга солишни (бошқаришни эмас) маҳаллий ҳокимият органлари тегишли мутахассислар билан амалга оширади (назорат қилади).

Худудларда туризмнинг замонавий турларини истеъмолчиларга тақдим қилиш, талаб ва таклиф қонуниятлари, тадбиркорларга соғлом рақобат ҳамда қулай инвестиция муҳитини яратиш беради. Туристлик ресурсларни халқаро ва маҳаллий бозорларда фаол реклама қилиш, малакали кадрларни тайёрлаш минтақада туризм бизнесининг аҳамиятини оширади.

Худудга маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар ташрифининг ортаётганлиги ва турдош соҳаларни жадал диверсификацияси соҳада банд бўлган ходимларнинг ўсиб боришидан дарак беради. Бу, ўз ўзидан, туристик марказларда қўшимча ходимлар тайёрлаш, касб-ҳунарга қайта ўқитиш, маданият ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда янги дастурларни ишлаб чиқишга туртки беради.

Биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон худудида жойлашган туристик ва инфратузилма объектларига саёҳатлар мавсумийлиги аниқ белгиланади. Туристлик реестрда мавжуд, бироқ маршрутлар таркибига киритилмаган ресурсларнинг аҳамияти (халқаро, республика ва маҳаллий) тадқиқ этилади. Вилоятларда янги туристик объектлар (тарихий, маданий, зиёрат, археологик, рекреация, экотуризм, агротуризм, гастрономик туризм ва б.) ва маршрутларни очиш мақсадида худуд салоҳияти ўрганилди. Туристлик марказлардаги инфратузилма объектлари (меҳмонхона, меҳмон уйлари, кафе ва ресторанлар, савдо мажмуалари, санитария-гигиена шохобчалари ва бошқа хизматлар) маркетинги, талаб ҳажмлари, туристик бозор сигими, бозордаги нархлар ҳақидаги маълумотлар базаси йиғилди.

II. АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

2.1-§. Вилоятда туризмни ривожлантиришда табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларнинг аҳамияти

Вилоят табиатининг жозибadorлиги, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланганлик даражаси ва маданий объектларга бойлиги каби омиллар худудга кўпроқ халқаро ва маҳаллий туристларни жалб қилади. Туризмнинг ривожланишига ўзгармас ва ўзгарувчан туристик омиллар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, худуднинг табиий-географик қонуниятлари ўзгармаслик хусусиятига эга. Бундан ташқари, худуднинг кўп асрлик маданий мерос объектлари ҳам ўзгармас туристик омиллардан бири саналади.

Худуддаги ижтимоий, иқтисодий, демографик ва сиёсий жараёнлар ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир. Шу боис, туристик зона ичидаги кичик периферияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, инфратузилма шарт-шароитлари, демографик ёки сиёсий муҳитларда тафовутлар бўлиши мумкин. Туризмни ривожлантиришдаги асосий омиллардан бири бу аҳоли даромадлари ва бўш вақтнинг мавжудлигидир.

Андижон вилоятида маданий мерос объектлари Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида бўлгани каби бир жойда комплекс эмас, балки майдони кичик бўлишига қарамасдан тарқоқ ҳолда жойлашуви билан характерланади. Шунга қарамасдан, вилоятда туризмнинг бир неча турларини ривожлантириш имкониятлари бўлиб, аралаш ёки мажмуали туристик маршрутларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Мажмуали мавзудаги туристик маршрутлар- "...туризм ресурслари асосан узок масофаларда жойлашганлигидан туристлар зерикмаслиги учун йўлбўйи туристик объектларни ҳам турмаршрутга киритилади ва йўл-йўлакай қизиқарли экскурсиялар уюштирилади" [62; 93-б.].

Шу боис, вилоятда туризмни ривожлантириш масаларида 2.1-жадвалда кўрсатилган жадвалдаги омилларни ҳисобга олиш ижобий натижаларни беради.

Андижон вилоятида туризмни ривожланишига таъсир этувчи омиллар⁶³

	Омиллар	Ижобий	Салбий
Табиий	Табиати	Минтақанинг табиий ресурслари бўлган ер, сув, иқлим, табиати, шифобахш сувлари, рельефи, тупроқлари, ўсимлик туркуми, хайвонот дунёси, ер ости бойлиги	Аҳоли сони ва зичлигига нисбатан очик қўллар, сув ҳавзаларининг етарли даражада эмаслиги; Қўриқхоналар, муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг мавжуд эмаслиги.
	Иқлим шароитлари	Баҳор, ёз ва куз фаслларида туризм билан шугулланиш имкониятлари мавжуд	Континентал хусусиятга эга бўлиб, давомли қуруқ, ёзи иссиқ, қиши мўътадил.
	Географик жойлашуви	Қирғизистон Республикаси, Фарғона ва Наманган вилояти билан чегарадош эканлиги	Периферияда жойлашганлиги
Ташкилий	Бошқарув	Туризмни ташкил қилишда маҳаллий ҳокимият органлари, худудий бошқармаларнинг соҳага эътибори ортмоқда	Вилоятда кичик туристик зоналарнинг мавжуд эмаслиги
	Инфратузилма (аэропорт, транспорт, алоқа)	Алоқа ва транспорт йўллари қониқарли даражада	Умумий даража юқори эмас, аэропорт халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бермайди
	Ресторанлар (озик-овқат ва ичимликлар)	Гастрономияси яхши ривожланган	Етарли даража рекламанинг йўқлиги

⁶³ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

2.1-жадвалнинг давоми

Ижтимоий	Муносабат	Аҳоли бўш вақтида туризмда фаол иштирок этади	Туристлик объектларни илоҳийлаштириш
	Маданият	Аҳолининг меҳмондўстлиги, одамшинавандалик	Халқаро туристларга намойиш қилиш имкониятининг камлиги
	Халқ амалий ижоди	Миллий хунармандчиликнинг юқори даражада ривожланганлиги	Жуда кам миқдорда туристик реестрга олинганлиги
Демографик	Истеъмолчи сифатида	Вилоят аҳолиси сони, ёш, жинс, миллий таркиби ҳамда табиий ўсиши истеъмол кўпайишига сабаб бўлади	Кўп фарзандли оилаларда саёхатга чиқиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги.
Иқтисодий	Туристлик кооперация	Минтақада туризмнинг ўрни, туризмни бошқа тармоқлар билан алоқадорлиги, тадбиркорлик субъектларига берилётган имтиёзлар, туристик корхоналарнинг фаолияти, аҳоли бандлиги, даромадлари, харид қобилиятининг ошиб бораётганлиги	Туристлик хизматлар бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги
Сиёсий	Сиёсий аҳвол	Барқарор	Қўшни Қирғизистон Республикасидаги айрим сиёсий беқарорликлар.
		Чегара, божхона, виза масалаларидаги қулайликлар эвазига қўшни Қирғизистон Республикасидан ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш.	

Андижон вилоятини шимол, шарқ ва жануби-шарқий томонидан Қирғизистон Республикасининг “жанубий пойтахти” Ўш вилояти ва Жалолобод вилоятлари ўраб туради. Қўшни давлат билан вилоятнинг 7 та тумани чегарадош бўлиб, чегараларнинг умумий узунлиги 409,3 км ни ташкил қилади. Вилоят ғарбдан Фарғона вилояти (101,2 км) ва шимоли-ғарбдан Наманган вилояти (106,6 км) билан чегарадош. Мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашгани учун географик жиҳатидан Ўзбекистоннинг “шарқий дарвозаси” ҳисобланади. Айрим манбаларда “Андижон” атамасининг келиб чиқиши сув билан боғланган. Яъни, Андижон топоними келиб чиқиши жиҳатидан туркий тилда “дарё қиргоғидаги шаҳар” ёки “орол” маъносини англатади [16; 17-б.]. Андижон шаҳридан Қорадарёнинг ирмоғи Андижонсой оқиб ўтади.

Андижон вилоятининг энг шарқий нуқтаси Хонобод шаҳри бўлиб, “Ўзбекистон туризм магистрали” айнан мана шу ердан бошланади. Вилоятнинг шимолий нуқтаси Пахтабод туманининг Маданият қишлоғи ҳисобланади. Бу ҳар иккала туманнинг, қолаверса вилоят географик ўрнининг бундай қулайлиги, яқин келажакда вилоятнинг туризм бозорини нафақат Фарғона водийсидан балки, қўшни Қирғизистон, қолаверса Тожикистон ва Хитойлик сайёҳлар билан ҳам тўйинтириш имконини беради.

2019 йилда Ўзбекистонга жами 6 748 512 киши ташриф буюрган, 2018 йилда бу кўрсаткич 5 346 219 кишини ташкил қилган. Туристлар оқими ҳисобот даврига нисбатан 26,2 фоизга ошган. Ташриф буюрувчилар ичида 5 520 719 нафари, яъни 81,8 фоизи сафар мақсадларига кўра қариндош-уруғлари ва дўстларини йўқлаш мақсадида мамлакатимизга келишган⁶⁴. Улар асосан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва шу каби мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу “қўмсаи, соғиниш туризми”, деб номланиб, “...қариндошлариникига, туғилган жойларга ва яқинлариникига ташриф қилиш эҳтиёжига асосланган ва халқаро

⁶⁴ Манба. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


туристик алмашувда муҳим ўринни эгаллайди”[63; 26-б.]. Мамалкатимиз ички туризмга оид мавжуд статистик маълумотларни умумлаштириш ва уларни картада тасвирлаш асосида 1:5 500 000 масштабдаги Ўзбекистонда сафар масадлари бўйича ички туризм картаси яратилди (2.1-расмга қаранг).

Вилоят худуди шимолдан жанубга 73,6 км, ғарбдан шарққа 139,4 км га чўзилган бўлиб, ромб шаклини эслатади. Худуднинг бундай компакт шаклдалиги туристик маршрутлар тузишда қулайликлар туғдиради. Андижон вилоятининг умумий ер майдони 4,3 минг км², чегара узунлиги бўйича 617,1 км ни ташкил қилиб, республикамизнинг атига 1 фоизга яқин қисмини эгаллайди. Мамлакатимизнинг туристик марказлари бўлган Хоразм вилоятидан 1,4 марта, Самарқанд вилоятидан 4,3 марта ва Бухоро вилоятидан 9,3 мартага кичик ҳисобланади.

Андижон вилоятини жанубдан Туркистон ва Олой, шарқдан Фарғона ва Отўйноқ, шимолдан Чотқол, шимоли-ғарбдан эса Қурама ва Қорамозор тоғ тизмалари, ғарбдан Мўғултоғ ўраб туради [26; 12-б.]. Вилоятнинг шарқий, жануби-шарқий минтақалари бўлган Қўрғонтепа, Жалақудуқ Хўжаобод, Булоқбоши ва Марҳамат туманларидаги Чилустун, Чилмайрамдон, Қиртоштау (1545 м), Ўрта тау (1184 м), Қоратоғ (1350 м) тоғ ва тоғ олди худудларидан экотуризм ва тоғ туризми мақсадларида фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

О.Х. Хамидов юқорида санаб ўтилган худудларда экотуризмни ташкил қилиш ва бошқариш ҳақида қуйидагича фикрларни билдиради. “...атроф-муҳитга онгли равишда муносабатда бўлиб, салбий таъсирни энг кам даражага тушириш, муҳофаза этиладиган табиий худудларни ободонлаштиришни молиялаштиришга ёрдам бериш, экотуристик фирмаларга тегишли даромад олишга имконият яратиш, маҳаллий аҳоли учун даромад манбаини барпо этиш, сайёҳларни экологик маданиятга ўргатиш” каби масалаларга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди [67; 13-б.].

ЎЗБЕКИСТОНДА САФАР МАҚСАДЛАРИ БЎЙИЧА ИЧКИ ТУРИЗМ



2.1-расм. Ўзбекистонда сафар мақсадлари бўйича ички туризм картаси.

Андижон вилояти геологик тузилиши жадвали⁶⁵

Зоналар	Эралар	Даврлар	Давомийлиги (млн.йил)	Тоғ ва адирлар	Жойлашган худуди
Фанерозой	Кайназой	Тўртламчи	67	Тешиктош Андижон Асакадир Қораадир	Жалакудук Андижон Асака Мархамат
		Мезозой	Бўр	Қоратоғ	Қўрғонтепа
	Палеозой	Тошкўмир	330	Қоратоғ Улуғтоғ	Қўрғонтепа Мархамат
		Девон		Қоратоғ Чилустун Чилмайрамдон	Қўрғонтепа Хўжаобод Булокбоши
		Силур		Қоратоғ Қиртоштау	Қўрғонтепа Булокбоши

Вилоятни тоғлар билан биргаликда ёш бурмалардан иборат адир минтақалар ҳам ўраб туради. Қўрғонтепа туманидаги Тошоҳур ва Сузоқ, Жалакудук туманидаги Тешиктош адир, Асака ва Мархамат туманларидаги Асака адир ҳамда Қора адирлар вилоятда рекреацияни ривожлантиришдаги омиллардан бири бўла олади [30; 603-607-б.].

Географ олимлар Ў.Якубов ва Х.Ваҳобовнинг илмий ишларида (2012) рекреацион туризм- "recreatio" (лотинча) тиклаш маъносини англатади деб таъриф берилди. Рекреация инсонларни соғломлаштириш ва жисмоний қайта тикланиш каби фаолият турлари билан шуғулланади. Рекреация хизматлари санаторийлар, курортлар, дам олиш уйлари, пансионатлардаги шифобахш сувлар, тоза ҳаво, туз, балчиклар, кумлар ва бошқа муолажалар ёрдамида амалга оширилади.

Улуғнор туманида 42 фоиз ва Бўстон туманида 32 фоиз тупроқларнинг механик таркиби кумли ва кумлоқ ерларни ташкил қилади. Рельефи текислик ҳамда чўл минтақасидан иборат. Бу минтақалардаги кум барханлардан (гелиотерапия) куёш нурида даволаниш, рекреация мақсадларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу туманларнинг табиатидаги кўчма кум барханлар айрим жойларда ботқоқларнинг мавжудлиги сафари (чўл) туризми, экотуризм ва ов туризмини ривожлантиришга тurtки беради [30; 603-607-б.].

Минтақада туризмни ривожлантиришнинг табиий омилларидан яна бири худуднинг геологик тузилишидир. Кайназой, мезозой ва палеозой эралари ётқизиқлари ҳосил қилган геологик шакллар вилоятда "геотуризм"ни ривожлантиришга асос бўла олади.

А.Н.Нигматов фикрига кўра, "геотуризм" бу-инсонларни геосистемаларга саёҳатидир [46; 138-145-б.]. Муайян муддат оралигида сайёҳларнинг геологик объектларга ташрифи, тоғларнинг ноёб табиат ёдгорликлари, ғорлар, геологик кўрикхоналар, геопаркларни томоша қилиши туризмнинг мавзули тури - геотуризм ҳисобланади.

Юқоридаги жадвалда келтирилган тоғ ва тоғ олди ҳамда адир минтақаларда ноёб геологик ёдгорликлар, кесмалар худудлар табиати жозибдорлигини янада оширади. Жанубий Оламушук, Андижон, Хўжаобод, Хортум, Полвонтош каби нефть ва газ конлари, кудуқлардан ҳам геотуристтик объектлар сифатида фойдаланиш мумкин.

Андижон вилояти 8 ва 9 баллик юқори сейсмик худудда жойлашган. 1902 йилда (Андижон), 1903 йилда (Ойим), 1947 йилда (Найман), 1992 йилда (Избоскан) 8 ва 9 балли кучли зилзилалар оқибатида Темурийлар ва Захириддин Муҳаммад Бобур даврида яратилган тарихий-меъморий обидалар бутунлай вайронага айланган [32; 21-27-б.].

Вилоятнинг иқлими кескин континентал, куруқ. Қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача ҳарорати -3°C, ёзи эса иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати 27.3°C. Вегетация даври 217 кун, йиллик ўртача ёғин


⁶⁵ Жадвал муаллиф томонидан ишланган. Манба "Андижон вилояти ўлкашунослик атласи". - Т.2015. 12 б.

микдори 200-250 мм. ни ташкил этади. Бундай қулай иқлим туристларга баҳор, ёз ва куз фаслларида саёҳатларни амалга оширишда кенг имкониятлар беради.

Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан Андижон вилояти сув ресурсларига бойлиги, тоғлардаги кўп йиллик қор ва музликлардан сув олиб туриши билан ажралиб туради. Асосий дарёси – Қорадарё (Сирдарё ирмоқларидан бири) бўлиб, узунлиги 143 км. Бу дарё суғорма деҳқончилик учун муҳим аҳамиятга эга, шунингдек У маҳаллий туризмни ташкил қилишда ҳам аҳамиятли. Ирмоқлари – Ясси, Қоракулжа, Қуршаб, Тар, Майлисув, Оқбура, Аравонсой, Қораунгур, Кугарт ва бошқалар. Дарёлар ва сойликлар соҳилидаги рекреация ҳудудларига асосан Норин, Тентақсой, Андижонсой, Катта Фарғона магистрал, Катта Андижон магистрал, Жанубий Фарғона, Мазгилсой, Сарикжўга, Сариксув каналлари, Шаҳрихон сой каби юзлаб анҳорлар ва ариқлар киради [31; 254-259-б.]. Вилоятда учта- Андижон, Отчопар ва Асака адир сув омбори бўлиб, улардан ҳам туристик мақсадларда фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Фарғона водийсида жами 18 та ер ости сув конлари бўлиб, улар ҳар бир вилоят ҳиссасига 6 тадан тўғри келади. Қўрғонтепа, Жалакудук, Хўжаобод, Андижон, Марҳамат, Бўз туманлари ва Хонобод шаҳрида ер ости сувларидан рекреация мақсадларида фойдаланиш учун шифобахш булоқлар аниқланган.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Андижон вилоятида доимий аҳоли сони 3127,6 кишини ташкил этади. Шундан 1633,7 минги (52,3 фоиз) киши шаҳар жойларда, 1493,8 минги (47,7 фоиз) кишлоқ жойларда истиқомат қилади. Қуйидаги чизмада вилоят туманлари бўйича аҳоли сонининг ҳудудий тақсимланиши кўрсатилган. Андижон шаҳри, Асака, Шаҳрихон, Андижон, Избоскан ва Қўрғонтепа туманларининг 200 мингдан ортиқ аҳолига эга эканлигини кўриш мумкин. Аҳоли сони 100 минг кишигача бўлган туманлар Улуғнор, Бўстон ва Хонобод шаҳарлари ҳисобланади. Вилоят бўйича аҳоли зичлиги 1 кв. км га 727 киши тўғри келади.



2.2-расм. Ҳудудлар кесимида аҳоли сонининг тақсимланиши 01.01.2020 й. (минг киши)⁶⁶

Вилоят шаҳарлари турли функцияларни бажаради: Андижон-кўп тармоқли, иқтисодий, сиёсий, маданият ва фан маркази; Асака ва Шаҳрихон-саноат ва миллий хунармандчилик маркази, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Охунбобоев, Булоқбоши, Куйганёр, Пахтаобод, Пойтуғ, Олтинкўл, Балиқчи, Оқолтин, Бўстон, Марҳамат-агросаноат шаҳар ва шаҳарчалар туман маъмурий марказлари. Қорасув ва Хонобод шаҳарлари транспорт, савдо, саноат ва туризм марказларидир. Бундай кичик ҳудудда аҳоли сонини кўп ва зич жойлашуви бошқа соҳалар каби туристик хизматлар бозорига эҳтиёж юқори эканлигини кўрсатади. Вилоятда истеъмолчи кўп бўлишига қарамадан, туристик хизматлар бозори етарлича шаклланмаган. Туристлик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳаллий туристлар учун қизиқарли дастурлар ишлаб чиқиш орқали ички туризмни тартибли ривожлантириш ва юқори даромад олишга эришишлари мумкин.

Вилоят аҳолиси асосан табиий ўсиш ҳисобига кўпайиб 2018 йилга нисбатан 60,7 минг кишига ёки 102 фоизга ўсган. Миграция сальдоси манфий -2174 кишини ташкил этади. Халқаро туризмга

⁶⁶ Андижон вилоятининг статистик ахборотномаси. Андижон. 2019 йил январь-декабр. 131 б.

миқдори 200-250 мм. ни ташкил этади. Бундай қулай иқлим туристларга баҳор, ёз ва куз фаслларида саёҳатларни амалга оширишда кенг имкониятлар беради.

Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан Андижон вилояти сув ресурсларига бойлиги, тоғлардаги кўп йиллик қор ва музликлардан сув олиб туриши билан ажралиб туради. Асосий дарёси – Қорадарё (Сирдарё irmoқларидан бири) бўлиб, узунлиги 143 км. Бу дарё суғорма деҳқончилик учун муҳим аҳамиятга эга, шунингдек у маҳаллий туризмни ташкил қилишда ҳам аҳамиятли. Ирмоқлари – Ясси, Қоракулжа, Куршаб, Тар, Майлисув, Оқбура, Аравонсой, Қораунгур, Кугарт ва бошқалар. Дарёлар ва сойликлар соҳилидаги рекреация ҳудудларига асосан Норин, Тентаксой, Андижонсой, Катта Фарғона магистрал, Катта Андижон магистрал, Жанубий Фарғона, Мазгилсой, Сарикжўга, Сариксув каналлари, Шаҳрихон сой каби юзлаб анҳорлар ва ариқлар киради [31; 254-259-б.]. Вилоятда учта-Андижон, Отчопар ва Асака адир сув омбори бўлиб, улардан ҳам туристик мақсадларда фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Фарғона водийсида жами 18 та ер ости сув конлари бўлиб, улар ҳар бир вилоят ҳиссасига 6 тадан тўғри келади. Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Хўжаобод, Андижон, Марҳамат, Бўз туманлари ва Хонобод шаҳрида ер ости сувларидан рекреация мақсадларида фойдаланиш учун шифобахш булоқлар аниқланган.


2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Андижон вилоятида доимий аҳоли сони 3127,6 кишини ташкил этади. Шундан 1633,7 минги (52,3 фоиз) киши шаҳар жойларда, 1493,8 минги (47,7 фоиз) кишлоқ жойларда истиқомат қилади. Қуйидаги чизмада вилоят туманлари бўйича аҳоли сонининг ҳудудий тақсимланиши кўрсатилган. Андижон шаҳри, Асака, Шаҳрихон, Андижон, Избоскан ва Қўрғонтепа туманларининг 200 мингдан ортиқ аҳолига эга эканлигини кўриш мумкин. Аҳоли сони 100 минг кишигача бўлган туманлар Улуғнор, Бўстон ва Хонобод шаҳарлари ҳисобланади. Вилоят бўйича аҳоли зичлиги 1 кв. км га 727 киши тўғри келади.

таъсир қилувчи омиллардан бири сифатида ҳудуднинг санитария-эпидемиологик осойишталиги аҳоли соғлигининг ҳолатидир. Вафот этганлар таркибида юқумли касалликлар билан хасталанганлар 2019 йилда 1,5 фоизни ташкил қилган. Бу республика кўрсаткичи билан бир хил бўлиб, энг кам кузатиладиган ҳолат ҳисобланади. Вилоятнинг кулай географик ўрни, тиббиётни ривожланганлик даражаси тиббий туризмни ҳам ривожлантириш имкониятларини беради.

“Нозотуризм” ёки “медикотуризм”, рекреация туризмидан фарқли равишда, шахсга икки функционал туристик вазифаларни, яъни одамнинг соғлиғини сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳамда уларни реабилитация қилиш ёки бузилган саломатликларини қайта тиклашга йўналтирилган бошқарув, менежмент ва маркетингдир. Инсоният тарихида “...табиий ва ижтимоий муҳит ўзгариб, мураккаблашиб ва тифизлашиб бормоқда, инсон ана шундай ўзгаришларга мослашиб бориш (адаптация) қобилиятига эга. Бироқ, шунга қарамасдан, бу мослашув кечикиши ёки инсон ва, айниқса, табиатнинг эволюцион тарзда ривожланиши жамиятнинг ҳозирги даврдаги тараққиётига мос, мувофиқ келмай қолиши мумкин” [25; 48-б.]. Тиббиёт туризмни ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилик асосида санаториялар, ихтисослашган диагностика марказлари, стационар даволаниш марказлари ва бошқа инфратузилма объектларини барпо қилиш туристлар оқимини кўпайтиришга сабаб бўлади [30; 603-607-б.] .

Табиий ўсиш кўрсаткичлари аҳоли таркибида ёшларнинг улуши юқорилигидан далолат беради (2.3-расмга қаранг). Бу эса вилоятда ёшлар туризми ёки актив туризм турларини ривожлантириш кўпроқ самара беришини билдиради. *Ёшлар туризми* бу-“... ёшлар ва талабаларнинг билиб олиш, спорт, кўнгил очиш ва рекреацион мақсадлардаги саёҳатлари”дир[73; 65-б.]. Вилоят ёшлари бокс, кикбоксинг, муайтай, оғир атлетика каби якка кураш спорти турларидан “Чемпионлар фабрикаси” ҳисобланади. Ҷамоавий спорт турларидан улоқ-кўпқари, футболга аҳолининг қизиқиши юқори. Шу боис вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ролини ҳисобга олиб спорт туризмни ҳам ривожлантириш мумкин. *Спорт туризми*- спортчи ёки унга ишқибозлик қилувчиларни мусобақаларни кузатиш ва томоша

қилиш мақсадидаги саёҳатидир. Аҳолининг миллий таркибида қирғиз, тожик, рус, татар, қозок, корейс, арман, озарбайжон каби миллат вакилларининг борлиги, уларнинг урф-одат ва кадриятлари, этнографияси туризмдаги хилма-хилликни ҳам таъминлайди.



2.3-расм. Андижон вилояти аҳолисининг умумий ўсиши (минг киши)⁶⁷

Андижон вилояти меҳнат ресурсларига бойлиги, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектлари ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари ривожланган минтақа сифатида мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Вилоят туризмни ривожланиши курилиш, транспорт, савдо, маданият, ҳудуднинг урбанизация даражаси, аҳоли фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, саноатнинг автомобилсозлик, озиқ-овқат, кийим-кечак, тўқимачилик каби тармоқлари ҳам туризмга ўз таъсирини кўрсатади.

Вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, енгил саноат ва фармацевтика соҳалари етакчилик қилади. Ҳудуд иқтисодий самарадорлигининг ошишида туризм ва бошқа тармоқларнинг ўзаро алоқадорлиги муҳим аҳамият касб этади.

2019 йил Андижон вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 32897,2 млрд. сўмни ташкил қилган. 2018 йилга нисбатан бу кўрсаткич

⁶⁷ Андижон вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари. 01.01.2020 йил ҳолатига кўра.

6,5 фоизга ўсган. Вилоятда 611 та лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 16 минг 897 та янги иш ўринлари яратилди. Бугунги кунда вилоятда 27 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бормоқда.

Ялпи ҳудудий маҳсулот тармоқлари таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 45,1 фоизни, саноат ва қурилиш тармоғи 28,1 фоизни ташкил этган. Қуйидаги чизмада кўриниб турганидек, ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати 26,8 фоизни ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан бу кўрсаткич 0,4 фоизга ўсган.



2.4-расм. Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан фоизда)⁶⁸

Хизматлар таркибида савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари 6,1 фоизни, ташиш, сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 5,2 фоизни, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар эса 15,5 фоизни эгаллайди. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг туризмдаги аҳамияти ҳам жуда муҳим саналади. Вилоят аҳолисининг тадбиркорлиги, қадимдан савдо йўли ёқасида жойлашганлиги савдогарлик маданиятини шакллантирган. *Савдо туризми* бу —“...фақат савдогарчилик масалаларида, мол олиб келиш ва олиб кетиш, айрибошлаш, савдо марказлари очиш, нарх-наво ўзгаришига, валюталар баҳосига, янги бозорларга, харидор талаб

⁶⁸ Андижон вилоятининг статистик ахборотномаси. 2019 йил январ-декабр.-Андижон.2020. 11 б.

моллар савдосига қизиқиш” [74; 14-б.]. Вилоятда савдо соҳасида фаолият олиб боровчи корхона ва ташкилотлар сони жамига нисбатан 41 фоизни, яшаш ва овқатланишда эса 8,2 фоизни ташкил этади. Андижон вилоятида транспорт турлари ичида автомобиль йўллари тўрининг зичлиги юқори ҳисобланади. 2016 йилда вилоятда жами 649,8 млн. йўловчи ташилган⁶⁹. 2019 йилда эса бу кўрсаткич 729,5 млн. кишини ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 112,2 фоизга ўсган. Йўловчи ташишда транспорт турлари ичида автомобиль транспорти, ҳудудлар кесимида эса Андижон шаҳри етакчилик қилади. *Хонобод шаҳридан бошланувчи “Ўзбекистон туризм магистрали” бўйлаб йўлбўйи инфратузилма объектлари ва туристик хизматлар кўрсатувчи мажмуаларни йўлга қўйилиши минтақа иқтисодиётида транспорт тизимининг аҳамиятини янада оширади.*

Вилоятда ишлаб чиқариш тармоқлари асосан қайта ишлаш саноатига ихтисослашган. Уларнинг жами саноат маҳсулотлари таркибидаги улуши 97,7 фоизни ташкил қилади. Ҳозирги кунда вилоятда 312 та қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Бу корхоналар томонидан 2019 йилда 27,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди. Вилоятдаги йирик саноат корхонаси сифатида Асака шаҳридаги GM Uzbekistan автомобил заводи ҳисобланади. Корхона 2018 йилда 178 234 дона, 2019 йилда эса 212 001 дона 7 та турдаги автомобилларни ишлаб чиқарган. Мазкур корхонада ҳам хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда, шарт-шароитларни ҳисобга олиб туристик маршрутлар уюштириш имкониятлари мавжуд. Вилоятдаги саноат марказлари сифатида Асака тумани (62,9 фоиз), Андижон (15,0 фоиз) ва Хонобод (3,6 фоиз) шаҳарлари, Андижон (2,6 фоиз) ҳамда Шаҳрихон (2,3 фоиз) туманлари етакчилик қилади.

Иқтисодий фаолият турлари ичида пахтани қайта ишлаш, тикувчилик, тўқимачилик маҳсулотлари ва кийимлар ишлаб чиқариш каби тармоқлар ҳам яхши ривожланган. Ўтган йилда бу соҳада 4635,5 млрд. сўмлик маҳсулот яратилган. Андижон, Олтинкўл, Хўжаобод, Қўрғонтепа ҳамда Жалакудук туманлари тикувчилик ва тўқимачилик

⁶⁹ <http://www.andstat.uz/uploads/docs/xizmatlar.pdf>

саноати бўйича республикада ривожланган минтақалар ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган туманларда рекреация ва маданий туризм турлари билан биргаликда ишчанлик туризмини ҳам ривожлантириш мумкин.

Малакавий иш туризми-туризмнинг мазкур турига иш мақсадлари билан амалга ошириладиган сафарлар киради [64; 9-б.]. Тадбиркорлик, тижорат, қўшма корхоналар вакилларининг ўз касбий фаолияти доирасида иш юзасидан вилоятга ташрифи, шартномалар тузиши, малака ошириши, асбоб-ускуналар ва замонавий технологияларни савдоси, уларни созлаш, таъмирлаш мақсадидаги сафарлари касбий фаолият туризми ҳисобланади.

Демак, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижлик ҳамкорлар билан хусусий тадбиркорларнинг иқтисодий муносабатлари амалга ошириладиган сафарларни ҳам туризм деб аташ мумкин. 2018 йил давомида вилоятда хунармандлар сони 882 тани ташкил этган бўлса, ўтган йилда 2194 нафар хунармандлар рўйхатдан ўтган. Вилоятда хунармандчиликка кўмаклашиш марказлари ташкил қилинган бўлиб, уларда 3725 та янги иш ўринлари яратилган⁷⁰. Андижон шаҳри, Андижон, Шаҳрихон, Олтинқўл туманларида Хунармандчиликка кўмаклашиш марказлари, “Уста-шогирд” мактаблари, уй музей-устахоналари ташкил қилинди⁷¹. Мусиқа асбоблари ясаш, пичоқчилик, сандиқчилик, миллий қўғирчоқлар, миллий либослар тайёрлаш, ёғоч ўймакорлиги ва кулолчилик маҳсулотлари ясовчи қатор хунармандлар туризм соҳасида фаолият олиб бориш учун реестрга олинган. Шу боис, вилоятда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, уларни туризм соҳасига жалб қилиш мақсадида 16,6 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Вилоятда хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши бўйича саноат 68,1 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги эса 12,8 фоизни ташкил қилади. 2019-2022 йилларда

⁷⁰ “Хунарманд” уюшмаси Андижон вилояти бошқармаси маълумотлари.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сон Фармонида 3-илова.

Хонобод, Қорасув, Жалақудук, Андижон ва Олтинқўл кичик саноат зоналарида умумий қиймати 14,7 трлн. сўм бўлган ва 1,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилган ҳолда 553 та лойиҳалар амалга оширилмоқда⁷². Шунингдек, “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонаси каби йирик лойиҳаларни бажарилиши вилоятда бизнес туризмини ривожлантириш учун ҳам етарли шарт шароитларни яратади⁷³.

Андижон вилояти миришкорлари ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш бўйича кўп йиллик тажрибаларга эга. Вилоят қишлоқ хўжалигида дончилик, сут ва гўшт чорвачилиги, картошка ва сабзавотчилик, мева ва узумчилик соҳалари алоҳида ўрин эгаллайди. 2019 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажми 24 439,4 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 103,4 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик 23 784,5 млрд. сўмни (103,6 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 409,6 млрд. сўмни (101,4 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 112,4 млрд. сўмни (122,3 фоиз) ташкил қилади⁷⁴.


Қуйидаги чизмадан (2.5-расмга қаранг) кўриниб турибдики, Асака, Шаҳрихон, Жалақудук туманлари 2 млрд. сўмдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берган. Вилоятнинг 6 та тумани ўтган йил мобайнида 1,5 млрд. сўмдан ортиқ ҳажмдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг худудий хусусиятларини ўрганиш вилоятда “агротуризм”ни кенг ривожлантиришга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

⁷² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июл 622-сонли “2019-2022 йилларда Андижон вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январ 480-сонли “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.

⁷⁴ Андижон вилоятининг статистик ахборотнома. 2019 йил январь-декабрь.-Андижон.2020. 27 б.



2.5-расм. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми (млрд. сўм, 2019 й.)

Ш.Т. Якубжанова фикрларига кўра, тор маънодаги агротуризм бу – “...кишиларнинг аграр соҳа объектларига қиладиган саёҳатлари”дир [95; 15-б.]. Вилоятнинг текислик ва чўл минтақалари бўлган Балиқчи, Улуғнор, Бўстон ва Шаҳрихон туманлари полиз экинлари етиштиришга ихтисослашган. Узумчилик соҳасида Асака, Марҳамат, Жалақудук, Хўжаобод ва Булоқбоши каби адир минтақалари етакчилик қилади. Богдорчилик районларига айлантирилган Асака, Жалақудук, Шаҳрихон, Пахтаобод ва Хўжаобод туманларида иссиқхоналар, цитрус мевалар етиштириш, ёнғоқ, гилос боғлари, чорвачилик ва паррандачилик фермалари, агросаноат мажмуаларини ташкил қилиниши республика бўйича қишлоқ хўжалиги ходимлари учун махсус турлар ташкил этиш мумкин. Қорадарё ҳавзасида жойлашган Хонобод шаҳри, Қўрғонтепа ва Жалақудук туманлари қадимдан шолчиликка ихтисослашган бўлиб, улардан агротуризмни ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин. Улуғнор ва Балиқчи туманларида замонавий талабларга жавоб берувчи балиқчилик хўжалиklarининг ташкил этилганлиги туризм соҳасини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Юқорида санаб ўтилган омиллар орқали вилоят туристик салоҳиятини кўтаришда қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш мумкин:

- вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи фермерлар, агросаноат мажмуалари ҳамда кластерлар томонидан туристик дастурлар ишлаб чиқиш агротуризм йўналишларини ривожлантиради.

- Қирғизистон Республикасининг Жалолобод ва Ўш вилоятлари билан қадимий қариндош-уруғчилик муносабатларини ҳисобга олиб, икки давлат ўртасида қизиқарли “Олтин халқа” сайёҳлик маршрутларини ишлаб чиқиш катта самара беради.

- сўнги йилларда Тошкент шаҳрига Қозоғистон Республикасидан даволаниш мақсадларида келувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Фарғона водийсида ягона бўлган Андижон Давлат Тиббиёт институти республикамиздаги салоҳиятли ва ихтисослашган тиббиёт муассасаларидан бири ҳисобланади. Чегара, боғжона ва виза тизимидаги энгилликлар эвазига Андижон вилоятида тиббиёт туризмни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд.

2.2-§. Худуд туристик салоҳиятининг ўзига хослиги ва ривожланиш хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожлантиришда туризм стратегик тармоқ сифатида қаралмоқда. Худудлар туристик салоҳиятини тадқиқ қилиш, туризм учун истиқболли туманларни аниқлаш, сайёҳлик турларини диверсификация қилиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “...Ўзбекистон ноёб бир мамлакат бўлиб, унинг худудида энг қадимги тамаддун ва маданиятлар юзага келган, ривожланган, ўз жозибдорлиги жиҳатидан дунёдаги дам олиш ва саёҳатлар учун энг яхши масканлардан

қолишмайдиган улкан туризм салоҳиятига эга... мамлакатдир”⁷⁵. Маълумки, юртимиз тарихий бинолар ва объектларнинг сони жиҳатидан жаҳондаги етакчи 10 талик мамлакатлар ичида 9-ўринни эгаллайди.

Худуднинг туристик салоҳиятига табиий шароит, муҳофаза этиладиган табиат ёдгорликлари, рекреация муассасалари, маданият ва истироҳат ҳамда мавзули парклар, маданий мерос объектлари, меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари, кафе ва ресторанлар, музейлар, театрлар, хунармандчилик устахоналари, таржимонлар, экскурсоводлар, гидлар, инструкторлар, спорт майдончалари ва иншоотлари, транспорт ва туристик корхоналар ҳамда агротуризм объектлари киради.

Ўзбекистон улкан тарихий-маданий меросга эга бўлиб, уларнинг жами сони 8208 тани ташкил қилади. Мазкур туристик объектларнинг 4778 таси археологик, 2246 таси архитектура, 688 таси монументал ва 502 таси диққатга сазовор жойлар ҳисобланади⁷⁶. Айни пайтда бу ёдгорликларнинг 500 дан ортиқроқ қисми туристик маршрутлар дастурига киритилган. Жорий йилда уларнинг сонини 800 тага, 2025 йилгача 2,5 мингтага етказиш режалаштирилган⁷⁷. Шулардан Ичан қалъа, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари, Фарбий Тянь-Шань трансчегаравий тоғлар, Наврўз ҳамда “миллий ош” каби 200 дан ортиқ тарихий моддий-маданий мерос объектлари ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган⁷⁸.

Куйидаги 2.3-жадвалда Ўзбекистоннинг археология, архитектура, монументал ёдгорликлар ҳамда диққатга сазовор жойлари бўйича худудлар салоҳиятига қисқача таъриф берилган. Худудлар туристик салоҳияти микдорий кўрсаткичлар (сони) ва баллар тизими асосида баҳоланган.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сон Қарори.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирдар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги №846-сон Қарорига 1-илова.

⁷⁷ Манба: <https://qalampir.uz/news/temiryul-va-aviachiptalar-narkhi-k-immat-prezident-turizm>

⁷⁸ Манба: <http://whc.unesco.org/en/list/>

17-шова
Ўзбекистон Республикасида жойлашган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари сони тўғрисида маълумот⁷⁹

№	Худудлар	Маданий мерос объектлари				Жами	Баҳолаш 1 объект=1 балл	Иқтисодий Районлар бўйича, % да	Объектлар сонига қура ўрни	
		Археология	Архитектура	Монументал	Диққатга сазовор жойлар				Минтақа	Республика
<i>Куйи Аударё минтақаси</i>										
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	131	24	89	50	288	288	6,7	1	XI
2.	Хоразм	34	135	84	6	259	259		3,2	II
<i>Зарафшон минтақаси</i>										
3.	Бухоро	226	507	78	18	829	829	10	II	III
<i>V. Самарали (547 дона)</i>										
<i>I. Етакчи (2873 дона)</i>										

⁷⁹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Маданият вазиридан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

4. Навоий	340	70	22	5	437	437	5,3	VI	
								III	I
5. Самарқанд	985	552	36	34	1607	1607	19,6	I	
<i>Жанубий минтақаси</i>									
6. Қашқадарё	1189	208	43	28	1468	1468	17,9	II	
7. Сурхондарё	445	36	39	41	561	561	6,8	V	
<i>Мирзачўл минтақаси</i>									
8. Жиззах	268	100	59	0	427	427	5,2	VII	
9. Сирдарё	26	7	41	4	78	78	1	XIV	
<i>Тошкент минтақаси</i>									
10. Тошкент	621	8	73	126	828	828	10	I	
11. Тошкент ш.	23	288	43	0	354	354	4,3	II	
<i>Фарғона минтақаси</i>									
12. Андижон	221	74	42	85	422	422	5,1	I	
13. Наманган	152	98	8	16	274	274	3,3	II	
14. Фарғона	117	139	31	89	376	376	4,6	III	
Жами	4778	2246	688	502	8208	8208	100	IX	
Фозда	58,2	27,3	8,4	6,1	100	100			

Шу орқали Андижон вилоятининг республика туризм бозоридаги ўрни, моддий-маданий мерос объектларига бойлигини бошқа минтақалар билан таққослаш имкони яратилди.

Юқоридаги 2.3-жадвалда мамлакатимизда археология объектлари сони Қашқадарё вилоятида 1189 та (29 %)ни, Самарқандда 985 та (21 %)ни, Тошкент вилоятида 621 та (13 %)ни ташкил қилмоқда. Жадвалдан кўриниб турганидек, Андижон вилоятида 221 та (4,6%) археология объектлари жойлашган. Бу борада Наманган 152 та (3,2 %) ва Фарғона вилояти эса 117 та (2,4%) кўрсаткичларга эга. Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳри улушига республиканинг 0,5 ва 0,4 фоиз археология ёдгорликлари тўғри келиши кўрсатилган.

Шунингдек, жадвалда архитектура объектлари, асосан Самарқанд вилоятида 552 та (24,5 %), Бухоро вилоятида 507 та (22,5 %) ва Тошкент шаҳрида 288 та (12,8 %)ни ташкил қилади. Кам кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Сирдарё вилоятларига 24, 8, 7 та мос равишда тўғри келади. Бу каби объектлар Фарғона вилоятида 139 та (6,1 %), Наманганда 98 та (4,3 %) ва Андижон вилоятида 74 та (3,3 %)дан мавжудлиги келтирилган.


Монументал санъат ёдгорликларининг республикадаги миқдорий тақсимида Қорақалпоғистон Республикаси 89 та (12,9 %), Хоразм 84 та (12,2 %), Бухоро 78 та (11,3 %) ва Тошкент вилояти 73 та (10,6 %) кўрсаткич билан етакчилик қилади. Монументал обидаларнинг энг кам салмоғи республика бўйича Наманган вилояти ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг сони 8 та (1,1 %)ни ташкил қилади. Бу борада Фарғона вилоятида 31 та (4,5 %) санъат ёдгорликлари бўлиб, минтақадаги Андижон вилоятининг улуши 42 та (6,1 %)ни ташкил этади.

Республикадаги диққатга сазовор жойларнинг чорак қисми-126 таси (25 %) Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келади. Маҳаллий сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган бундан объектлар Фарғона вилоятида 89 та (17,7 %), Андижонда эса 85 та (16,9 %) дан иборат. Тошкент шаҳри ва Жиззах вилоятларида бу кўрсаткич 0 қийматга эга бўлиб, Сирдарё 4 та, Навоий 5 та, Хоразм вилоятида 6 та диққатга сазовор жойлар борлиги аниқланган (2.6-расмга қаранг).

Моддий маданий мерос объектларини балл тизимида баҳолаш натижалари салоҳиятнинг юқори кўрсаткичлари Самарқанд (19,6 %), Қашқадарё (17,9 %), Бухоро (10 %), Тошкент (10 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда. Жами моддий маданий мерос объектлари сони 422 (балл) тани ташкил қилаётган Андижон вилояти 5,1 фоиз кўрсаткич билан минтақада биринчи, республикада эса саккизинчи ўринда қолмоқда. Республика бўйича энг юқори ва паст маданий мерос объектларига эга бўлган фарқ ёки географик коэффициенти Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ўртасида кузатилади. Фарғона иқтисодий райони эса республикамизда 1072 (балл) та ёки 13 фоиз туристик объектларга эга тўртинчи ўриндаги истиқболли минтақа сифатида баҳоланди. Иқтисодий районлар ичида Зарафшон (34,9 %), Жанубий (24,7 %), Тошкент (14,3 %) юқори салоҳиятли минтақалар сифатида ўрганилди. Моддий маданий мерос объектларини жойлашувидаги мазкур фарқлар вилоятларда туризмни ривожлантиришни режалаштириш, бошқариш, туризмни турлари ёки ҳудудлар кесимида тегишли қарорларни қабул қилинишида самара беради. Обидаларнинг халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга эгаллиги, туристик объектларнинг машҳурлик даражаси ҳудуд туристик салоҳиятининг бошқа кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатади. Қуйидаги 2.4-жадвалдаги жадвал орқали вилоят туманларининг моддий маданий мероси салоҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш мумкин. Ушбу объектлар сони вилоят бўйича 422 тани ташкил қилиб, шуларнинг 70 тасини туристик маршрутлар дастурига киритиш мумкин.

Археология обидалари асосан Марҳамат (43 та), Қўрғонтепа (35 та), Булоқбоши (30 та), Жалақудук (23 та) ва Избоскан туманларида (20 та) жойлашган бўлиб, улар юқори салоҳиятга эга ҳудудлар ҳисобланади. Туристлар эътиборини тортувчи энг қадимий объектларга Сарвонтепа, Қўштепа, Мингтепа (Эрши), Далварзинтепа, Эйлатон каби кўплаб ёдгорликлар қиради.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМ ГЕОГРАФИЯСИ



2.6-расм. Ўзбекистонда ички туризм картаси.

2.4-жадвал

Андижон вилоятини туристик районлаштириш ва уларда моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларининг жойлашуви⁸⁰ (2019 йил, дона)

№	Худудлар номи	Археология объекти сони	Архитектура объекти	Монументал санъат объекти сони	Диккатга сазовор жой сони	Жами	Минтакалар бўйича	
							Балл 1 объект=1 балл	% да
Марказий туманлар							III. Ўрта	
1	Андижон ш.	4	32	6	11	53	83	19,6
2	Андижон	5	4	7	5	21		
3	Олтинкўл	5	2	0	2	9		
	Жами	14	38	13	18	83		
Жанубий туманлар							II. Юкори	
4	Асака	13	5	3	6	27	119	28,2
5	Мархамат	43	2	0	17	62		
6	Шахрихон	14	7	3	6	30		
	Жами	70	14	6	29	119		
Ғарбий туманлар							V. Паст	
7	Балиқчи	6	7	5	7	25	36	8,5
8	Бўстон	4	0	3	0	7		
9	Улуғнор	0	0	0	4	4		
	Жами	10	7	8	11	36		
Шарқий туманлар							.Юкори	
10	Булоқбоши	30	0	0	4	34	135	32
11	Жалакудук	23	2	2	5	32		
12	Кўргонтепа	35	3	2	3	43		
13	Хўжабод	10	3	4	4	21		
14	Хонобод ш.	0	2	2	1	5		
	Жами	98	10	10	17	135		
Шимолӣ туманлар							IV. Ўрта	
15	Избоскан	21	3	3	6	33	49	11,6
16	Пахтабод	8	2	2	4	16		
	Жами	29	5	7	10	49		
	Жами	221	74	42	85	422	422	100

Архитектура иншоотларининг 32 таси вилоятнинг марказида жойлашганлиги, Балиқчи ва Шахрихон туманларининг ҳар бирига улар 7 тадан тўғри келишини юқоридаги жадвалдан кўриш мумкин. Вилоятдаги Аҳмадбек хожи меҳмонхонаси, Жомеъ меъморий мажмуаси (мадраса ва минора), Қалъа мажмуаси, Арк ичи мадрасаси, Девонабой масжиди, Хунармандчилик этнографик зонаси, “Боғи Бобур” рамзий қабр музейи каби меъморий обидалар вилоят туристик салоҳиятида алоҳида аҳамиятга эга.

Андижон вилоятида монументал санъат ёдгорликлари сони жами 42 та бўлиб, уларнинг 7 таси Андижон туманида, 6 та Андижон шаҳрида, 5 та Балиқчи туманида, 4 таси Хўжабод туманида жойлашган. Асака, Бўстон, Избоскан ва Шахрихон туманларининг ҳар бирида 3 тадан, Жалакудук, Кўргонтепа туманлари ва Хонобод шаҳрида эса 2 тадан ташкил этади. Улар ичида Мотамсаро она майдони мажмуаси, Алишер Навоий, Бургут ёдгорлиги, Захириддин Муҳаммад Бобур, Абдулҳамид Чўлпон, Муҳаммад Юсуф ҳиёбони, Сойиб Хўжаев ҳайкали кабилар туристларда катта қизиқиш уйғотади [32; 21-27-б.].

Вилоятда туризмни ривожланишида диққатга сазовор жойларнинг аҳамияти катта. Уларнинг сони 85 та бўлиб, асосан Мархамат тумани улушига 17 та, Андижон шаҳрига 11 та, Асака, Избоскан, Шахрихон туманларига 6 тадан, қолган туманларда эса 5 та ва ундан кам диққатга сазовор объектлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Ширмонбулок, Кутайба ибн Муслим, Тешик-тош, Султон эна, Фозилмон ота, Хонтоғ боғи, Имом ота ва Манак ота каби кўплаб диққатга сазовор жойлар вилоят туристик салоҳиятининг жозибадорлигини оширади.

Андижон вилоятида туризмни ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари:

✓ амалга оширилаётган сафарлар асосан “туризмнинг битта тури бўйича, битта маршрут бўйлаб, битта объект атрофида ва бир кун давомида” амалга оширилади;

⁸⁰ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

✓ таснифланишига кўра, сафарлардан асосий мақсад экотуризм, зиёрат туризми, кўнгилочар, гастрономик туризм ва рекреация каби турлардан иборат;

✓ туризмнинг географик тамойили бўйича вилоятда ички туризм яхши ривожланган. Бирок, унинг аниқ статистикаси олиб борилмаслиги энг катта камчиликлардан биридир;

✓ аҳолининг туризм мақсадларидаги ҳаракатланиш усули асосан шахсий енгил автомобиллар ёки қисман жамоат транспортлари ҳиссасига тўғри келади;

✓ саёҳатлар одатда оилавий ёки гуруҳ тарзида ташкил қилиниб, иштирокчилар сони 5-6 кишидан 20-25 кишигача бўлиши мумкин. Бунинг қулайлиги: кўп сонли туристлар учун ҳамёнбоп, хизматларнинг нисбатан арзон ва қизиқарлилиги;

✓ туризмнинг ташкилий шакллари бўйича ўрганишлар шуни кўрсатадики, вилоятда ташкиллаштирилмаган туризмдан аҳоли кўпроқ фойдаланади. Бу шаклда турпакетлар мажмуаси бўлмайди, ҳар бир сайёҳ ихтиёрий хизмат турларидан мустақил фойдаланади;

✓ жойлаштириш воситалари бўйича туристик объектлар атрофида кун давомида ижарага бериладиган меҳмон уйлар ёки махсус ташкил қилинган жойлардан фойдаланилади;

✓ вилоятда туризмнинг энг қайноқ “*пик*” даври республикамизда туристик мавсумига нисбатан ўзгачароқ кўриниш касб этади. Вилоятда туристик мавсум одатда 25 майдан 1 сентябргача давом этади.

Ички туризмни ривожлантиришда вилоятдаги туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш соҳани ва унга ихтисослашган ҳудудларни барқарор ривожлантиради. Андижон вилоятида аралаш туристик маҳсулотлар таклиф этувчи туроператорлар, туристик туристик маҳсулотлар жалб этувчи географик ҳудудларда йил дестинация (туристларни жалб этувчи географик ҳудуд)ларда йил давомида истеъмолчиларга комплекс туристик хизматлар кўрсатувчи маркетинг компанияларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Вилоятда туризмнинг мавсумийлиги ҳамда ҳудудий концентрациясини қисқартириш вилоятдаги тадбиркор ва ишбилармонларни соҳага қизиқишларини орттиради.

Андижон вилояти рекреация ва экотуристтик ресурсларга бой бўлишига қарамасдан ҳозирда 6 та санатория ва соғломлаштириш объектлари фаолият юритади. Улардаги ўринлар сони 530 тани ташкил қилади.

2.5-жадвал

Андижон вилоятида жойлашган санаториялар ҳақида маълумот⁸¹

№	Санаторий номи	Ўринлар сони	Йўналиши	Манзили
1.	Ором-шифо МЧЖ	80	Терапия ва неврология	Жалакудук тумани
2.	Хонобод МЧЖ	200	Терапия ва психотерапия	Хонобод шаҳри
3.	Худойберди Жалилов МЧЖ	70	Терапия	Марҳамат тумани
4.	З.М.Бобур МЧЖ	70	Терапия	Андижон тумани
5.	Чинобод тараккиёт МЧЖ	50	Терапия ва неврология	Баликчи тумани
6.	Маданият Санаторий МЧЖ	100	Терапия	Пахтаобод тумани
	Жами	530		

Вилоятдаги мавжуд санатория ва соғломлаштириш муассасалари асосан адир ва тоғ олди зоналари бўлган 6 та туманда жойлашган. Вилоятда рекреация ресурсларига бўлган талабнинг юқорилиги, аҳоли даромадларининг ортиб бориши (ўртача ойлик иш хақи - 2115,2 минг сўм), қулай табиий шарт-шароитлар ҳудудда замонавий санатория ва сиҳатгоҳлар, дам олиш уйлари ҳамда оромгоҳлар қуришга имконият беради. 2018 йилда фаолиятини бошлаган “Хонобод” санаторияси инсонлар саломатлигини қайта тиклаш билан бирга, турли-туман анжуманлар ва семинарларни ўтказиш, кўп сонли делегацияларни жойлаштиришга ҳам мўлжалланган. Санаторияда иккита замонавий

⁸¹ Жадвал Андижон вилояти Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва муаллиф томонидан йиғилган маълумотлар асосида тайёрланди.

конференц-зал ҳамда алоҳида банкетлар зали, банк ва молия хизматлари йўлга қўйилган. Санаториянинг бутун ҳудудида ва объектларида Wi-Fi ҳудуди ташкил қилинган⁸². Хонобод шаҳрини кичик саноат зонаси ва туризм маркази эканлигини ҳисобга олиб “Хонобод” санаториясининг бу каби кўп функцияларни бажариши шаҳарда MICE туризмни ҳам ривожлантириш учун имконият беради. *MICE tourism*-(инглиз тилидан таржима қилинганда-meeting-“учрашув”, *incentive*-“инсентив-турлар”, *conference*-“конференция”, *events*-“корпоратив ҳордик”). Унинг хизматидан кўплаб йирик компаниялар ва ташкилотлар корпоратив тадбирлар ўтказишда фойдаланишади.

Рекреация ресурслари бўлган санаториялар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш соҳанинг асосий талабидир.

Келажақда Хонобод шаҳри, Жалақудук, Хўжаобод, Булоқбоши, Марҳамат ва Пахтаобод каби юқори салоҳиятли туманларда тадбиркорлик субъектлари ва давлат-хусусий шерикчилиги асосида катта, ўрта ва кичик ҳажмдаги ўнлаб объектларни барпо этиш ижобий самара беради. Бугунги кунда қуйидаги рекреация ҳудудларига ташкиллаштирилмаган рекреантларнинг ташрифи ортиб бормоқда.

○ *тупроқ қатлами* – Қўрғонтепа (Султонобод), Хўжаобод (Кувват Мурод), Шаҳрихон (Сегзақум), Бўстон, Улуғнор туманларидаги шифобахш кум барханлардан йилнинг асосан ёз мавсумида таянч ҳаракат *органлари*, бел-оёқ оғриғи, *ревматизм*, бод касалликлари билан безовталанувчи маҳаллий аҳоли фойдаланади.

○ *минерал сувлар* – Хонобод шаҳри (Фозилмон ота), Қўрғонтепа тумани (Кўкбулоқ, Сўнгалбулоқ, Жаннатбулоқ), Жалақудук тумани (Жанубий Оламушук), Хўжаобод тумани, (Гумроҳбулоқ, Қозғонбулоқ, Соссиқбулоқ, Аччамозорбулоқ, Йилғинбулоқ), Андижон тумани (Совуқбулоқ булоғи), Асака тумани (Шимронбулоқ, Келинчакбулоқ), Балиқчи туманидаги (Тузлокмозор, Учбулоқ⁸³) шифобахш булоқлар ошқозон-ичак касалликлари, ўт пуфағи, теридаги турли яра ва тошмаларни даволайди.

⁸² Манба: <https://www.xonobod-sihatgoh.uz/about>

⁸³ Манба: <https://uzbekistan360.uz/ru/location/14epj>

○ *атмосфера ҳавоси* – Хонобод шаҳри, Хўжаобод туманида (Имом ота, Манак, Карнайчи, Дилқушод, Ордай, Тош ота), Булоқбоши тумани (Ширмонбулоқ), Пахтаобод тумани (Маданият) каби тоғ ва тоғ олди ҳудудлар ҳавосининг тозалиги ва кислородга бойлиги инсонларнинг ўпка, юрак қон-томир, астма, аллергия, рахит, бронхит ҳамда бошқа касалликларни даволашда муҳим аҳамият касб этади [30; 603-607-б.].

Бу каби рекреация ҳудудларига юқорида кўрсатилган санатория ва сихатгоҳларга нисбатан кўп рекреантлар келади. Бироқ уларнинг статистикасини олиб бориш бир мунча мураккаб. Одатда, рекреантларнинг ҳаракатлари тартибсиз бўлиб, улар ихтиёрий равишда тегишли кўрсатмалар ва назоратларсиз ўз саломатлигини қайта тиклайдилар. Бундай ҳудудлар атрофида турли (тиббий, савдо, банкомат, хавфсизлик, ижара ва бошқа) мобил хизмат кўрсатувчи кўчма пунктларни, рекреация ресурсининг хусусиятидан келиб чиқиб волонтер-мутахассис-инструктор (тиббий ходим)ларни жалб қилиш янги ишчи ўринларини ташкил қилишга ўз таъсирини кўрсатади. Албатта, бу каби хизматлар мавсумий хусусиятга эга, бироқ шунга қарамасдан ҳудуд иқтисодиётининг айрим соҳаларига, аҳоли бандлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишига сабаб бўлади.

О.Х. Хамидов томонидан мамлакатимиздаги жонсиз табиатнинг 64 та ноёб ёдгорликларини 9 та турга бўлиб, вилоят ва туманлар кесимида ўрганилган. Бундан ташқари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни (МЭТХ) минтақалар бўйича жойлашуви ҳам таҳлил қилинди. Тадқиқот натижаларига кўра, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган жонсиз табиатнинг ноёб ёдгорликлари ва МЭТХлар Андижон вилоятида мавжуд эмаслиги аниқланган [67; 81-б.]. Бундай кўрсаткич Сирдарё вилоятига ҳам тўғри келади. Бироқ бу минтақада ҳам катта илмий ва экотуристтик аҳамиятга эга ягона Қолгансир репрезентив эски ўзан кўли-жонсиз табиатнинг ноёб ёдгорлиги борлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунга қарамасдан, қуйидаги 2.6-жадвалда келтирилган жадвалда вилоятнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган экотуристтик объектларида ички туризмни ривожлантириш имкониятлари кўрсатиб ўтилган.

Экотуризмни ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга бўлган туманлар ва шаҳарлар рўйхати⁸⁴

2.6-жадвал

№	Жой номланиши	Шаҳардан масофаси (км)	Табиат-манзара афзаллиги	Йўлларнинг ҳолати	Маҳаллий аҳолининг асосий машғулоти	Туризмнинг салоҳиятли турлари
Хўжаобод тумани						
1.	Манак кишлоғи	40	Тоғлар, ўрмон ва боғлар	Қониқарли	Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва туристик хизматлар	Экотуризм, рекреация, тарихий ва зиёрат туризми, ов туризми, гастрономик туризм
2.	Тош ота маҳалласи					
3.	Имомота кишлоғи					
Булоқбоши тумани						
4.	Ширмонбулоқ кишлоғи	20	Тоғлар, ўрмон ва боғлар	Қониқарли	Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва туристик хизматлар	Экотуризм, рекреация, ов туризми, агротуризм
5.	Ширмонбулоқ маҳалласи					
Балиқчи тумани						
6.	Балиқчи кишлоғи	40	Дам олиш учун жой	Қониқарли	Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва туристик хизматлар	Гастрономик туризм, агротуризм, экотуризм
7.	Кул маҳалласи					
8.	Гулистон кишлоғи					
9.	Мирзабoшичeк маҳалласи					

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 2-илова

Бўстон тумани						
10	Чорвадор маҳалласи	45	Ўрмон, камёб дарахтлар	Қониқарли	Полизчилик, чорвачилик, балиқчилик	Экотуризм, ов туризми, рекреация, агротуризм
Хонобод шаҳри						
11.	Хонтоғ дам олиш зоналари	90	Ўрмон, камёб дарахтлар	Қониқарли	Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, шoличилик, чорвачилик ва туристик хизматлар	Экотуризм ва рекреация, зиёрат туризми
12.	Фозилмонота дам олиш зоналари					
Андижон тумани						
13.	Боғишамол дам олиш зонаси	6	Ер сатҳидан 350 м баландликдаги осмайўл ва калин ўрмон	Қониқарли	Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва туристик хизматлар	Экотуризм, тарихий ва зиёрат туризми

Ушбу жадвалда 6 та туманларда жойлашган 4 та манзилгоҳда жойлашган экотуристик объектлар асосан тоғ олди зоналарига тўғри келди. Уларнинг Андижон шаҳрига нисбатан узоклик масофаси, табиат манзараси, транспорт инфратузилмаси, ихтисослашуви ҳамда бу ҳудудларда экотуризм билан бирга бошқа туризм объектлари билан ҳам танишиш мумкинлиги келтирилган. Шарқий туристик туманлар гуруҳига кирувчи Хўжаобод туманида экотуризмни ривожлантириш учун етарли имкониятларга эга. Қиртоштов тоғи устидаги кўл, шаршара, микроклим, чашмалар, 425 гектарлик ўрмон хўжалиги, Беш унгур, Қатронғи унгур, Шамол унгур, Қопқоқ унгур каби табиий ғорлар мавсум давомида кўплаб сайёҳларни ўзига жалб қилади. Худди шундай Булоқбоши туманидаги Чилустун тоғининг жануби-ғарбий қисмидаги тоғ ва тоғ олди табиий ландшафти, ажойиб микроклим, шаршара ҳудуднинг юқори экотуристик салоҳиятини кўрсатади. Вилоятдаги

Бўстон ҳамда Улуғнор туманларида ботқоқлик, ўрмон хўжалиги ва чўл минтақасининг мавжудлиги вилоят экотуризм салоҳиятини рангбаранглигидан далолат беради [30; 603-607-б.].

Қўрғонтепа туманидаги Андижон сув омбори атрофида жойлашган объектлар, Қорадарё, Андижонсой, Шаҳрихонсой сув ҳавзалари бўйидаги экотуристтик ресурслар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Табиат манзаралари, тоғ қояларидаги шакллар, табиий ёдгорликлари Марҳамат туманида ҳам экотуристтик маршрутлар тузиш учун етарли эканлигини кўрсатади. Ушбу рекреация ва экотуристтик ҳудудларда санатория ва дам олиш масканлари билан бир қаторда болалар оромгоҳлари ҳам жойлаштирилган.

10-иловада кўрсатилган жадвалда Асака ва Булоқбоши туманларида 2 тадан, Андижон, Балиқчи, Бўстон, Жалақудуқ, Избоскан, Олтинқўл, Пахтаобод, Улуғнор, Хўжаобод, Шаҳрихон туманларида эса 1 тадан, жами 14 та болалар оромгоҳи борлиги кўрсатилган. Қуйидаги чизмада (2.7-расмга қаранг) вилоятдаги болалар оромгоҳларидаги ўринлар сони 2335 тани ташкил қилиши акс этган⁸⁵.



2.7-расм. Андижон вилоятида мавжуд болалар оромгоҳларидаги ўринлар ҳақида маълумот

⁸⁵ Жадвал Андижон вилояти Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва муаллиф томонидан йиғилган маълумотлар асосида тайёрланди.

Вилоят аҳолиси таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдан кичикларнинг улуши 30,4 фоизни ташкил этиши болалар оромгоҳларига талабнинг юқори эканлигини кўрсатади. Меҳнатга лаёқатли ёши катталар эса жами аҳолининг 10 фоизини ташкил этади. Бу ҳар иккала ёш тоифаси учун социал туризмни ривожлантириш минтақа иқтисодиёти учун ижобий таъсир кўрсатади. *Социал туризм бу «...ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ҳамда чегирмали йўлланмаларни харид қилувчи шахслар томонидан истеъмол қилинадиган, лекин давлат бюджети, давлат ва нодавлат жамғармалари, ҳомийлар, туризмда фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахсларнинг ижтимоий эҳтиёжларга ажратилган маблағлари ҳисобидан қисман ёки тўлиқ молиялаштириладиган туристик саёҳатларнинг барча турларига айтилади»* [89; 12-б.].

Вилоят аҳолисининг ўртача ёши 28,9 ёш эканлигини, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар жами аҳолининг 59,6 фоизини ташкил қилиниши инобатга олинса туризмнинг актив турларини янада ривожлантириш зарурлигини англатади⁸⁶. *Фаол туризм бу - саргузаштли саёҳатларни ҳохловчилар учун мўлжалланади. Бу каби дастурлар Қўрғонтепа туманидаги Қоратоғ тоғлари ва Андижон сув омбори, Хўжаобод туманидаги Чилустун, Чилмайрам тоғларига, тоғ устидаги Шўразор қўлга, шаршара ва ғорларга, тоғ устидаги қалин ўрмон ҳудудига экскурсиялар уюштиришлари, палаткаларда тунаб қолишлари мумкин.*

Ички туризмни тартибли ва ташкиллаштирилган ҳолда амалга оширишда аралаш турдаги қизиқарли дастурларни истеъмолчиларга таклиф этиш зарур. Натижада вилоятга Қўқон, Риштон, Марғилон ва Намангандан келувчи туристларнинг маълум муддат вилоятда тунаб қолиши ҳамда туристик оқимини кўпайишига эришилади. Вилоятдаги рекреация, экотуристтик, тарихий-маданий туристик салоҳияти ҳақида қизиқарли маълумотларни буклет, аудио, видео ва ҳужжатли фильмлар кўринишида телевидениеда кўрсатувлар тайёрлаш сайёҳларда катта қизиқиш уйғотади.

Вилоят туристик салоҳиятини тарғибот ва ташвиқот қилишда журналист ва блогерлар учун пресс-турлар уюштириш, “PR” (Public

⁸⁶ Манба: <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/14.pdf>

Relations - жамоатчилик билан алоқалар) рекламалар қилиш, турли мавзуларда оммабоп, қизиқарли Tourism challenge (Туризм чорлови) лойиҳалари ҳозирги замон талаби сифатида самарадор усул ҳисобланади.

2.3-§. Андижон вилоятида туристик хизматлар бозори таҳлили ва уларни кенгайтириш йўллари

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқлари билан туристик хизматлар бозорининг интеграциялашуви муҳим аҳамият касб этмоқда. Диссертациянинг мазкур параграфида Андижон вилоятининг туристик хизматлар бозорини сегментлаш ва уларни кенгайтириш йўллари таҳлил қилинади. Вилоят хизматлар бозорини сегментлашда демографик ва маънавий-иқтисодий ҳамда аҳоли манзилгоҳларининг катта-кичиклиги алоҳида белгилар сифатида аҳамиятга эга.

Андижон вилоятининг энг муҳим географик жиҳатларидан бири, бу- аҳолининг зич жойлашувидир. Аҳоли зичлиги 1 км.кв га 727 киши тўғри келади. Бу нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёда, балки бутун МДҲ мамлакатларида ҳам юқори кўрсаткич ҳисобланади. Вилоят аҳолисининг жойлашувига кўра, шаҳар жойларда 30 046 киши, қишлоқ жойларда эса 30 694 киши истиқомат қилади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги бундай тенглик туристлар алмашинувида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Кичик ҳудуддаги катта қишлоқларда аҳолининг бундай компакт жойлашуви вилоятнинг ўзига хос географик хусусияти ҳисобланади. Етарли даражада истеъмолчи, табиатининг жозибадорлиги, маданий мерос объектларига бойлиги, миллий ҳунармандчилиги ва этнографияси, ўзига хос пазандачилик ҳамда меҳмон кутиш маданияти мавжудлигига қарамасдан, Андижон вилоятида туристлар оқими суст. Юқори салоҳиятга эга бўлган минтақада туристик хизматлар бозорини тўғри ташкил қилиш, уни режалаштириш ва тартибга солиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш тарзини яхшилаш каби ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Андижон вилояти туризм бозорини табақалашда туристик ташкилотлар ва туроператорларнинг катта-кичиклиги, туристик маҳсулотларнинг диверсификацияси, ички ва хорижлик сайёҳлар эҳтиёжини қондира олиши ёки белгиланган стандартларга жавоб бериши, бошқа ҳудудлар рақобатбардошлиги, уларнинг ҳудудий тақсимоли ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги Қонуни”да туристик хизматлар бу - “жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, экскурсия ва маслаҳат хизмати кўрсатиш бўйича хизматлар, шунингдек турист ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган хизматлар”, деб таъриф берилди⁸⁷. Туристик хизматлар бозори-туристик маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш жараёнида талаб ҳамда таклиф қонуниятларини бирлаштирувчи макондир. Туристик бозор - “хизматлар ва товарлар умумий бозорининг бир қисми бўлиб, иккита ташкил этувчи таркибий қисмнинг ўзаро нисбатидан иборат. ...талаб (ички ва халқаро туристик бозорлар), таклиф (туристик диққатга сазовор жойлар ва дам олиш шакллари, туристик объектларнинг турлари транспорт, хизмат кўрсатиш, ва тегишли инфратузилма тизими, реклама-ахборот фаолияти)” [73; 175-б.]. Туристик бозорда инсонлар ўз пулларини ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи хизматларга айрибошлайди. Туристик хизматлар бозорида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги савдо туроператорлар орқали амалга оширилади. Туристик хизматлар бозори ички, кўшни ва халқаро истеъмолчиларга хизмат кўрсатади.

Тадқиқот жараёнида йиғилган маълумотлар асосида Андижон вилоятида туризм хизматлари бозорини ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида SWOT таҳлил амалга оширилди (2.7-жадвалга қаранг).

⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг 18.07.2019 й. ЎРҚ-549-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 16.04.2019 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 21.06.2019 й. маъқулланган).

Андижон вилоятида туризм хизматлари бозорини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили⁸⁸

КУЧЛИ ТОМОНЛАРИ (Strengths)	ЗАИФ ТОМОНЛАРИ (Weaknesses)
<p>“Ўзбекистон туризм магистрали” нинг бошлангич нуктаси эканлиги, кулай транспорт инфратузилмаси, автомагистрал ва темир йўлларнинг мавжудлиги;</p> <p>Тошкент-Андижон-Ўш-Ирқаштом-Қашғар йўналиши бўйича савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши;</p> <p>Хунармандчилик ва тадбиркорликнинг юқори даражада ривожланганлиги;</p> <p>GM Uzbekistan автомобил заводини Андижон вилоятида жойлашганлиги;</p> <p>Вилоят аҳолисини туристик хизматларга талабининг ортиб бориши;</p> <p>Ички туризмни ривожлантириш учун истеъмолчиларнинг етарли эканлиги;</p> <p>Археологик обидаларнинг кўплиги;</p> <p>Экотуристтик ва рекреация ресурсларига бойлиги;</p> <p>Аския, миллий ўйинлар, дорбозлик, меҳмондўстлик маданияти;</p> <p>Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини юқори даражада ривожланганлиги;</p> <p>Аҳоли сони кўп ва зич бўлган Фарғона водийси марказида жойлашганлиги ва барча вилоятлари билан қўшни эканлиги;</p> <p>Гастрономик туризмни, миллий чойхоналарни, (ош, бўйин гўшти, мастава, мевалар, шербатлар, балиқ ва бошқ.) маҳалла гузарларини сақлаиб қолинганлиги;</p>	<p>Тарихий-маданий туристик объектларни тарқоқ жойлашуви ва бири-бирдан узоклиги;</p> <p>Туризм саноатининг жуда қоқоқ ҳолати;</p> <p>Пойтахтдан узокдалиги, периферияда жойлашганлиги;</p> <p>Туристтик фирмалар эътибори фақат хорижлик туристларни жалб қилишда эканлиги;</p> <p>Аҳоли талабига мос қисқа муддатли ва арзон маршрутларни ҳудудий ташкил этилмаганлиги;</p> <p>Вилоятда туризмнинг ташкиллаштирилмаган ҳолда тартибсиз ривожланиши;</p> <p>Туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт корхоналарининг мавжуд эмаслиги;</p> <p>Вилоят марказидан бошқа ҳудудларда жойлаштириш воситаларини мавжуд эмаслиги;</p> <p>Туристтик инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва ҳудудлар бўйича ўта нотекис тақсимоти;</p> <p>Вилоятдаги мавжуд туристик объектлардан етарли даражада фойдаланишнинг йўлга қўйилмаганлиги;</p> <p>Туристтик хизматлар бозорида норасмий сектор улусининг юқорилиги (савдо, овқатланиш, транспорт, маиший ва бошқа хизматлар);</p> <p>Вилоятдаги аксарият кафе ва ресторанлар, хизмат кўрсатиш соҳаларини кеч соат 22:00 гача фаолият юритиши;</p>


⁸⁸ Вилоят ҳудудини тадқиқ қилиш ва туристик экспедициялар ўтказиш натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2.7-жадвалнинг давоми

<p>Туризмни ривожлантириш учун хилма-хил рельеф, гидрогеологик, дарёлар, сув омборларнинг мавжудлиги.</p>	<p>Вилоятда туроператорларнинг жуда камлиги, соҳа ходимларининг замонавий касбий ва туристик таълим, малакасини (гид, таржимон, экскурсаводлар) етарли даражада эмаслиги, мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасасининг йўқлиги;</p> <p>Туристтик объектлар атрофида маиший инфратузилманинг паст даража ривожланганлиги;</p> <p>Минтақа туризм салоҳиятини ОАВларда ва электрон сайтларда реклама-ахборот материаллари етарли даражада ўрганилмаганлиги ва ёритилмаслиги;</p> <p>Хорижий инвестицияларни туризм соҳасига жалб қилинишининг суст даражадалиги</p>
ИМКОНИАТЛАР (Opportunities)	ХАТАРЛАР (Threats)
<p>“One belt, one road” лойиҳаси доирасида соҳани ривожлантириш имкониятлари;</p> <p>Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой мамлакатларидан туристлар жалб қилиш имкониятлари мавжудлиги;</p> <p>Вилоятнинг географик жойлашуви ер юзаси тузилишининг хилма-хиллиги, тоғ, тоғолди, текислик ва чўлларнинг мавжудлиги;</p> <p>Кўрғонтепа, Жалақудуқ, Хўжаобод, Булоқбоши, Асака, Марҳамат туманларида юқори экотуристтик салоҳиятнинг мавжудлиги;</p> <p>Туристтик салоҳияти юқори бўлган Қўштепа, Эйлатон, Мингтепа, Далварзинтепа археологик ёдгорликлари атрофида туризм ва меҳмонхон уйлари хўжалиги хизматларини ривожлантиришга алоҳида эътибор ва дастурлар ишлаб чиқиш, давлат дастурига киритиш;</p> <p>Экотуризм, гастрономик туризм, ов туризми, зиёрат ва рекреация, археологик туризмни ривожлантириш имкониятлари.</p>	<p>Қўшни давлатлардаги сиёсий ва иқтисодий бекарорлик сабабли минтақага хорижий туристларнинг кириб келишидаги хатарлар;</p> <p>Аҳоли ўртасида табақалашув ёки ишсизлик даражасини ички туризмнинг барқарор ривожланишига таъсири;</p> <p>Хизматлар соҳасининг ҳозирги ҳолатда ривожланиш тенденцияси келажакда норасмий секторнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин;</p> <p>Айрим экотуристтик марказларда сайёҳлар хавфсизлигининг кафолатли тизими етарли даражада яратилмаганлиги;</p> <p>Рискнинг катталиги эвазига маҳаллий тадбиркорлар, ҳокимият ва хорижлик инвесторлар томонидан соҳага сармоя киритиш истагини пастлиги;</p> <p>Туризмни мавсумийлик хусусиятидан келиб чиқиб соҳада вақтинчалик ишсизларнинг ортиб кетиши;</p> <p>Вилоятга келувчи хорижлик сайёҳларни ҳаддан зиёд текширилиши, назорат қилиниши, суриштирилиши, уларга “турист” назари билан қаралмаслиги чет эллик меҳмонлар оқимини камайтиради.</p>

Туризм хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган SWOT-таҳлил натижаларида вилоятда туризмни ривожлантириш имкониятлари ҳамда минтақага маҳаллий ва хорижлик туристларни ташриф буюришига салбий таъсир қилувчи бир нечта сабаблар кўрсатилган.

1. Истеъмолчи масаласи. Андижон вилояти туризм хизматлари бозори асосан ички истеъмолчилар ҳисобидан тўлдирилади. Вилоятнинг перифериядалиги, туристик объектларнинг тарқоқ жойлашуви, қадимий меъморий обидалари тўлиқ сақланиб қолмаганлиги унинг заиф томонлари бўлса, аҳоли сонининг кўп ва зич эканлиги кучли жиҳатлари ҳисобланади. Вилоятда 2015 йил 140 000 сайёҳ рўйхатга олинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 300 000 кишини ташкил этди. Ички туризм ўтган йилга нисбатан 57 фоизга ортган (2.8-расмга қаранг).



2.8-расм. Андижон вилоятига 2015-2019 йилларда ташриф буюрган туристлар ҳақида маълумот (минг киши)⁸⁹

Хорижий туристларнинг Андижон вилоятига 2015 йилдаги ташрифи 14 000 киши бўлган бўлса, таҳлил қилинаётган йилда

⁸⁹ Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари.

уларнинг сони 25000 нафарга етиб, 2018 йилга нисбатан 74 фоизга ўсган. Сайёҳларнинг 74 фоизи Осиё минтақаси, 12 фоизи МДҲ давлатлари, 11 фоизи Европа минтақаси ва 3 фоизи бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Вилоят иқтисодиётида машинасозлик, текстиль ва тўқимачилик саноати, озиқ-овқат саноати, қурилиш, электротехника, мебелсозлик, фармацевтика саноати яхши ривожланганлиги боис, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Малайзия, АҚШ, Германия, Италия, Буюк Британия, Франция, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби мамлакатлардан ташриф буюрувчилар сони ортмоқда. Андижон вилоятида 2019-2022 йилларда 553 та лойиҳа қиймати 14 682 724,5 млн. сўм бўлган саноат корхоналарини бунёд қилиш режалаштирилган⁹⁰. Демак вилоятдаги халқаро туристик хизматлар бозорини бизнес туризм, МICE туризм, малакавий иш каби туризм турларида кўрсатиладиган хизматлар билан кенгайтириш имкониятлари яратилади.

Кўшни бозор - бу асосан Қирғизистон Республикасидан келувчи сайёҳларни визаларсиз қабул қилишдир. 2019 йилда республикамизга жами келган 6 748 542 сайёҳни 86,3 фоизи кўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Республикаларига тўғри келади. Ташриф мақсадига кўра, 81,8 фоиз туристлар қариндош ва дўстларни кўриш учун келишмоқда⁹¹. Қирғизистон Республикаси Маданият, ахборот ва туризм вазирлиги Туризм департаменти маълумотларига кўра, 2018 йилда Ўзбекистонга Қирғизистоннинг 3 206 830 фуқароси ташриф буюрган⁹². Географик жойлашув кўшни давлатдан вилоятга тўғридан-тўғри автобус ва темир йўллар қатновини амалга ошириш имконини беради. Хонобод, Кесканёр, Қорасув, Дўстлик ва Маданият чегара ўтказиш постларини очиш орқали Жалолобод ва Ўш вилоятлари билан мунтазам алоқаларни йўлга қўйиш туризм ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратади.

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги "2019-2022 йилларда Андижон вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 622-сонли Қарори.

⁹¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁹² Манба: <http://xs.uz/uzkr/post/qirgiziston-elchisi>

2. Туроператорлар масаласи. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, вилоятдаги жами хизматлар соҳасида 19,7 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолият юритмоқда. Хизматлар соҳасида фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо - 41,0 фоиз, яшаш ва овқатланиш - 8,2 фоиз, ташиш ва сақлаш - 6,0 фоиз, соғлиқни сақлаш - 3,8 фоиз, ахборот ва алоқа хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар - 2,5 фоиз улушга эгалик қилади⁹³. Вилоятда туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар сони 82 та (меҳмонхона, туристик оператор, санатория ва меҳмон уйлари) бўлиб, жами хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларига нисбатан 0,4 фоизни ташкил қилади. Кўриниб турганидек, хизматлар бозорида туристик корхона ва ташкилотлар сони жуда кам миқдорга эга. Вилоятда истеъмол омилини ҳисобга олиб, фақат ички туризм хизматларини кўрсатувчи туристик фирмалар ёки туризм соҳаси билан яқка тартибда тадбиркорлик (ЯТТ) фаолияти билан шуғулланувчилар сонини кўлайтириш бўйича махсус лойиҳалар ишлаб чиқиш зарур.

Ички бозорда - маҳаллий истеъмолчилар орасида туристик хизматларга бўлган талаб юқори. Бироқ, шунга мос ҳолда аҳоли даромадлари, турмуш тарзи, қизиқишлари, ёши, ҳошиш ва истакларидан келиб чиқиб сайёҳлик хизматларини таклиф қилувчи туроператорлар мавжуд эмас. 32-иловадаги жадвалда вилоят бўйича жами 39 та туристик фирмалар кўрсатилган бўлиб, улар сони 2018 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсган. Республика бўйича туроператорлар сони 1482 та бўлиб, вилоятда 2,6 фоиз сайёҳлик корхоналари фаолият олиб боради. Уларнинг 35 таси Андижон шаҳрида, 4 таси Хонобод шаҳри, Хўжаобод, Избоскан ва Марҳамат туманларида жойлашган. Ушбу туристик фирмаларнинг 4 таси фақат маҳаллий туристларга хизмат кўрсатса, қолган 35 таси ички ва ташқи туризм хизматларини кўрсатишга ихтисослашган.

3. Кадрлар масаласи. Вилоятдаги энг катта муаммолардан бири - бу туристик фирмалар ва объектларда гид, таржимон ҳамда экскурсоводларнинг етишмаслиги. Вилоят бўйича жами 5 нафар гид-

⁹³ Андижон вилояти статистика бошқармаси. 2019 йил январь-декабрь. - Андижон, 2020. -95-96 б.

таржимон мавжуд. Соҳа учун кадр тайёрловчи ягона таълим муассасаси Андижон туризм ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидир. Олий таълим муассасалари сони 4 та бўлиб, улар Андижон Машинасозлик институти, Андижон Давлат университети, Тошкент Давлат Аграр университети Андижон филиали, Андижон тиббиёт институтларидир. Мазкур таълим муассасаларидан бирида туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ижобий самараларни беради.

Қуйидаги 2.8-жадвалда Андижон вилояти туроператорлари томонидан 2010-2019 йилларда амалга оширилган туристик хизматлар ҳажми кўрсатилган. 2010-2015 йилларда туристик хизматлар бозорида олинаётган даромадларнинг энг юқори кўрсаткичи 2015 йилга тўғри келиб, 599,1 млн. сўмни ташкил қилган. Бу рақамлар 2010 йилга нисбатан таққосланса, 2,5 баробарга ошганлиги кўринади. Ўрганилаётган даврда туристик хизматлар улушининг пастлигини кўшни республика ва вилоятдаги баъзи сиёсий бекарорликлар ва мавжуд туристик салоҳиятдан оқилона фойдаланмаслик билан боғлаш мумкин. Маълум бир йиллардаги кўшни мамлакат ва вилоятдаги бекарорликлар тарихига қизиқувчилар, хоҳловчиларга "Қора туризм" [74; 39-б.] турини Андижон, Қорасув ва Хонобод шаҳарларида кўрсатиш учун ҳам баъзи объектлар топилади. Масалан, 2016 йилда туроператорлар томонидан 1 335,2 млн. сўм миқдорида хизматлар кўрсатилган бўлса, 2019 йилга келиб 3 795,8 млн. сўмни ташкил қилиб 2,8 баробарга ошган. Бу кўрсаткичларда 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 16,6 фоиз ўсиш суръатлари кузатишган. 2016-2019 йилларда вилоят туристик хизматлар бозорида кескин ўзгаришлар кузатилиб, аҳоли даромадларининг ортиши, чегара, божхона, виза билан боғлиқ енгилликлар ички ва халқаро туризмда ўсишларга сабаб бўлди. Шунингдек, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, вилоятга чет эл инвестицияларини жалб қилиш, инфратузилма объектларини замон талабларига мослаштиришдаги изчилликлар билан ҳам боғланади.

Туристлик агентликлар, туроператорларнинг хизматлари, бронь қилиш ва у билан боғлиқ бошқа хизматлар⁹⁴ (худудлар кесимида, млн. сўм)

Худудлар номи	2010 й. ^{*)}	2011 й. ^{*)}	2012 й. ^{*)}	2013 й. ^{*)}	2014 й. ^{*)}	2015 й. ^{*)}	2016 й. ^{*)}	2017 й.	2018 й.	2019 йил январь-декабрь
Ўзбекистон Республикаси	47 832,5	60 423,2	76 232,0	86 618,7	103 265,0	107 571,0	128 634,9	252 115,3	472 621,7	560 120,0
Қорақалпоғистон Республикаси	19,2	47,5	106,8	53,4	161,8	188,6	387,8	629,0	926,1	1 067,1
Вилоятлар										
Андижон	242,6	149,9	137,0	84,8	87,3	599,1	1 335,2	2 971,4	3 255,4	3 795,8
Бухоро	2 504,1	2 454,8	2 292,5	1 901,0	2 710,8	2 256,8	2 088,6	2 340,5	7 410,5	9 206,5
Жиззах	29,5	29,4	26,7	25,5	31,2	191,6	409,7	561,8	1 075,1	1 184,4
Қашқадарё	210,2	175,9	137,4	291,7	292,5	1 203,1	1 346,4	982,1	1 480,5	1 779,7
Навоий	151,0	181,7	157,2	137,8	177,1	187,9	328,1	576,4	1 330,0	1 435,5
Наманган	99,0	170,7	321,1	115,7	155,9	203,3	311,3	264,8	630,1	674,9
Самарқанд	9 662,4	12 245,7	16 998,5	17 117,8	19 154,9	20 165,1	20 269,5	44 874,0	86 469,4	110 025,7

⁹⁴ Мағба. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

106

Сурхондарё	129,4	200,3	112,0	201,7	155,6	456,2	644,2	734,7	1 133,2	1 303,1
Сирдарё	0,0	4,9	44,9	80,0	158,2	145,2	107,7	148,1	229,0	273,6
Тошкент	76,1	121,8	183,9	249,5	284,2	1 214,6	194,7	414,2	567,7	648,6
Фарғона	369,1	364,5	1 039,0	1 760,3	3 898,2	3 182,3	5 072,5	26 844,8	49 730,1	57 189,6

Юқоридаги 2.8-жадвалда республика бўйича 2019 йилда 560 120,0 млн. сўмлик туристик агентликлар, туроператорларнинг хизматлари, брон қилиш ва у билан боғлиқ хизматлар кўрсатилган. Худудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (352 084,4), Самарқанд (110 025,7), Фарғона (57189,6), Хоразм (19451,0), Бухоро вилоятлари (9206,5) ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу борада вилоятлар орасида Андижон вилоятининг ўрни олтинчи поғонада турибди. Туроператорлар томонидан вилоятдаги туристик маҳсулотлар учун дастурлар ишлаб чиқишда ноанъанавий ўзига хос ёндашувлар асосида жозибадор маршрутлар яратиш соҳадан келадиган даромадларни оширади.


4. Транспорт масаласи. Туристлик хизматлар кўрсатиш соҳасидаги яна бир муаммоли жиҳатлардан бири, сайёҳлик хизматларини кўрсатувчи автобусларнинг йўқлиги. 2019 йилда вилоятга туристик мақсадларда фойдаланиш учун 30 та микроавтобуслар келтирилди. Шу билан кичик гуруҳларга транспорт хизматларини кўрсатиш масаласи бироз бўлса-да ҳал этилди. 2020 йил маълумотларига кўра, вилоятда жисмоний шахсларга тегишли жами 60 дона автобус ва 441 та микроавтобуслар йўловчи ташиш билан шуғулланади⁹⁵. Аммо бу транспорт воситалари хорижлик туристларга хизмат кўрсатиш талабларига жавоб бермайди. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 2463 км ни ташкил қилиб, шундан 103 км халқаро, 800 км республика ва 1650 км маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллардир⁹⁶. Аммо туристик объектларга олиб боровчи йўлларни замон талабларига мослаштириш, йўл белгилари, транспорт инфратузилмасини яхшилаш зарур. 2020 йилда Андижон-Савай-Хонобод 80 км темир йўл линиясининг ишга туширилиши туристларга арзон, қулай ва сифатли транспорт хизматларини таклиф этади.

5. Меҳмонхоналар масаласи. Вилоят туристик хизматларини кенгайтиришда жойлаштириш воситаларининг сони ва шакллари хилма-хиллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Республика бўйича жами

⁹⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁹⁶ Манба: <http://www.uzavtoyul.uz/cy/page/avtomobil-yollarining-holatini-korsatuvchi-ochiq-elektron-xaritasi.html>

1188 та меҳмонхоналар бўлиб, шуларнинг 17 таси Андижон вилояти ҳиссасига тўғри келади. 2.9-чизмада жойлаштириш воситаларида жами 517 та хона ва 885 та ўринлар борлиги тасвирланиб, шулардан 386 таси стандарт, 319 таси поллюкс ва 168 та ўринлар люкс тоифада эканлиги кўрсатилган. Вилоятдаги меҳмонхоналар асосан 3 юлдузли тоифага киради. Фақат 72 ўринли “Bog’i Shamol” меҳмонхонаси 4 юлдузга эга. Жойлаштириш воситаларининг номерлари фондига кўра 3 та “ўрта”, 8 та “кичик” ва 6 та “мини” меҳмонхоналарга ажратиш мумкин. Ўртача катталиқдаги меҳмонхоналар сифатида Elita (144 ўринли), Vella Elegant (107 ўринли), Oltin Vodiy (95 ўринли) қабилар эътироф этилади [32; 21-27-б.] (2.9-расмга қаранг).



2.9-расм. Андижон вилояти жойлаштириш воситалари сифати ҳақида маълумот

Бундан ташқари, вилоятда 2019 йилда 15 та меҳмон уйлари (148 та ўрин) ташкил қилиниб, уларда 30 киши иш билан таъминланди. Меҳмон уйлариининг 3 таси Шаҳрихон, 1 таси Бўстон туманида ва 11 таси Андижон шаҳрида жойлашган. Андижон вилоятида туристик хизматлар бозорини янада кенгайтириш мақсадида, 2020 йилда умумий лойиҳа - қиймати 104 млрд. сўмлик 12 та (1472 ўринли) меҳмонхона қурилиши бошланган. Уларнинг 6 таси Андижон шаҳрида (1002 ўринли), 4 таси Хонобод шаҳрида (410 ўринли), 1 таси Марҳамат туманида (35 ўринли) ва 1 таси Олтинқўл туманида (25 ўринли) бунёд

этилмоқда. Ушбу меҳмонхоналарнинг 9 таси (410 ўринли) 2020 йилда, 4 таси (110 ўринли) 2021 йилда ишга туширилиши белгиланган. Уларнинг ишга туширилиши натижасида 319 та янги иш ўринлари яратилиши назарда тутилган⁹⁷.

6. Миллий хунармандчилик ва сувенирлар масаласи. Мамлакатимизда миллий хунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини ривожлантириш орқали халқимизнинг бой маданий меросини дунёга танитиш мумкин. Андижон вилоятида туристик хизматлар бозорини кенгайтиришда иқтисодиётнинг турли тармоқларини соҳага жалб қилиш долзарб масала ҳисобланади. Туристлик хизматлар бозорини кенгайтиришда “*Аралаш дастурлар*” таркибига “*Миллий хунармандчилик туризми*” турини ҳам киритиш ташриф буюрувчи сайёҳларда катта қизиқиш уйғотади. Туризмнинг бу тури “...миллий хунармандчиликнинг турлари ва йўналишлари, халқ-меъмор, халқ-уста шиори ва рекламаси, миллий хунармандчилик буюмларининг мукамал ва мўъжизакорлигига қизиқиш” дир [74; 21-б.]. Туризмга миллий хунармандчиликни кенг жалб қилиш орқали мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни туристлар орқали чет элга экспорти ортади.

Вилоятда жами 11 та туризм соҳасида фаолият олиб бораётган хунармандлар реестрга олинган бўлиб, уларда маҳаллий ва хорижлик туристлар учун мастер-класслар ўтказилади. Хунармандлар томонидан тайёрланган мусиқа асбоблари, металлдан ясалган буюмлар, чинни-фаянс ва сопол буюмлар, мисгарлик, ўйинчоқлар, шиша, бош кийимлар, миллий либослар, миллий пойафзал каби маҳсулотлар 33 та маҳсус сувенир дўконларида сотилади. Уларнинг 10 таси Андижон шаҳрида бўлса, 1 таси Шаҳрихон туманида жойлашган. Вилоятда асосий 34 та йўналишлар бўйича хунармандлар фаолият олиб боради; хунармандлар томонидан тайёрланган сувенир маҳсулотлар хариди учун ажратилган савдо расталари ва дўконлар сони 219 тани ташкил қилади. Туристлик реестрга киритиш мумкин бўлган Қорасув ва Қўрғонтепа, Хўжаобод, Марҳамат, Шаҳрихон, Пахтаобод тумани

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари.

ҳамда Андижон шаҳрида бир нечта хунармандчилик устахоналари фаолият олиб боради.

Андижон шаҳрида “Жомъе” мажмуаси, “Ахмадбекхожи меҳмонхонаси” тарихий-архитектура биносиди ва Шаҳрихон шаҳри Шохбекат кўчасида жами 3 та Хунармандчиликка кўмаклашиш марказлари фаолият олиб бормоқда. Шаҳрихон шаҳридаги миллий пичоқчилик, Андижон шаҳридаги мисгарлик, Олтинкўл туман Жалабек қишлоғидаги кулолчилик ва Андижон шаҳридаги миллий мусиқа асбоблари ясовчи 4 та музей-устахонада туристлар учун кўрғазмалар ташкил қилинган⁹⁸.

7. Молиялаштириш масаласи. Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, вилоятда хусусий меҳмонхоналар, туристик ташкилотлар, меҳмон уйлари, санатория, оромгоҳлар ва кафе-ресторанлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ҳол ижобий натижаларни беради, албатта, бироқ вилоятдаги туристик хизматлар бозорини янада кенгайтиришга, сайёҳлик инфратузилмасини замонавий талаблар асосида янгилашга хусусий сектор вакилларининг маблағлари етарли эмас. Шу боис, туризмни ривожлантириш қўмитасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишда турли ташаббуслар, хизмат кўрсатиш соҳалари ва туристик объектларни молиялаштиришни давлат дастурларига киритишда фаолликлари талаб этилади.

8. Дунёқараш масаласи. Аҳолининг турмуш тарзи, дини, маданияти, урф-одатлар ва қадриятлари ҳам минтақада туризмни ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Вилоят халқининг миллий характери, темпераменти ва коммуникатив-хулқ-атвори каби этнопсихологик хусусиятларида ўзлигини англаш, дилкашлик, меҳмондўстликка бўлган мойилликлар сезилади. Бироқ оилаларнинг кўпфарзандли эканлиги, шунга мос урф-одатларни, тўй ва марака маросимларнинг ҳаддан зиёд кўплиги кишиларни республика ёки хорижга саёҳат қилишларини моддий жиҳатдан чегаралайди.

⁹⁸ “Хунарманд” уюшмаси Андижон вилояти бошқармаси маълумотлари.

2019 йилда туғилганлар сони вилоят бўйича 77 674 кишини ташкил қилган ва 2018 йилнинг шу даврига (72 387 киши) нисбатан 5287 тага кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 25,1 промиллени ташкил қилган. Никоҳ кўрсаткичлари 2019 йилда 29 998 тани ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 344 та манфий кўрсаткичларни бермоқда. Ўрганиш натижаларига кўра, никоҳ ва дафн маросимлари бўйича миллий қадриятларга мос келмайдиган ўртача 10 тадан ортиқ маросимлар ўтказилади⁹⁹. Бу ўз-ўзидан ортиқча сарф-харажат ва қарздорликка олиб келади. Аҳоли ўртасида бу каби иллатларни камайтириш эвазига кексаларни ҳаётлик чоғида санатория ва сиҳатгоҳларга, дам олиш уйларига юбориш орқали саломатликларини қайта тиклашларига вақт, маблағ ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тўй-маросимлардаги ортиқча дабдабавозликларни камайтириш ҳисобига болалар оромгоҳларига йўлланмалар олиш, тарихий шаҳарлар бўйлаб 3-5-7 кунлик оилавий туристик саёҳатлар уюштириш баркамол шахс тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

2.9-жадвал

Андижон вилояти аҳолисининг табиий ҳаракати
коэффициентлари

Кўрсаткичлар	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2018 йил	2019 йил	Ўсиш, камайиш, +/-	2018 йил	2019 йил
Туғилганлар	72387	77674	+5287	23,8	25,1
Ўлганлар	15377	14760	+617	5,1	4,8
Табиий ўсиш	57010	62914	+5904	18,7	20,3
Никоҳлар	30338	29998	-344	1,4	1,2

Туристтик хизматлар бозорини таҳлил қилиш, маркетинг тадқиқотлари орқали истеъмолчилар истакларига мос янги замонавий

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги № 2736-III./КҚ-592-III-сонли Қўшма қарори

туристик маҳсулотлар таклиф қилиш минтақа туризм салоҳиятини аниқ белгилашга имкон беради. Мамлакатимиздаги Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Тошкент вилоятларининг ҳар бири туризмнинг маълум бир махсус турларига ихтисослашган бўлса, Андижон вилоятининг туризм бозоридаги имиджи “аралаш” турдаги сайёҳликни таклиф қилиш, деб ҳисоблаймиз.

- аралаш туризм дастурларини ривожлантириш учун биринчи навбатда бу турдаги рекламаларни минтақадаги барча жойлаштириш воситаларида, туристик фирмалар ҳамда сайёҳлик объектларида жаҳоннинг турли тилларида тарғиб қилиш зарур. Халқнинг тадбиркорлиги, миришкорлиги, ижодкорлиги, яратувчанлиги, миллий маданияти ва санъати, ҳунармандчилиги, гастрономияси, қизиқарли миллий ўйинлари борлиги ҳақида интернет сайтларида тарғибот олиб бориш лозим.

- вилоятда аралаш туризм дастурларини ривожлантириш учун туристик объектлар ва туристик зоналарда халқаро стандартларга мос келадиган илмий, амалий ва инновацион грант лойиҳалар ҳамда иқтисодий жиҳатдан асосланган самарали бизнес режалар амалга оширилиши лозим;

- ҳар бир вилоятнинг туристик бозорига ижобий таъсир кўрсатиш мақсадида халқаро ва республикаимизнинг бошқа ҳудудларидан Фарғона водийсига ташриф буюрувчи сайёҳларга “Водий бўйлаб саёҳат” дастурларини ишлаб чиқиш;

- Қамчиқ доводидан ўтиб келувчи йўловчи ва юк автомобиллар учун махсус тўхташ жойлари, кузатув майдончалари, мотеллар, санитария-гигиена шохобчалари, тиббий муассасалар, савдо марказлари, кафе ва ресторанлар, автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш пунктлари каби йўл бўйи транспорт инфратузилмасининг яхшиланиши Фарғона водийсида хавфсиз туризмнинг ривожланишига асос бўлади.

Андижон вилоятининг табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларидан комплекс фойдаланиш орқали вилоят туристик салоҳиятини шакллантириш, аралаш сайёҳлик маршрутларини ишлаб чиқиш ҳудуднинг ўзига хослигини белгилаб беради. Хизмат кўрсатиш

соҳалари билан туризмнинг алоқадорлиги жуда сустр даражадалиги, вилоят иқтисодиётида сайёҳлик соҳасининг улуши сезилмаслиги, ўзаро алоқадорликни кучайтириш зарур эканлигини кўрсатади.

Маҳаллий ҳокимият ҳамда ижро органлари томонидан ҳудудлардаги туристик жойлар ва объектлар салоҳиятини очиб бериш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида фермерлар, тадбиркорлар, хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари учун махсус инфо-турлар ташкил қилиниши лозим. Шу орқали маҳаллий аҳолини туризм соҳасида оилавий бизнесни очишга ўргатиш мумкин. Туманларда меҳмон уйлари ташкил қилишга ҳамда қишлоқ жойларда меҳмонларга сайёҳлик хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини кўпайтиришга эришилади.

III. АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1-§. Вилоятда туристик маршрутларни ташкил этиш истиқболлари ва уларнинг географик хусусиятлари

Маълум бир мамлакатда туризм саноатининг ривожланганлик даражаси бу ҳудуддаги туристик маршрутларнинг ўзига хос диверсификацияси, дастурларнинг жозибадорлиги, қулай замонавий ИТ технологияларни қўлланилиши, хизматларнинг арзонлиги, хавфсиз туризм шароитларини яратилганлиги каби кўрсаткичлар билан баҳоланади. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисидаги Қонуни"да *туристик йўналиш* - "саёҳат вақтида турист, экскурсант ташриф буюрадиган асосий жойларнинг рўйхати бўйича туристнинг, экскурсантнинг режалаштирилган ҳаракатланиш йўли", дейилган¹⁰⁰.

Республикамиз олимларидан Н.Тухлиев, А.Норчаев, А.Нигматов, Т.Абдуллаева, Қ. Алимов, Р.Ҳайитбоев, А.Саттаровларнинг ишларида туристик маршрутларни ташкил этиш бўйича тегиши таклиф ва тавсиялар берилган. Минтақаларда туристик маршрутларни ишлаб чиқиш бўйича М.Усмонов, Ш. Якубжанова, А.Алимов, Б.Камолов ва Ш.Шамуратовалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаевалар (2006) туристик маршрутга "...географик нуқталар бўйича аввалдан белгиланган, муайян бир тартибда тавсифланган туристик ҳаракат (экскурсия, саёҳат) йўллари", деб таъриф берадилар. Дарҳақиқат, маршрут туристик ҳаракат ёки йўналиш ҳам дейиш мумкин. Бироқ туристик ҳаракат географик нуқталар бўйича эмас, балки географик макондаги туристик объектлар орқали амалга оширилади.

Сайёҳларнинг вилоятга ташрифи давомида олдиндан режалаштирилган йўналиш асосида географик жойларга транспорт воситалари орқали бориши - *туристик маршрутдир*. Танланган

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикасининг 18.07.2019 й. ЎРҚ-549-сон "Туризм тўғрисида"ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 16.04.2019 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 21.06.2019 й. маъқулланган)

Фарғона водийси бўйлаб амал қилинаётган туристик маршрутлар рўйхати¹⁰²

географик жойлардаги туристик объектлар ва хизмат кўрсатиш соҳалари маршрут таркибига киритилади. Туристтик маршрутлар суғурта, транспорт, жойлаштириш воситалари, овқатланиш, экскурсиялар, дам олиш ҳамда кўнгилочар муассасалар каби хизматлар мажмуидан ташкил топади. Ҳозиргача туризм соҳасида ишлаб чиқиладиган ҳар қандай маршрутларга қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинади:

- жозибадорлик ва бетакрорлилиги;
- имкониятларнинг яратилганлиги;
- мазмундорлилиги;
- фаолиятлилиги;
- кўп кирралик ва кўп вариантлилиги;
- қулайлиги;
- ахборотланганлиги.

Туристтик маршрутлар мавзули, рекреация, спорт ва аралаш каби кўринишларига кўра таснифланади. Мавсумий хусусиятларига кўра йил давомидаги ҳамда мавсумий маршрутларга бўлинади. Трасса тузилишига кўра чизикли, ҳалқали, радиал ва аралаш маршрутлар бир-бирдан фарқ қилади.

Собиқ Иттифоқ даврида иттифоқдош мамлакатлар бўйлаб жами 350 та туристик маршрутлар тузилган. Шундан Қозоғистон ва Марказий Осиё минтақаси бўйича 36 та туристик маршрутлар ишлаб чиқилиб, уларнинг 22 тасига Самарқанд, Бухоро, Урганч, Тошкент ва Фарғона водийси шаҳарлари киритилган¹⁰¹. Бу минтақада Ўзбекистон тарихий-маданий туризм энг ривожланган мамлакат сифатида тан олинади.

3.1-жадвалда республика бўйича жами 149 та туристик маршрутларнинг 42 тасида Фарғона водийси шаҳарлари иштирок этган йўналишлар сифатида келтирилган. Фарғона водийси бўйлаб уюштирилаётган туристик маршрутларнинг 39 тасида Фарғона шаҳри, 18 тасида Кўқон, 13 тасида Марғилон, 7 тасида Наманган, 4 тасида Кува, 3 тасида Риштон шаҳарлари иштирок этади.

№	Маршрут номи	Кунлар ва тунлар
1.	Тошкент-Бухоро-Фарғона-Андижон-Наманган	9/8
2.	Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива/Урганч-Тошкент-Кўқон-Марғилон-Фарғона	10/9
3.	Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Тошкент-Фарғона-Тошкент	5/4
4.	Тошкент-Самарқанд-Тошкент-Фарғона-Тошкент	3/2
5.	Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива/Урганч-Тошкент-Фарғона-Кўқон-Андижон-Тошкент	-
6.	Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива/Урганч-Тошкент-Фарғона-Кўқон-Тошкент	-
7.	Тошкент-Хива/Урганч-Бухоро-Самарқанд-Тошкент-Фарғона	10/9
8.	Тошкент-Хива/Урганч-Бухоро-Термиз-Шаҳрисабз-Самарқанд-Кўқон-Марғилон-Чимён-Тошкент	15/14
9.	Тошкент-Хива/Урганч-Бухоро-Шаҳрисабз-Самарқанд-Кўқон-Фарғона-Марғилон-Тошкент	11/10
10.	Тошкент-Фарғона	6/5
11.	Тошкент-Фарғона-Кўқон-Марғилон-Риштон-Фарғона-Кўқон	3/2
12.	Тошкент-Фарғона-Кўқон-Марғилон-Кува-Риштон	-
13.	Тошкент-Фарғона-Кува-Марғилон-Риштон-Термиз-Самарқанд-Нурота тоғлари-Бухоро-Пойкент-Аёзқалъа-Хоразм	13/12
14.	Тошкент-Фарғона-Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива/Урганч	10/9
15.	Тошкент-Фарғона-Кўқон-Хива/Урганч-Бухоро-Шаҳрисабз-Самарқанд	14/13
16.	Тошкент-Фарғона-Самарқанд-Шаҳрисабз-Бухоро	8/7
17.	Тошкент-Фарғона-Хива/Урганч-Аёзқалъа-Бухоро-Самарқанд	14/13
18.	Тошкент-Фарғона-Нукус-Бухоро-Самарқанд	12/11
19.	Тошкент-Фарғона-Кўқон-Хива/Урганч-Бухоро-Самарқанд	12/11

¹⁰² Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси туризми ривожлантириш давлат Қўмитаси қошидаги “Туризм ўқув-консалтинг маркази” ДУК томонидан ўтказилган Ўзбекистон Республикасида туристик фаолият субъектлари томонидан амалга оширилаётган туристик катновлар кузатувлари асосида келтирилган.

¹⁰¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

3.1-жадвалнинг давоми

20.	Тошкент-Фарғона-Наманган-Нукус-Хива/Урганч-Тошкент	12/11
21.	Тошкент-Фарғона-Нукус-Хива/Урганч-Бухоро-Нурота-Самарқанд-Тошкент	15/14
22.	Тошкент-Фарғона-Самарқанд-Бухоро-Тошкент	-
23.	Тошкент-Фарғона-Марғилон-Кўқон-Тошкент	-
24.	Тошкент-Фарғона-Марғилон-Тошкент	-
25.	Тошкент-Фарғона-Марғилон-Кўқон-Риштон-Тошкент-Чорвоқ-Чимён-Тошкент	-
26.	Термиз-Тошкент-Фарғона-Кува	7/6
27.	Тошкент-Наманган-Фарғона-Тошкент	3/2
28.	Тошкент-Наманган-Андижон-Фарғона-Марғилон-Кўқон	7/6
29.	Тошкент-Наманган-Андижон-Фарғона	-
30.	Тошкент-Кўқон-Наманган-Марғилон-Фарғона-Тошкент	6/5
31.	Тошкент-Кўқон-Фарғона-Тошкент	2/1
32.	Тошкент-Кўқон-Риштон-Марғилон-Фарғона-Кува-Андижон-Наманган-Тошкент	9/8
33.	Тошкент-Кўқон-Фарғона-Аёзқалъа-Хива/Урганч-Бухоро-Нурота-Самарқанд	15/14
34.	Тошкент-Кўқон-Фарғона-Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива-Тошкент	12/11
35.	Тошкент-Шаҳрисабз-Бухоро-Хива/Урганч-Фарғона-Тошкент-Чимён-Тошкент	12/11
36.	Тошкент-Нукус-Хива/Урганч-Бухоро-Шаҳрисабз-Самарқанд-Тошкент-Фарғона-Тошкент	15/14
37.	Тошкент-Нукус-Хива/Урганч-Бухоро-Термиз-Самарқанд-Тошкент-Кўқон-Тошкент	15/14
38.	Тошкент-Нукус-Мўйноқ-Урганч-Хива-Бухоро-Шаҳрисабз-Самарқанд-Тошкент-Фарғона-Тошкент	-
39.	Тошкент-Андижон-Фарғона-Тошкент	2/1
40.	Фарғона-Марғилон-Кўқон	2/1
41.	Фарғона-Кўқон-Марғилон-Риштон	2/1
42.	Андижон-Шаҳрихон-Пахтабод-Хонобод	2/1

Андижон шаҳри 7 марта, Пахтабод, Шаҳрихон, Хонобод шаҳарлари 1 мартадан маршрутлар таркибига киритилган. Кўриниб турганидек, водий вилоятлари орасида рўйхатга киритилган туристик маршрутлар ичида Фарғонанинг 5 та шаҳри иштирок этмоқда.

Андижон вилоятидан 4 та, Наманган вилоятидан фақатгина 1 та шаҳар рўйхатга киритилган. Республиканинг классик туристик маршрутлари ичида Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива/Урганч-Тошкент-Фарғона-Кўқон-Андижон-Тошкент йўналиши жозибadorлиги билан ажралиб туради. Энг кўп водий шаҳарлари иштирок этиши ҳамда давомийлигига кўра 6 кун ва 5 тундан иборат маршрут Тошкент-Кўқон-Риштон-Марғилон-Фарғона-Кува-Андижон-Наманган-Тошкент йўналишидир.

Фарғона водийсида юқоридаги шаҳарлар қаторида Сўх, Шохимардон, Водил, Чимён, Олтиариқ, Чодак, Парда Турсун, Чуст, Гова, Ахсикент, Тўракўрғон, Нанай, Чортоқ, Косонсой, Асака, Мингтепа, Ширмонбулоқ, Имомота каби диққатга сазовор жойлар ҳам туристик маршрутлар жозибadorлигини оширади. Бу худудларга водий табиати, маданияти, урф-одатлари ва қадриятларини кўришни хоҳлаган Тошкент ҳамда бошқа вилоятлардан оилавий ёки гуруҳ бўлиб келувчилар учун “Олтин халқа”, “Водий бўйлаб саёҳат”, “Олтин водий”, “Мафтункор учлик” бренди остидаги бир нечта мавзули, рекреация, аралаш турдаги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш катта самара беради.

3.1-жадвал таҳлилидан билиш мумкинки, Фарғона водийсига келаётган сайёҳларнинг биринчи ёки доимий кўналғаси Фарғона ва Кўқон шаҳарлари ҳисобланади. Маршрут дастурига киритилган бошқа шаҳарларга саёҳат бу шаҳарлардан экскурсия кўринишида амалга оширилади. Бунинг боиси, шаҳарлар жойлашуви бир-бирига нисбатан узоқ эмаслигидадир. Бошқа вилоятларда сайёҳларнинг тунаб қолмаслиги натижасида уларнинг туристик хизматлардан (меҳмонхона, овқатланиш, савдо ва бошқалар) кам фойдаланишидан дарак беради. Шу сабабли, Андижон вилояти туроператорлари томонидан аниқ манзилли туристик маршрутларнинг олдиндан ишлаб чиқиш орқали сайёҳларни тўғридан-тўғри қабул қилиш ҳамда водий бўйлаб саёҳатларни Андижондан бошлаши билан хизматлар бозорига ижобий таъсир кўрсатади.

Андижон вилоятига ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар учун 11-иловадаги жадвалда туроператорлар томонидан

ишлаб чиқилган 8 та йўналиш бўйича туристик маршрутлар кўрсатилган. Улар 1.Балиқчи-Олтинкўл 2.Асака-Марҳамат 3.Хўжабод-Андижон 4. Булоқбоши 5.Шаҳрихон 6. Хонобод шаҳри 7. Андижон шаҳри 8. Пахтаобод йўналишларидир. Мазкур маршрутлар таркибига 10 та туман ва шаҳарлар, 39 та туристик объектлар киритилган. Бу маршрутлар давомийлигига кўра, бир неча соатлик ёки экскурсиявий аҳамиятга эга. Трасса тузилиши бўйича уларнинг 3 таси чизикли маршрутлар ҳисобланади. Чизикли маршрут бу-“...боши ва охири турли географик пунктларда жойлашган ҳаракат йўналиши”дир[49;81-б.]. Масалан, 1.“Балиқчи-Олтинкўл” туристик маршрутнинг бошланғич (Б) нуқтаси Балиқчи тумани, охири (О) нуқтаси сифатида Олтинкўл тумани кўрсатилган. Маршрут таркибига 5 та туристик объектлар (ТО) киритилган.

Балиқчи →1-ТО →2-ТО→3-ТО→4-ТО→5-ТО→Олтинкўл

Ёки саёҳат бир жойдан бошланиб, шу жойни ўзида якунланадиган маршрутлардир. Масалан, 6. Хонобод шаҳри маршрути шулар жумласидан.

Аммо, маҳаллий истеъмолчилар учун бошқа турдаги қизиқарли, жозибатор маршрут ва дастурларни таклиф ёки тарғиб этилмаганлиги сабаб туристларни вилоят бўйлаб фаол ҳаракатланмаслигига, саёҳатлар географиясини кенгайтмаслигига сабаб бўлмоқда.

Минтақадаги моддий маданий мерос объектларининг тарқоқлиги, аммо хилма-хил туристик ресурсларга бойлигини ҳисобга олиб, Андижон вилояти учун хос бўлган манзилли туристик маршрутларни ишлаб чиқиш лозим. Шу сабабли маршрутларни тузишда туризмни барқарор ривожланишини режалаштириш, туманларни алоҳида туристик ҳудудларга гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабдан, вилоятнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларидан туризмни ривожлантиришда фойдаланиш ва туристик маршрутларни тузиш мақсадида туманлар гуруҳлаштирилди. Вилоят туманларини районлаштиришда А.С.Солиев томонидан билдирилган район ҳосил қилувчи омиллар ва тамойилларга асосланилди. Муаллиф фикрига кўра “...иқтисодий (бозор иқтисодиёти, мужассамлашув, ихтисослашув, комплекс ривожланиш, транспорт) ва ҳудудий ёки

географик (табиий шароит ва табиий бойликлар, инфратузилма ва аҳоли жойлашув тизими, географик ўрин) район ҳосил қилувчи омиллар ҳисобланади” [55; 42-б.]. Ўзбекистон ҳудудини туризмнинг маълум бир турлари бўйича районларга ажратиш билан А.Пардаев, А.Норчаев, экотуристтик ва агротуристтик районларга ажратиш ва уларни номлаш билан илк бор А.Нигматов, Н.Шамуратова (2006, 2007), А.Нигматов, Ш.Якубжановалар (2009) ва А.Нигматов, Б.Камаловлар (2018) шуғулланишган ва мамлакатимиз ҳудудини 14 та экотуристтик, 15 та агротуристтик ва Наманган вилоятини 4 та экотуристтик районларга ажратганлар.

3.2-жадвалда вилоят туманларини районлаштиришда ҳудудийлик ёки географик тамойилларга асосланиб, 16 та маъмурий бирлик 5 та гуруҳга ажратилди.

3.2-жадвал

Андижон вилоятини туристик районларга ажратилиш жадвали¹⁰³

№	Туманлар номи	Ер юзасининг тузилиш	Аҳолиси (минг киши)	Ихтисослашув	Туризм турлари
Марказий туманлар					
1	Андижон ш.	Текислик ва адир	441,7	Саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари, деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик	Археологик, тарихий-маданий, зиёрат, гастрономик, рекреация, тиббиёт, ёшлар, агротуризм, бизнес, малакавий иш туризми.
2	Андижон		261,8		
3	Олтинкўл		176,7		
Жанубий туманлар					

¹⁰³ Жадвал Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

омилларидан туризмни ривожлантиришда фойдаланиш ва туристик маршрутларни тузиш мақсадида туманлар гуруҳлаштирилди. Вилоят туманларини районлаштиришда А.С.Солиев томонидан билдирилган район ҳосил қилувчи омилар ва тамоилларга асосланилди. Муаллиф фикрига кўра "...иқтисодий (бозор иқтисодиёти, мужассамлашув, ихтисослашув, комплекс ривожланиш, транспорт) ва ҳудудий ёки

							Жанубий туманлар
--	--	--	--	--	--	--	-------------------------

¹⁰³ Жадвал Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

3.2-жадвалнинг давоми

4	Асака	Текислик, адир, тоғ ва тоғ олди	325,7	Саноат ва қишлоқ хўжалиги	Архелогик, тарихий маданий, кўмсаш, соғиниш туризми, гастрономик, рек- реация, агротуризм, экотуризм, бизнес туризм, малакавий иш туризми,
5	Марҳамат		172,1		
6	Шаҳрихон		297,7		
Ғарбий туманлар					
7	Балиқчи	Текислик, чўл зонаси	199,3	Қишлоқ хўжалиги	Экотуризм, агроту- ризм, рекреация, чўл, ов, гастрономик туризм
8	Бўстон		71,7		
9	Улуғнор		59,3		
Шарқий туманлар					
10	Булоқбоши	Текислик, адир, тоғ ва тоғ олди	141,9	Пахтачилик, дончилик, пиллачилик, боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчи- лик, саноат	Экотуризм, тоғ туризми, геотуризм, рекреация, архео- логия, тарихий- маданий, зиёрат, этнографик туризм, қишлоқ туризми, ёшлар бизнес ту- ризм, малакавий иш туризми, агроту- ризм, кўмсаш, соғиниш туризми
11	Жалақудук		184,8		
12	Кўргонтепа		214,8		
13	Хонобод ш.		42,5		
14	Хўжаобод		109,5		
Шимолий туманлар					
15	Избоскан	Текислик ва адир	236,4	Замонавий деҳқончилик ва боғдор- чилик	Экотуризм, агро- туризм, кўмсаш, соғиниш туризми, тарихий маданий

М. Мамажонов томонидан бир қанча хусусиятларига кўра, Андижон вилояти 5 та табиий-географик кичик районларга бўлинган [26; 91-92-б.]. Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотларда Булоқбоши тумани Жанубий кичик районга, Шаҳрихон тумани Шимоли-ғарбий кичик районга киритилган. Бу тадқиқотларда

вилоятнинг табиий географик хусусиятларига эътибор қаратилган. Агар агломерация доирасида олиб қаралса Асака, Шаҳрихон ва Марҳаматни Андижонга йўлдош шаҳарлар, иқтисодий нуқтаи назардан қаралса Асака ва Шаҳрихонни саноат марказлари сифатида Андижон билан бир районга жойлаштириш мумкин.

Бироқ вилоятни туристик мақсадларда районлаштиришда туманларнинг рельефи, географик ўрни, ўзаро яқинлиги, туристик маршрутларни тузишда транспорт йўлларининг қулайлиги, аҳолиси сони, ихтисослашуви ва туристик ресурсларнинг ўхшаш жиҳатларига эътибор қаратилди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Андижон вилоятини туристик районлаштириш картаси 1:570000 масштабда яратилди (3.1-расмга қаранг).

Районлаштирилган туманлар бўйича туристик маршрутларни тузишда қуйидаги тамойиллар ҳисобга олинди:

- ❖ “*Аралаш* (мавзули, рекреация, спорт)” тури;
- ❖ *Мавсумийлиги*: -индустриал-аграр вилоят эканлигини ҳисобга олиб бизнес, савдо, малакавий иш туризми ва агротуризм учун йил бўйи ўтказиладиган маршрутлар;
- Мавсумий маршрутлар (зиёрат, тарихий, экотуризм ва б.)
- ❖ *Трасса тузилишига кўра*, “ҳалқали” ва “аралаш” туристик маршрутлар;
- ❖ *Давомийлигига кўра*, 1-3 кунлик (дам олиш кунларида) ва бир неча соатлик (экскурсиялар) маршрутлар;
- ❖ *Транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳолатига кўра*: -туристик фирма томонидан ажратилган автобус ёки микроавтобус орқали;
- ташқиллаштирилмаган маҳаллий туристлар учун жисмоний шахсларнинг шахсий автомобилларида;
- ❖ *Маршрут мазмунига кўра* табиат қўйнида “дам олиш”, “тоғда дам олиш”, “танишиш, англаш ва зиёрат” каби жиҳатларни ҳисобга олиш зарур.

Мазкур тадқиқотда юқорида қайд этилган туманларни туристик гуруҳларга ажратиш, соҳага оид тушунчалар, туристик маҳсулотларни турлари ва жойлашуви; туристик маршрутни ташкил этиш ва олиб

**“Олтин ҳалқа” туристик маршрути таркибига киритилган
сайёҳлик объектлари¹⁰⁴**

Якка тартибдаги, гуруҳ кўринишидаги ички туризм ёки хорижлик меҳмонлар учун “Водий бўйлаб саёҳат” бренди остида куйидаги қизиқарли, жозибador ва бетакрор туристик маршрутларни таклиф қилиш мумкин.

7. *Андижон-Асака-Шаҳрихон-Марғилон-Фарғона-Риштон-Кўқон-Чуст-Наманган-Чортоқ-Андижон.*

8. *Андижон-Марҳамат-Асака-Шаҳрихон-Қува-Марғилон-Фарғона-Оптиариқ-Риштон-Кўқон-Андижон.*

9. *Андижон-Наманган-Тўрақўрғон-Чуст-Янгиқўрғон-Чортоқ-Андижон.*

Юқорида танлаб олинган бу шаҳарлар маълум бир муддат ичида кўп миқдордаги туристларга хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга. Маршрутларни тузишда транспорт йўлларининг қулайлиги, туристик объектлар атрофидаги коммуникация ва инфратузилма шакллари, туристик хавфсизлик масалалари, объектларнинг аҳамияти, қизиқарлилиги, жозибadorлиги, архитектураси, туристик объектлар ёки улар билан боғлиқ шахсларнинг тарихи, маълумотларни аниқ илмий асосланганлиги эътиборга олинган.

Куйидаги 3.3-жадвалда намуна сифатида “Олтин ҳалқа” (*Андижон ш.-Шаҳрихон-Асака-Марҳамат-Булоқбоши/Хўжаобод-Жалақудуқ-Хонобод-Андижон ш.*) аралаш маршрути дастурига киритилиши мумкин бўлган энг сара қизиқарли ва жозибador туристик объектлар рўйхати тузилди.

Маршрут таркибига киритилган ранг-баранг 58 та объект асосида махсус туристик дастур тузилади. Дастурга юқоридаги туристик объектлардан ташқари жойлаштириш воситалари, бозорлар, бир-бирига туташиб кетган йирик қишлоқлар, миллий чойхона, кафе ва ресторанлар, савдо, бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари киритилади. Маршрут узунлиги 150 км, унинг давомийлиги 4 кун ва 3 тундан иборат бўлиши мумкин. Юқоридаги туристик маршрутларнинг барчаси учун дастурлар тузиш имконияти чекланганлиги сабабли, куйида келтирилган 3.4-жадвалда Хонобод шаҳри ва унинг атрофидаги объектлар бўйича экотуристлик намунавий маршрут дастурини ишлаб чиқамиз.

№	Худудлар	Туристтик объектлар
<i>Андижон ш.- Шаҳрихон-Асака-Марҳамат-Булоқбоши/Хўжаобод-Жалақудуқ-Хонобод-Андижон ш. туристик маршрути</i>		
1.	Андижон ш.	1. Ўлкашунослик музейи 2. Жомеъ меъморий мажмуаси 3. Хунармандчилик этнографик зонаси. “Ғижжаги Бобурий” мусика асбоблари яшаш устaxonаси 4. Адабиёт ва санъат музейи 5. Арк ичи. Бобур уй музейи 6. Девонабой масжиди 7. Қалъа 8. Ахмадбекхожи меҳмонхонаси 9. Хитой элчиxонаси 10. Симхаев савдо уйи 11. Сарвонтeпа 12. Авлиё Николай черкови 13. Обелиск ва хож 14. Қадимги банк биноси 15. Абдулхамид Чўлпон хайкали 16. Муҳаммад Юсуф хйбони 17. Мирпўстин зиёратгоҳи
2.	Шаҳрихон	1. Пансод масжиди 2. Хунармандлар маркази. Пичоқчилар хонадони 3. Гумбаз мадрасаси 4. Доруломон масжиди 5. Ҳазрати билол масжиди 6. Пансод уйи 7. Ўлкашунослик музейи
3.	Асака	1. “GM UzautoMOTORS” к/к. 2. Чўнтак чойхонаси 3. Ўлкашунослик музейи 4. Ҳолид ибн Волид масжиди 5. “Андижон самоси” Тошкенбоевлар дорбозлик мактаби 6. “Олтин асал агро” агросаноат мажмуаси МЧЖ 7. Пистамозор зиёратгоҳи 8. Қўнғирот узумчилик хўжалиги “Сабо ҳамкор” МЧЖ
4.	Марҳамат	1. Мингтепа (Эрши) 2. “Юнусали ота” миллий ўзбек хонадони 3. Бобохуросон маҳалласи “Минг йиллик чинор ва узум сўртакли хонадон”
5.	Булоқбоши/ Хўжаобод	1. Тарих музейи 2. Қирғизбой жомеъ масжиди 3. Ширмонбулоқ 4. “Дўлалани богбон меваси” фермер хўжалиги 5. “Жўралар” чойхонаси 6. Қулоччилик устaxonаси 7. Ҳайвонот боғи 8. “Қора амур” балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги 9. “Имом ота” зиёратгоҳи 10. Манак ота зиёратгоҳи 11. Чилустун, Қиртоштов тоғ зонаси
6.	Жалақудуқ	1. Қутайба ибн Муслим мақбараси 2. Қилич мазор 3. Тешик тош зиёратгоҳи 4. Жанубий Оламушук ва Олтин водий сихатгоҳи
7.	Хонобод ш.	1. Қўштeпа архeологик ёдгорлиги 2. Юнус ота зиёратгоҳи 3. Биби сешанба зиёратгоҳи 4. Фозилмон ота зиёратгоҳи 5. Хонтоғ дам олиш маскани 6. Андижон аския санъати 7. Андижон сув омбори 8. Алтин Ордо дам олиш маскани

Ушбу маршрут доирасида туризмнинг муайян битта тури намуна сифатида танлаб олинди.

3.4-жадвал

Хонобод экотуристтик маршрутнинг намунавий назорат дастури¹⁰⁵

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Шартли мисоллар
Номи ва тури	Ўқув-танишув; Жисмоний-соғломлаштирувчи; этнографик ва б.	“Sharqiy darvoza”- экотуристтик маршрут
Кимлар учун мўлжалланган	Якка тартибда; Гуруҳ; 18-60 ёшлар учун.	Гуруҳ (+ кузатувчилар)
Мақбул гуруҳ ҳажми, киши	Min-3 киши; Мах-15 киши.	10 киши, 40 ёш оралиги
Маршрут давомийлиги, кун	7-соатгача; 7-14 соатгача; 1 сутка.	1 сутка; 12 та тўхташ жойи
Маршрут узунлиги, км	5 км гача, 5-10 км гача, 15 км гача.	15×2=30 км
Мураккаблиги	Енгил, мақбул, мураккаб, жуда мураккаб.	Мақбул
Мавсумийлиги	Баҳор, ёз, куз.	Ёз (25 август)
Транспорт тури	Велосипед, от, автомобиль.	Велосипед, автомобиль, от.
Ҳаракат усули	Пиёда, велосипедда, отда, автомобилда.	велосипедда, автомобилда, отда, пиёда.
Жойлаштириш воситалари	Меҳмонхона, меҳмон уйлари, ўтов, хусусий уй-жой, палаткалар.	Ўтов, хусусий уй-жой
Овқатланиш	Индивидуал пакет, умумий ҳолда.	Умумий
Асосий объектлар	Тоғ, адир, ўрмон, булок, кўл, тўқай, дарё, сув омбор, ландшафтлари, бинолар, урф- одатлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.	1.Хонтоғ 2.Қалин арчазор 3. Алтин ордо дам олиш маскани 4.Фозилмон ота булоғи 5.Сунбий кўл ҳавзаси

3.4-жадвалнинг давоми

		(Делфин) 6.Тўқайзор 7. Боғлар 8.Шоли плантациялари 9. Шолини қайта ишлаш корхонаси (Қадимий обжувоз) 10. Қорадарё ҳавзаси 11. Андижон сув омбори 12. Олчали қишлоғи 13.Қирғиз этнографияси 14.Қоратоғ 15.Тошоҳур ўрмон бўлимидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.
Мутахассислар	Экскурсовод, ошпаз	Экскурсовод- инструктор ≈ 200 000 сўм
Хизматлар нархи	Сўмда	
Иштирокчилар	Сайёҳлар сони	10 киши (жинси-эркак)
Маршрут паспорти	Маршрут чизмаси ва сертификати; Фото ва карта.	Лойиҳа. Хонобод-Тополино- Олчали-Хонобод
Хизмат кўрсатувчилар	Фирма, ЯТТ ва бошқалар	Khan tourist

Мазкур туристик маршрутлар дастлабки синов-тажриба натижалари бўлиб, уларга қўшимча ва ўзгартиришлар, географик ҳудудларнинг ўрни туристик маршрутларни бошланиш ёки охириги нуқтасига нисбатан ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Ишлаб чиқилган янги туристик маршрутларни амалда фойдаланилётган маршрутлардан афзаллик томони шундаки, вилоятда фаолият олиб бораётган меҳмонхона, санаториялар, туристик фирма ва корхоналар учун “Андижон вилоятида туризм яхши ривожланмаган”, деган тушунча ва қарашларни ўзгартиришга сабаб бўлади. Амалда бўлган чизиқли маршрутларда вилоятнинг иккита ёки битта шаҳри иштирок этган бўлса, таклиф қилинган маршрутлар

¹⁰⁵ Жадвал йиғилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Моделлаштириш режаси ва кетма-кетлик асосида курилиш жадвали

трасса тузилишига кўра халқали ва аралаш туркумдаги йўналишлардан иборат.

Айнан мазкур маршрутлар танланганлигининг асосий сабаби вилоятдаги транспорт тўрининг муайян туманларни ўзаро боғлаш нуқтаи назаридан ягона тизимни ташкил этганлиги, вилоят туризм соҳасининг “географик геометрияси”, географик асосини ўзида акс эттирганлиги ҳисобга олинган. Бу маршрутлар вилоят туризмга хос бўлган битта маскан ёки объектда тургун (пассив) ҳолда эмас, балки кўрсатилган йўналишда фаол ҳаракатланиш орқали дам олишни таъминлайди.

3.2-§. Худудлар туристик салоҳиятини баҳолаш ва Андижон вилоятида туризмни ривожлантириш имкониятлари

Мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини баҳолаш соҳадаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз худудларининг туристик салоҳиятини аниқлашга қаратилган илмий изланишларимиз ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади:

- Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари (объектлар) сони;
- Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича санаториялар сони;
- Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича туристик фирма ва ташкилотларнинг сони;
- Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари сони.

Вилоятлар туристик салоҳиятини аниқлашда фақатгина бешта кўрсаткичлардан фойдаланганимизнинг асосий сабаби қолган муҳим кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тўпланган маълумотлар тўлиқ ёки ҳисоблаш ишлари учун етарли эмаслигидир.

Кўрсаткичлар	Биринчи қадам	Математик ифодаси
Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони (объектлар сони)	Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори салмоққа эга бўлган кўрсаткичларни (йиллар бўйича худудлар кесимида) шартли равишда “1” га тенг деб қабул қиламиз ва бошқаларини шунга нисбатан ҳисоблаб чиқамиз.	$\text{MAX}(A_{11}; A_{12}; A_{13} \dots; A_{1n}) = 1$ $A'_{1i} = \frac{A_{1i}}{\text{MAX}(A_{11}; A_{12}; A_{13} \dots; A_{1n})}$
Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича санаториялар сони	Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори салмоққа эга бўлган кўрсаткичларни (йиллар бўйича худудлар кесимида) шартли равишда “1” га тенг деб қабул қиламиз ва бошқаларини шунга нисбатан ҳисоблаб чиқамиз	$\text{MAX}(A_{21}; A_{22}; A_{23} \dots; A_{2n}) = 1$ $A'_{2i} = \frac{A_{2i}}{\text{MAX}(A_{21}; A_{22}; A_{23} \dots; A_{2n})}$
Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича туристик фирма ва ташкилотлар сони	Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори салмоққа эга бўлган кўрсаткичларни (йиллар бўйича худудлар кесимида) шартли равишда “1” га тенг деб қабул қиламиз ва бошқаларини шунга нисбатан ҳисоблаб чиқамиз	$\text{MAX}(A_{31}; A_{32}; A_{33} \dots; A_{3n}) = 1$ $A'_{3i} = \frac{A_{3i}}{\text{MAX}(A_{31}; A_{32}; A_{33} \dots; A_{3n})}$

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида қўйидаги кўринишдаги ҳисоблаш ишлари олиб борилади.

Юқоридаги жадвалда берилган барча “А” лар йиллар кесимида ҳудудларга тегишли кўрсаткичлардир. Штрихланган “А” лар эса штрихланмаган “А” ларнинг шартли кўрсаткичга айлантирилган ҳолатидир. “МАХ” эса йиллар кесимида ҳудудларга тегишли кўрсаткичлар ичида энг катта салмоққа эга бўлган кўрсаткич (максимум) ни ифодалайди.

3.6-жадвал

Моделлаштириш режаси ва кетма-кетлик асосида қурилишнинг иккинчи жадвали

Кўрсаткичлар	Иккинчи қадам	Математик ифодаси
Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони (объектлар сони)	Барча ҳисобланган кўрсаткичлар бўйича ўртача геометригини ҳисоблаб чиқамиз.	$w_1 = \sqrt[n]{A'_{11} \times A'_{12} \times A'_{13} \times \dots \times A'_{1n}}$
Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича санаториялар сони	Барча ҳисобланган кўрсаткичлар бўйича ўртача геометригини ҳисоблаб чиқамиз.	$w_2 = \sqrt[n]{A'_{21} \times A'_{22} \times A'_{23} \times \dots \times A'_{2n}}$
Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича туристик фирма ва ташкилотлар сони	Барча ҳисобланган кўрсаткичлар бўйича ўртача геометригини ҳисоблаб чиқамиз.	$w_3 = \sqrt[n]{A'_{31} \times A'_{32} \times A'_{33} \times \dots \times A'_{3n}}$

Ҳисоблаш ишларининг иккинчи жадвалида берилган барча “w” лар штрихланган “А” ларнинг ўрта геометригини ифодалайди. Ўрта геометригини аниқлаш айнан бирор кўрсаткич бўйича ҳудудларнинг йиллар мобайнидаги ўртача потенциали аниқланади.

3.7-жадвал

Моделлаштириш режаси ва кетма-кетлик асосида қурилишнинг учинчи жадвали

Кўрсаткичлар	Учинчи қадам	Математик ифодаси
Ҳудудлар кесимида ҳар учала кўрсаткичларни умумлаштириб, ҳудуднинг туристик салоҳиятини аниқлаймиз	Ҳудудлар кесимида ҳисобланган кўрсаткичларни ўрта геометригини ҳисоблаймиз	$RP = \sqrt[3]{w_1 \times w_2 \times w_3}$

Ҳисоблаш ишларининг сўнги учинчи жадвалида берилган “RP” ифодаси айнан ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида аниқланган ҳудудларнинг йиллар мобайнидаги ўртача потенциалларининг ўрта геометригини ифодалайди. Ҳудудларнинг барча кўрсаткичлари бўйича потенциалларини умумлаштирган ҳолда жамлангани ўртача характерли потенциални аниқлайди.

Юқоридаги кетма-кетлик асосида ҳисоблаш ишларини олиб борамиз. Авваламбор, статистик маълумотлар асосида жадвални тузиб, сўнгра шу жадвал бўйича қадамма-қадам давом этамиз.

3.8-жадвал тақдим этилган статистик маълумотлардан маълумки, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари (объектлар) сони бўйича Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва Бухоро вилояти мутлоқ етакчилардандир.

Хусусан, 2018 йилги маълумотларга кўра ушбу ҳудудларнинг ҳар бирида жойлаштириш воситалари сони 100 дан ортиқ. Жойлаштириш воситалари 50-100 гача бўлган гуруҳга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари киради. Энг паст 50 тагача кўрсаткичлар Андижон, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё,

Навоий, Сурхондарё, ва Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Табиийки, Тошкент шаҳрини пойтахт эканлиги, таълим, фан, маданият, бизнес ва молиявий марказ эканлиги сабабли у республика туризм инфратузилмасининг асосий қисмига эгалик қилади. Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг тарихий мақоми юқори эканлиги учун бу ҳудудларларга туристларнинг қизиқиши ва ташрифи бошқа минтақаларга нисбатан кўплиги меҳмонхоналарга бўлган талабни оширади.

3.8-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари (объектлар) сони¹⁰⁶

№	Ҳудудлар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	6	32	36	26	40	41	43	44	47	52
2.	Андижон	15	16	16	19	20	21	24	32	25	23
3.	Бухоро	51	59	74	68	79	85	97	104	125	140
4.	Жиззах	9	15	16	16	18	20	17	34	34	45
5.	Қашқадарё	10	23	34	28	43	41	37	44	43	43
6.	Навоий	7	11	15	18	20	23	27	26	30	29
7.	Наманган	9	11	13	21	17	16	18	24	26	26
8.	Самарқанд	50	68	83	80	86	97	104	112	110	116
9.	Сурхондарё	12	26	28	28	28	29	31	35	38	38
10.	Сирдарё	4	11	9	11	7	5	10	11	12	17
11.	Тошкент	13	31	26	27	40	41	45	52	67	78
12.	Фарғона	15	21	25	24	20	46	38	41	49	55
13.	Хоразм	21	24	30	30	33	34	40	46	53	64
14.	Тошкент ш.	87	86	95	87	90	114	130	145	157	190

Биз тадқиқот ишларини олиб бораётган Андижон вилоятида меҳмонхоналар сонининг нисбатан камлиги вилоятда меҳмонхона бизнесига бўлган қизиқиш юқори эмаслигини кўрсатади. Биламизки,

Андижон вилояти аҳолиси тарихан тадбиркорлик қобилияти ва лаёқатига эга бўлган ўзбек халқи вакиллари саналишади. Меҳмонхоналар сонининг камлиги бу бизнес тури орқали олинadиган даромад тадбиркорлар учун қоникарли “планкадан” юқорида эмаслигини, бюрократик тўсиқлар ва қонун ҳужжатларида акс этмаган маълум мажбуриятлар борлигини билдиради.

Минтақадаги мавжуд 23 та меҳмонхоналар асосан бизнес туризм, малакавий иш туризми ва спорт туризми мақсадида ташриф буюрган сайёҳлар ҳисобига фаолият олиб боради. Айнан функционал вазифасига кўра, Namkor, Monferan klassik каби меҳмонхоналар фақат ишбилармонлар учун-умумий типда, идоровий, йиғилишлар, кенгашлар ўтказиш учун режалаштирилган.

Вилоятга дам олиш ёки ҳордик чиқариш мақсадидаги ташрифларнинг камлиги туристик маҳсулотларни таклиф қилишдаги муаммолар билан боғлиқ. Бу ҳолатлар меҳмонхона бизнесини барқарор ривожланишига, солиқлар, кредит тўловлари, ойлик маошлар, коммунал тўловлар каби жойлаштириш воситалари ҳаражатларини оқламайди. Агар, меҳмонхона ўзининг жами қабул қилиш имкониятининг бор йўғи 30-40 фоизидан кам фойданиб ишласа, меҳмонхона бизнеси учун қилинадиган сарф-ҳаражатларни қопламайди.

Андижон вилоятининг туристик салоҳиятида устувор йўналишларни аниқлаш ва уларга ихтисослашиш, параллел равишда меҳмонхона бизнеси билан шуғулланувчи юридик шахслар фаолиятига аралашувни кескин камайтириш орқали вилоят имкониятларини янада яхшилаш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида “...давлат органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашишга йўл қўймаслик...” туризм соҳасида коррупцион ҳаракатларни олдини олади¹⁰⁷. Вилоятга

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикасининг 3 январь 2017 йилдаги ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган

турли назорат-текшируви мақсадидаги марказий давлат органларининг хизмат сафарлари меҳмонхона бизнеси вакиллари фаолиятига таъсир кўрсатади. Ҳокимият ва бошқа органлар таъсири остида ишчи гуруҳ аъзоларини меҳмонхоналарга бепул жойлаштириш ҳолатлари тадбиркорлик субъектлари фаолиятига моддий ва маънавий зарар келтирмоқда. Натижада тадбиркорлар орасида даромадларни яшириш, солиқларни ўз вақтида тўламаслик, носоғлом рақобат муҳити, таниш-билишчилик каби коррупцион ҳаракатлар авж олади.

Юқоридаги ҳисоблаш формулалари орқали биринчи қадамдаги ҳисоблаш ишларини бажарганимизда 3.8-жадвалдаги кўринишидаги қийматлар ҳосил бўлади.

3.9-жадвалидаги меҳмонхоналар сони бўйича энг юқори салмоққа эга бўлган Тошкент шаҳри кўрсаткичларини "1" га тенг, деб оламиз. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари индексининг Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятлари ўртасидаги географик коэффициентлари 11 баробардан ортиқни кўрсатмоқда.

Навбатдаги кўрсаткичлар бўйича маълумотлар жадвалини шакллантириб биринчи қадамдаги ҳисоблаш ишларини давом эттирамиз. 3.9-жадвалда мамлакат ҳудудлари кесимида санаториялар сони келтирилган. Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам энг юқори салмоққа эга бўлган ҳудуд кўрсаткичини шартли равишда "1" га тенг деб оламиз. Қолган ҳудудлар кўрсаткичларини шунга мувофиқ ҳисоблаймиз.

3.9-жадвал маълумотларидан маълумки, Фарғонада 36 та, Тошкент вилояти 31 та, Самарқандда 22 та, Наманганда 17 та ва Тошкент шаҳрида 17 та-санаторияларнинг сони бўйича республикада етакчилик қилмоқда. Тошкент ва Фарғона вилоятларида тоғли ҳудудларнинг мавжудлиги, шифобахш ўсимликлар ва сув ресурсларига бойлиги санаториялар учун қулай фаолият муҳитини яратади.

Андижон вилоятида аҳоли сони кўшни Наманган (2 810.9 минг киши) вилоятидан кўп, Фарғона (3 752.5 минг киши) вилоятига нисбатан камроқ бўлсада, санаториялар сони сезиларли даражада кам эканлигини кузатиш мумкин. Биламизки, Андижон вилоятида ҳам худди Тошкент ва Фарғона вилоятлари каби тоғли ҳудудлар, шифобахш ўсимликлар ва сув ресурслари (шаршара, irmoқлар,

дарёлар ва ҳоказо) мавжуд. Имкониятларнинг тенглиги, ўхшашлиги ва натижаларнинг (санаториялар сони) фарқлиниши Андижон вилояти ўз имкониятларини натижага айлантириш масаласида жиддий муаммолар борлигини англатади.

3.9-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларини (объектлар) баҳоланиши¹⁰⁸

№	Ҳудудлар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	0,069	0,372	0,379	0,299	0,444	0,360	0,331	0,303	0,299	0,274
2.	Андижон	0,172	0,186	0,168	0,218	0,222	0,184	0,185	0,221	0,159	0,121
3.	Бухоро	0,586	0,686	0,779	0,782	0,878	0,746	0,746	0,717	0,796	0,737
4.	Жиззах	0,103	0,174	0,168	0,184	0,200	0,175	0,131	0,234	0,216	0,237
5.	Қашқадарё	0,115	0,267	0,358	0,322	0,467	0,285	0,285	0,303	0,274	0,226
6.	Навой	0,080	0,128	0,158	0,207	0,222	0,202	0,208	0,179	0,191	0,153
7.	Наманган	0,103	0,128	0,137	0,241	0,189	0,140	0,138	0,165	0,166	0,137
8.	Самарқанд	0,575	0,791	0,874	0,919	0,955	0,851	0,800	0,772	0,701	0,610
9.	Сурхондарё	0,138	0,302	0,295	0,322	0,311	0,254	0,238	0,241	0,242	0,200
10.	Сирдарё	0,046 1	0,128	0,095	0,126	0,078	0,04	0,077	0,076	0,077	0,089
11.	Тошкент	0,149	0,360	0,273	0,310	0,444	0,360	0,346	0,359	0,427	0,410
12.	Фарғона	0,172	0,244	0,263	0,276	0,222	0,403	0,292	0,283	0,312	0,289
13.	Хоразм	0,241	0,279	0,315	0,345	0,367	0,298	0,308	0,317	0,338	0,005
14.	Тошкент ш.	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

Юқоридаги 3.10-жадвалда кўрсатилган маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятда 11 та санатория мавжуд бўлиб, шундан 5 таси вилоят туризмни ривожлантириш бошқармаси ва касаба уюшмаси кўмиталари билан биргаликда фаолият олиб боради. Улардаги мавжуд койкалар сони 430 тани ташкил қилиб, вилоятдаги меҳнатга яроқли ва

¹⁰⁸ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

ундан юқори ёшдаги аҳоли сонига тақсимланганда ҳар 50 403 кишига битта жой (койка) тўғри келмоқда. Вилоятнинг Жалақудук, Булоқбоши, Пахтаобод, Андижон, Асака ва Марҳамат туманларида турли ихтисосликлар бўйича санаториялар мавжуд. Бироқ уларнинг ҳозирги моддий-техник ҳолати рекреантларни қабул қилиш учун яроқли эмас.

3.10-жадвал
Ўзбекистон Республикасидаги санаториялар сони¹⁰⁹

№	Худудлар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	8	10	12	11	11	10	10	10	10	10
2.	Андижон	10	8	10	10	10	9	8	10	9	11
3.	Бухоро	5	6	5	3	3	3	3	3	3	3
4.	Жиззах	4	3	4	5	8	4	5	11	10	13
5.	Қашқадарё	10	8	9	11	13	13	13	11	12	13
6.	Навоий	5	5	5	5	5	6	6	6	7	7
7.	Наманган	15	14	13	14	13	14	13	16	17	17
8.	Самарқанд	3	8	11	11	13	13	18	21	21	22
9.	Сурхондарё	9	6	7	10	12	9	10	9	12	12
10.	Сирдарё	3	2	2	2	2	2	1	1	1	0
11.	Тошкент	24	23	24	26	23	23	24	25	25	31
12.	Фарғона	29	27	25	19	26	43	40	39	31	36
13.	Хоразм	4	5	5	5	5	4	4	4	4	7
14.	Тошкент ш.	21	19	17	10	10	14	15	17	13	17

Жадвалда берилган маълумотлар бўйича биринчи қадамда ҳисоблаш ишлари натижаларини жадвал кўринишига келтирамиз. Энг юқори салмоққа эга бўлган Фарғона вилояти кўрсаткичларини "1" га тенг қилиб оламиз. 3.11-жадвалда фақатгина 2012 йилда энг катта кўрсаткич Тошкент вилоятига тўғри келиб, қолган барча йилларда

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

санаторийлар сонига кўра, Фарғона вилояти энг юқори салмоққа эга бўлган. Рекреация салоҳияти энг паст даражадаги ҳудуд сифатида Сирдарё вилояти 0,001 кўрсаткичларда эътироф этилмоқда.

3.11-жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги санаториялар ҳудудлар кесимида баҳоланиши¹¹⁰

№	Худудлар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	0,276	0,370	0,480	0,423	0,423	0,232	0,250	0,256	0,322	0,278
2.	Андижон	0,345	0,296	0,400	0,384	0,385	0,209	0,200	0,256	0,290	0,305
3.	Бухоро	0,172	0,222	0,200	0,115	0,155	0,070	0,075	0,077	0,097	0,083
4.	Жиззах	0,138	0,111	0,160	0,192	0,308	0,093	0,125	0,282	0,323	0,361
5.	Қашқадарё	0,245	0,296	0,360	0,423	0,500	0,302	0,325	0,282	0,387	0,361
6.	Навоий	0,172	0,185	0,200	0,192	0,192	0,139	0,150	0,154	0,226	0,194
7.	Наманган	0,517	0,518	0,520	0,538	0,500	0,326	0,325	0,410	0,548	0,472
8.	Самарқанд	0,103	0,296	0,440	0,423	0,500	0,302	0,450	0,538	0,677	0,611
9.	Сурхондарё	0,310	0,222	0,280	0,385	0,461	0,209	0,250	0,231	0,387	0,333
10.	Сирдарё	0,103	0,074	0,080	0,077	0,077	0,046	0,025	0,026	0,030	0,001
11.	Тошкент	0,828	0,852	0,960	1	0,885	0,535	0,600	0,641	0,806	0,861
12.	Фарғона	1	1	1	0,731	1	1	1	1	1	1
13.	Хоразм	0,138	0,185	0,200	0,192	0,192	0,093	0,100	0,103	0,129	0,194

3.12-жадвалда мамлакат ҳудудлари кесимида туристик фирма ва ташкилотлар сони бўйича статистик маълумотлар келтирилган. Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам энг юқори салмоққа эга бўлган ҳудуд кўрсаткичини шартли равишда "1" га тенг деб оламиз. Қолган ҳудудлар кўрсаткичларини шунга мувофиқ ҳисоблаймиз.

Ушбу жадвалда республикамиз ҳудудлари кесимида йиллар бўйича фаолият юритаётган туристик фирма ва ташкилотлар сони

¹¹⁰ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

статистик маълумотларда келтирилган. Ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент шаҳри мутлоқ етакчи саналиб, ўз навбатида, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари кейинги ўринларни эгаллаган. Республика бўйича туристик фирмалар ва ташкилотлар сони 2009 йилга нисбатан 2018 йилда 49,4 фоизга ўсган. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичларига кўра, туроператорлар сони 2019 йилда 983 та, 2025 йилга бориб улар 1450 нафарга етказилиши режалаштирилган¹¹¹.

3.12-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи туристик фирма ва ташкилотларнинг ҳудудлар кесимида баҳоланиши¹¹²

№	Ҳудудлар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	0,048	0,022	0,013	0,028	0,026	0,012	0,017	0,013	0,009	0,018
2.	Андижон	0,042	0,022	0,021	0,028	0,026	0,016	0,010	0,019	0,028	0,023
3.	Бухоро	0,131	0,059	0,081	0,056	0,060	0,047	0,062	0,054	0,056	0,103
4.	Жиззах	0,001	0,004	0,013	0,004	0,008	0,008	0,007	0,019	0,019	0,026
5.	Қашқадарё	0,089	0,032	0,026	0,020	0,026	0,012	0,014	0,016	0,019	0,020
6.	Навоий	0,030	0,013	0,017	0,024	0,021	0,008	0,010	0,013	0,012	0,018
7.	Наманган	0,018	0,004	0,004	0,004	0,004	0,003	0,003	0,006	0,003	0,006
8.	Самарқанд	0,405	0,190	0,189	0,185	0,205	0,180	0,178	0,178	0,178	0,177
9.	Сурхондарё	0,024	0,004	0,004	0,008	0,008	0,008	0,014	0,019	0,019	0,015
10.	Сирдарё	0,001	0,001	0,004	0,016	0,008	0,008	0,003	0,003	0,003	0,003
11.	Тошкент	0,018	0,036	0,013	0,024	0,021	0,016	0,012	0,013	0,016	0,018
12.	Фарғона	0,042	0,018	0,026	0,036	0,008	0,008	0,014	0,009	0,012	0,027
13.	Хоразм	0,083	0,009	0,013	0,008	0,013	0,016	0,014	0,016	0,025	0,023
14.	Тошкент ш.	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

¹¹¹ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясига илова

¹¹² Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Андижон вилояти 2009-2018 йиллардаги кўрсаткичлар бўйича жуда катта фарқ билан ортда бормоқда. Бу ҳолатга Андижон вилояти аҳолиснинг даромадларини хорижий давлатларга туристик мақсадларда бориш учун етарли эмаслиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Тошкент шаҳри билан таққосланганда фикримиз ўз исботини топади. 2018 йилда Тошкент шаҳри аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад 13447,4 минг сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткичлар бўйича минтақа аҳолиснинг реал даромадлари 8174,5 минг сўмга тенг бўлган¹¹³. Шу билан бирга демографик ва психологик омиллар туроператорларга бўлган талабга ўз таъсирини кўрсатади. Юқорида туроператорларга бўлган талабга ўз таъсирини кўрсатади. Юқорида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар натижасида республика бўйича 2019 йилда туроператорлар сони 1482 тага етказилди¹¹⁴. Шунга мос равишда Андижон вилояти бўйича уларнинг сони 36 тани ташкил қилди¹¹⁵. Баъзан туроператорлар сонининг камлиги қадимий тарихий меъморий объектлар, уларнинг тарқок жойлашганлиги билан ҳам изоҳланади. Кўп ҳолларда вилоят тадбиркорларини Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларга тижорат мақсадларидаги сафарлари туроператорлар томонидан амалга оширилаётганлиги тадқиқотлар жараёнида ўрганилди.

Мос равишда 3.12-жадвал маълумотлари асосида биринчи қадам бўйича ҳисоблаш ишлари олиб борилди ва жадвал кўринишига келтирилади. Туроператорлар сони бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган Тошкент шаҳри кўрсаткичи “1” га тенглаштириб олинди. Мамлакатмизда 2018 йилда фаолият олиб борувчи туристик фирмалар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича баҳоланиш индексига кўра Самарқандда 0,177, Бухорода 0,103 га тенг бўлиб, Тошкент шаҳрига энг яқин юқори кўрсаткичлар ҳисобланади. Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари кўрсаткичлари бошқа минтақаларга

¹¹³ <https://stat.uz/uz/ochiq-malumatlar>

¹¹⁴ Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси Ахборот-таҳлил бошқармаси ва “Silk Road Office” маълумотлари.

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари.


нисбатан таққосланса, кескин тафоввутлар мавжуд эканлигини кузатиш мумкин.

Юқорида худудларнинг туристик салоҳиятини аниқлаш учун моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари сони тўғрисидаги маълумотларни кўшиш орқали янада шаффофрок натижага эришилади, деб ҳисоблаймиз (12-иловага қаранг).

Республика худудлари кесимида моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари таркибига жами 8208 та обидалар киритилиб, шундан археология объектлари (4785 та), архитектура объектлари (2265 та), маҳобатли санъат объектлари (628 та) ва диққатга сазовор жойлар (530 та) рўйхатга олинган. Ушбу объектларга энг бой худуд Самарқанд вилояти эканлиги жадвалдан кўриниб турибди. Моддий маданий мерос объектларини худудий баҳолаш индекси бўйича Самарқанд вилояти кўрсаткичлари "1" га тенглаштириб олинди. Бу вилоятга энг яқин Қашқадарё 0,913, вилояти салоҳияти баҳоланди. Бухоро ҳамда Тошкент вилоятлари 0,516 ва 0,515 кўрсаткичлар билан ўртача кўринишга эга. Энг кам кўрсаткичларга янги ўзлаштирилган Сирдарё вилояти эгалик қилмоқда. Моддий маданий мерос объектларининг миқдори бўйича Андижон вилояти 422 та кўрсаткичларга эга бўлиб, баҳолаш индексига кўра, ўртачадан паст 0,263 салмоққа эгадир. Бу борада таҳлил қилинаётган Андижон вилоятининг салоҳиятини Жиззах ва Навоий вилоятлари билан тенг баҳолаш мумкин.

Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари кўрсаткичининг кўшилганлиги худудлар туристик салоҳиятини янада аниқроқ кўрсатади (13-иловага қаранг). Андижон вилоятининг мавжуд бўлган, аммо фойдаланилмаётган туристик салоҳиятини кўрсатади. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари сони кўрсаткичи бўйича ҳаттоки Тошкент шаҳридан ҳам юқори ўринда туриши, аммо умумий салоҳиятда 4,3 марта ортда экани ажабланарли ҳолатдир. Республиканинг туристик маркази бўлган Самарқанд вилояти (0,404217) билан таққосланганда Андижон вилоятининг (0,134415) умумий туристик салоҳияти 3 мартага кам эканлигини кузатиш мумкин. Лекин, Бухоро (0,141972), Қашқадарё (0,199195), Тошкент

(0,184155), Навоий (0,113975) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (0,131902) кўрсаткичлари таҳлил қилинаётган вилоят туристик салоҳиятига яқин баҳоланди.



3.2-расм. Республика худудларининг таққослама туристик салоҳияти
1-Қорақалпоғистон Р, 2-Андижон, 3-Бухоро, 4-Жиззах, 5-Қашқадарё, 6-Навоий,
7-Наманган, 8-Самарқанд, 9-Сурхондарё, 10-Сирдарё, 11-Тошкент в,
12-Фарғона, 13-Хоразм, 14-Тошкент шаҳри.

Юқоридаги 3.2-расмда вилоятларнинг таққослама туристик салоҳияти янада аниқроқ кўринган. Вилоятларни баҳолашда моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини таҳлил қилиниши худудларнинг туристик салоҳиятини ўзгаришига сабаб бўлди. Тошкент шаҳрида маданий мерос объектларининг сони кам бўлишига қарамасдан етакчиликни сақлаб қолмоқда. Тошкент шаҳри билан Самарқанд вилоятидаги фарқ 1.4 баробарни ташкил қилди. Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари кўшиб ҳисобланганда худудлар ўртасидаги тафоввутлар бироз камайгани сезилди. Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари туристик салоҳияти деярли тенг даражада ривожланган эканлигини кузатиш мумкин.

Ушбу параграфда олиб борилган тадқиқот хулосаларига кўра, Республика туристик салоҳиятини аниқлаш орқали вилоятларга мавсум давомида туристларни жалб қилишни тўғри баҳолаш

имкониятлари пайдо бўлади. Вилоятларнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини ўрганиш натижасида туристик салоҳияти юқори бўлган, лекин ундан фойдаланиш даражаси паст бўлган ҳудудларни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилади. Туристтик салоҳияти юқори бўлган Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони ҳамда турларини кўпайтириш, улардаги ўринларни ошириш борасида қарорлар қабул қилиш имкони туғилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, Андижон вилоятининг республика туристик салоҳиятида тутган ўрни 7-ўринда эканлиги аниқланди. Вилоят салоҳияти юқори баҳоланиб, табиий, ижтимоий, иқтисодий ва демографик омилларга нисбатан таққосланса, салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги маълум бўлди.

Андижон вилоятидаги меҳмонхоналарда дам олиш билан боғлиқ хизматлардан ташқари бизнес ва спорт тадбирлари, музокаралар, йиғилишлар, учрашувлар ҳамда спорт мусобақалари, ОАВ учун пресс конференциялар ўтказишга ихтисослаштирилган хизматларни ҳам йўлга қўйиш вилоятда меҳмонхона бизнесини янада ривожлантиради. Бу каби кўп тармоқли меҳмонхоналар ҳафтанинг иш кунларида ишбилармонлар билан банд бўлса, дам олиш кунлари ҳордик чиқарувчилар билан тўлдирилади.

3.3-§. Андижон вилоятида ички туризмни ривожланишини прогноз кўрсаткичлари

Мамлакатлар туризмнинг самарали ривожланишида иқтисодий омиллар ўзига хос ўринни эгаллайди. Иқтисодий омиллар ҳудудлар иқтисодиёти ва туризмни ривожланишида сезиларли таъсирга эга. Муайян бир давлатнинг ривожланганлик даражаси унинг миллий даромадининг юқорилиги ва фуқароларнинг моддий фаровонлиги билан бевосита боғлиқ. Иқтисодиёти ривожланган Европа мамлакатлари жаҳон туризм бозорида ички туризм кўрсаткичлари бўйича етакчилик қилади.

Республикамиз вилоятларида туризм соҳасини ривожлантиришда, энг аввало, ҳудуднинг географик ўрни, табиати, рельефи, мавжуд туристик объектларнинг қай даражада (ҳалқаро, республика ва маҳаллий) аҳамиятли эканлиги, иқтисодий салоҳияти, аҳолининг харид қобилияти каби омиллар муҳим саналади.

Иқтисодий омилларнинг туристик оқимга таъсирини прогнозлаш мақсадида қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, А.Диланчев томонидан Грузияга 2006–2011 йилларда 33 та мамлакатдан амалга оширилган туристик оқимлар гравитация модели ёрдамида таҳлил этилган. Моделдан олинган натижаларда "...паст суръатли инфляция, аҳоли сонининг юқорилиги ва масофанинг кичик бўлиши Грузияга ташрифлар сонига ижобий таъсир қилади", дейилади [80; 407-411-б.].

Шунингдек, гравитация моделидан Испанияда Гарин-Муноз ва Амарал [78; 525-529-б.], Туркияда Эрйигит ва бошқалар [77; 585-595-б.] томонидан, Хитой Халқ Республикасида Ли ва бошқалар [80; 526-544-б.] минтақалар туристик оқимига иқтисодий омилларни таъсир даражасини баҳолашда фойдаланишган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Н.Н.Сафарова томонидан миллий туризм тизимига макроиқтисодий омиллар таъсирини аниқлаш орқали туризм салоҳиятидан фойдаланиш бўйича мамлакатлараро нисбий устунликлар даражаси аниқланган [91; 8-б.].

А.А.Эштаевнинг туризм соҳасини эконометрик моделлар орқали таҳлилий ўрганишларида туризмнинг даромадлигини таъминлашга хизмат қилувчи омиллар, Ўзбекистонга кирувчи туристлар сонининг ўзгариш динамикаси, шунингдек, уларнинг соҳа фаолиятига таъсирини баҳолаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган [94; 28-б.].

Биз тадқиқот олиб бораётган Андижон вилоятининг туризмга ихтисослашувида ички туризм устувор ҳисобланади. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- халқаро даражадаги аҳамиятга эга бўлган туристик объектларнинг камлиги (Самарқанд ва Бухоро вилоятлари билан таққослаганда, бу фарқ яққол сезилади), мавжудларини тарқоқ ҳолда жойлашганлиги;

- аҳоли жон бошига ялпи даромадларнинг (1897,8 минг сўм) нисбатан пастлиги (Тошкент шаҳри (5824,1 минг сўм) ва Тошкент вилояти (2531,3 минг сўм) билан таққосланганда, сезиларли даражада фарқланади ¹¹⁶);

- Фарғона водийсини республикамизнинг бошқа вилоятлари билан боғловчи автомобиль транспорти инфратузилмасини хавфсизлик талабларига тўлиқ мос эмаслиги;

- худуд инфратузилмаси ҳамда хизматлар соҳасидаги моддий-техник базанинг етарли даражада эмаслиги ва бошқалар.

Андижон вилоятининг периферияда жойлашганлиги, йирик тарихий туристик марказлардан узоқдалиги аҳолини асосан минтақа ичида ва Фарғона водийси бўйлаб саёҳат қилишларига сабаб бўлади. Шунингдек, худуд ичида амалга ошириладиган қисқа муддатли сафарлар сонининг юқорилиги вилоятнинг табиий шароити, иклими, тоғ, дарё ва сой бўйларидаги дам олиш масканларининг кўплиги билан ҳам боғлиқдир. Ички туризмда аҳолининг фаоллиги ва туристлар оқимининг юқорилиги бўйича Андижон вилояти республикамизнинг бошқа вилоятларига нисбатан етакчи ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларимизнинг исботи қуйида келтирилган 3.13-жадвалда акс этган:

Ушбу жадвалда берилган кўрсаткичларнинг барчасида 2016 йилга нисбатан 2019 йилда юқори суръатдаги ўсиш кўрсаткичлари қайд этилган. Айниқса, ишга доир ва касбий мақсадлардаги сафарлар (1,7 баробар) ҳамда қариндошлар ва танишларини кўргани бориш сафарлари (1,8 баробар)да жуда юқори ўсиш кузатишган. 2019 йилда ишга доир ва касбий мақсадларда 7828,5 мингта сафар амалга оширилган бўлиб, республиканинг 8 фоиз кўрсаткичи (625,1 мингта) Андижон вилояти ҳиссасига тўғри келади. 2018 йилдаги сафарлар сони бўйича минтақа Самарқанд (1067,6), Жиззах (908,5), Наманган (875,9) ва Фарғона (599,8) вилоятларидан кейинги (583,1) 5-ўринни эгаллаган. 2019 йилда вилоят бўйича ички туризмда 17421,4 мингта сафарлар ташкил этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 1.2 баробарга ўсганлигини кузатиш мумкин.

2016 - 2019 йилларда Андижон вилоятида
(Ўзбекистон Республикаси) ички туризмнинг ривожланиши
алоҳида кўрсаткичлари ¹¹⁷.

	2016	2017	2018	2019
Худуд (мамлакат) ичида амалга оширилган сафарлар сони (минг сафар)	14180,7 (94186,7) ¹¹⁸	14982,9 (106814,3)	16251,3 (119094,1)	17421,4 (127668,9)
Таътил, бўш вақт ва дам олиш	6707 (26513,1)	6606,5 (29378,7)	6836,8 (31294,2)	7329 (33547,4)
Қариндошлар ва танишларини кўргани бориш	448,7 (15953,9)	611,6 (17659,3)	752,2 (20573,1)	806,4 (22054,4)
Таълим ва касбий тайёргарлик	1043,6 (2692,2)	1239,1 (3813,4)	1351,3 (4377,8)	1448,6 (4693)
Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари	2217,6 (11650,9)	2355,6 (13301,8)	2773,4 (14986,9)	2973,1 (16066)
Диний жойлар ва зиёратгоҳларга ташриф	2080,9 (16574,7)	2170 (191110)	2278,5 (21055,2)	2442,6 (22571,2)
Харидларни амалга ошириш	694,7 (8568,9)	615,5 (8860,6)	746,3 (9957,8)	800 (10674,8)
Бошқа шахсий мақсадлар	624,8 (7169,8)	857,8 (8306,2)	929,7 (9546,4)	996,6 (10233,7)
Ишга доир ва касбий мақсадлар	363,4 (5063,2)	526,8 (6383,3)	583,1 (7302,7)	625,1 (7828,5)

Мамлакат ичида амалга оширилган сафарлар сони бўйича Андижон вилоятининг республикадаги улуши 2019 йилда 13,6 фоизни ташкил қилган. 2018 йилда бу кўрсаткичлар бўйича Андижон вилоятдан кейинги ўринларни Фарғона (14309,2), Самарқанд (11106,0) ва Қашқадарё (10434,3) вилоятлари эгаллаган ¹¹⁹.

Вилоятлар туристик салоҳиятидан келиб чиқиб ўрганилаётган худудга яқин ва узоқ истиқболда ташриф буюрувчи туристлар сонини

¹¹⁷ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹¹⁸ Қавс ичида республика миқёсидаги кўрсаткич берилган.


¹¹⁹ 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Т.-2019. 8 б.

аниқлаш зарур. Ушбу прогноз қилинган кўрсаткичлар асосида соҳани ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари белгиланади.

Юқоридаги берилган жадвал маълумотлари бўйича Андижон вилоятига тегишли бўлган қўйидаги кўрсаткичларни прогноз қиламиз:

- ҳудуд ичида амалга оширилган сафарлар сони;
- таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги сафарлар сони;
- даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони;

Ушбу кўрсаткичларни прогнозлаштириш учун, авваламбор, даврий қаторлар шаклидаги жадвалимиздан фойдаланган ҳолда, энг кичик квадратлар методи орқали чизиқли функцияларни кураимиз. Сўнгра ўзгарувчига кетма-кетликда ўсиб бориш тартибида қийматлар берилган ҳолда прогноз кўрсаткичлари аниқланади.



3.3-расм. 2016 - 2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятида ички туризмнинг ривожланиш кўрсаткичи (сафарлар сони, минг та)

Энг кичик квадратлар методи орқали қуйидаги кўринишдаги чизиқли функция қурилади:

$$y=a+bx$$

Бу ерда:

у – Андижон вилоятига тегишли бўлган ички туризм кўрсаткичлари;

- Ҳудуд ичида амалга оширилган сафарлар сони;
- Таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги сафарлар сони;
- Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони;

а – озод ҳад;

б – ўзгарувчига кўпайтирилувчи коэффициент;

х – ўзгарувчи.

Қурилиши лозим бўлган чизиқли функция (модел) даги “а” ва “б” лар қуйидагича аниқланади:

$$\begin{cases} a \sum_{i=1}^n x_i^2 + b \sum_{i=1}^n x_i = \sum_{i=1}^n x_i y_i \\ a \sum_{i=1}^n x_i + bn = \sum_{i=1}^n y_i \end{cases}$$

3.14-жадвал¹²⁰

2020-2021 йиллар учун Андижон вилояти ички туризм кўрсаткичларининг прогнозлари (мингта)

№	Кўрсаткич номи	2020	2021
1.	Ҳудуд ичида амалга оширилган сафарлар сони	18456,7	19555,7
2.	Таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги сафарлар сони	7393,9	7603,5
3.	Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони	3251	3519,4

Юқоридаги берилган (2) формулалар орқали олиб борилган ҳисоблаш ишлари натижасида қуйидаги чизиқли функция (модел)лар келиб чиқади:

¹²⁰ Жадвал муаллиф томонидан ишланган

1) $y=12961,45+1099,05x$; (Худуд ичида амалга оширилган сафарлар сони бўйича)

2) $y=6345,75+209,63x$; (Таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги сафарлар сони бўйича)


3) $y=1908,85+268,43x$; (Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони бўйича)

Ҳисоблаш ишлари натижасида қурилган чизикли функция (модел)лар бўйича тегишли кўрсаткичлар бўйича 2020-2021 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини “х” га ўсиб бориш кетма-кетлигида қиймат бериш орқали ишлаб чиқамиз.

2020 йилда 2019 йилга нисбатан ҳудуд ичида амалга оширилган сафарлар сони 6 фоизга, бу кўрсаткичлар 2021 йилда эса 12 фоизга ўсиши ҳисоблаш натижаларига кўра прогноз қилинган.

Таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги сафарлар сони ҳам 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 64,9 тага, 2021 йилда эса 274,5 тага ортиши ҳисоблаб чиқилди. 2018 йилдаги статистик маълумотларга кўра, республика бўйича таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги уюштирилган сафарлар Андижон вилояти бўйича 6836,8 мингтани ташкил қилган. Бу рақамлар республика кўрсаткичининг (31294,2) 21,8 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда туризм саноати ривожланган Бухоро вилоятининг бу борадаги кўрсаткичлари Андижон вилоятидан 9,1 марта, Самарқанд вилояти 4,5 марта, Хоразм вилояти 3.0 марта, Тошкент шаҳри эса 1,6 мартага кам эканлигини таъкидлаш мумкин¹²¹. Сафар мақсадларига кўра олинган ҳисоблаш натижаларига асосланиб, Андижон вилоятида аҳоли зичлигининг юқорилиги, хилма-хил рельеф шакллари, дам олиш масканларининг кўплиги каби қатор табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллар вилоятда ички туризмни ривожлантиришда кўпроқ самара беради. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Андижон вилоятининг 1:570000 масштабдаги туристик картаси яратилди (3.4-расмга қаранг).

¹²¹ 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. -Т.: 2019. -8-б.



3.4-расм Андижон вилояти туристик картаси.

Шу билан бирга, даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони ҳам вилоятда йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ҳисоблаш натижаларига кўра, прогноз қилинаётган 2020 йилда бу мақсаддаги сафарлар сони 2019 йилга нисбатан 277,9 тага кўп бўлиши кутилмоқда. 2021 йилда эса бу рақамлар 546,3 тага ортиши прогноз қилинди. Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони бўйича ҳам Андижон вилояти республикада етакчилик қилади. 2019 йилда ушбу мақсадларда аҳоли томонидан 2973,1 минг марта сафарлар уюштирилган. Бу рақам республика кўрсаткичларини (16066) 18,5 фоизини ташкил этган. 2018 йилдаги статистик маълумотларга кўра даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони бўйича Андижон вилояти аҳолиси (2773,4) республикада энг юқори кўрсаткичларни қайд этган. Кейинги ўринларни Қашқадарё (1980,4), Наманган (1681,2), Самарқанд (1579,4) ва Фарғона (1532,3) вилоятлари эгаллайди.

Бугунги кунда республика бўйича шифохоналар сони жами 1165 тани ташкил қилиб, шундан 144 таси Тошкент шаҳрида бўлса, 139 таси Андижон вилоятида жойлашган¹²². Ушбу муассасалардаги ўрин (койка)лар сони 14526 тани ташкил қилади. Йил давомида 627127 киши мазкур тиббиёт муассасаларида даволаниб чиққан. Шунингдек, минтақада 102 та кичик корхоналар ва микрофирмалар тиббиёт соҳасида фаолият олиб боради. Ушбу муассасалардаги ўринлар сони 4032 та бўлиб, йил давомида 68 120 та беморларга хизмат қилган.

Туманлар кесимида тиббиёт муассасалари географияси ўрганилса, Андижон шаҳрида 49 та, Шаҳрихонда 13 та, Асакада 12 та, Избоскан туманида 11 та шифохоналар жойлашганлигини кузатиш мумкин¹²³. Юқоридаги маълумотлар ва прогноз натижаларига кўра, Андижон вилоятида рекреация ва тиббиёт туризмини янада ривожлантириш ҳудуд иқтисодиёти учун катта самара беради.

Ушбу прогнозлаштирилган кўрсаткичлар фақатгина даврий қаторлар ёрдамида ишлаб чиқилган бўлиб бошқа таъсир этувчи омиллар ҳисоблаш ишларига киритилмаган.

¹²² <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6551-43563453>

¹²³ <http://www.andstat.uz/uploads/docs/>

Аслида эса 2020 ва 2021 йиллар учун ушбу кўрсаткичлар коронавирус (COVID-19) сабабли бутунлай ўзгариб кетади. Пандемия сабабли бутун дунёда иқтисодиёт онгли равишда “ўчириб” қўйилди. Мамлакатлар карантин асосидаги ёпиқ тизимга ўтишди. Натижада туризмнинг ҳаракати “0” га тенг бўлди. Коронавирус сабабли туризмнинг яқин истиқболдаги прогнозлари қуйидаги сценарийларда давом этиши мумкин:

1. Касалликка даво топилади ва қисқа муддат ичида туризм яна қайта тикланади. 2019 йилда Ўзбекистонга 6 млн. 700 минг нафар сайёҳ келган. Жорий йилнинг 1 январидан 15 мартгача Ўзбекистонга 1 млн. 200 мингга яқин хорижлик туристлар ташриф буюрди¹²⁴. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30-40 фоиз юқори бўлди. Бироқ май ойида 2019 йилда 496 минг хорижий меҳмон келган бўлса, бу йил май ойида Ўзбекистонга 400 нафар хорижликлар келди. Бундай ҳолат туризм соҳасида фаолият олиб бораётган 260 мингдан ортиқ одам ишсиз ва даромадсиз қолганини билдиради. 2016 йилда Ўзбекистонга 1 млн. 300 нафар сайёҳ ташриф буюриб, 400 млн АҚШ доллари атрофида хизматлар экспорт қилинган эди. COVID-19 пандемияси таъсирида йил якунларига кўра, мамлакат туризмида 2016 йил кўрсаткичлари такрорланиши мумкин.

2. Касаллик доимий мавсумий характерга эга бўлиб қолади ва натижада туризмнинг ривожланиши учун инсонларнинг пандемия шароитига адаптацияси талаб этилади. Белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда “яшил” ва “сарик” тоифадаги ҳудудларда ички туризмни қайта йўлга қўйиш билан биргаликда ёндош ташкилотларнинг (туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектлари ҳамда бошқалар) фаолиятини қайта тиклайди¹²⁵.

3. Касалликка даво топилган ҳолатда қисқа муддат ичида касаллик чекинади, аммо мутацияга учраган ҳолда яна янги тўлқинларини олиб

¹²⁴ <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/>

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4755 сонли 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори.

келади. Яъни доимий курашиш талаб этилади. Бу шароитда туризм соҳасида очиклик ва ёпиклик ҳолатлари тез-тез ўзгартириб турилади. Мамлакатда ички туризмни ривожлантириш имкони яратилади. Пандемия даври якунигача мамлакатдаги турпакетлар диверсификация қилинади. Худудларнинг ички туризм инфратузилмасини модернизациялаш эвазига хорижга саёҳат қилишни хоҳловчи фуқаролар оқимини мамлакат бўйлаб йўналтириш имконияти туғилади.

4. COVID-19 пандемияси даврида Андижон вилоятининг Андижон ва Хонобод шаҳарлари, Хўжабод, Марҳамат, Шаҳрихон ҳамда Улугнор туманларида ички туризмни диверсификациялаш борасида лойиҳалар амалга оширилмоқда. Вилоятда “бизнес туризми” ва “саноат туризми”ни ҳам фаол ривожлантириш кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчилар учун ҳам стимул вазифасини бажаради.

Вилоятда туристик фирмаларнинг сушт даражадаги фаолиятига вилоятда туристик транспорт компанияларининг мавжуд эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Агар транспорт корхоналари ташкил қилиниб, уларни молиявий ва ҳуқуқий асосларидаги муаммолар бартараф этилса, Андижон вилояти туризм соҳасида сезиларли ўзгаришлар кузатилади.

Андижон вилоятининг табиий ва демографик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, вилоятда меҳнатга яроқли ва ундан юқори ёшдаги аҳоли қатлами, қўшни вилоятлар, Қирғизистонлик сайёҳлар учун социал туризмни ривожлантириш, уларни дам олиши, саломатликларини қайта тиклашлари учун салоҳиятли туманларда дам олиш уйлари, пансионатлар, болалар оромгоҳлари ва санаторияларни кўпайтириш ёки реконструкция қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда вилоятдаги туроператорлар фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Уларнинг туризмга бир томонлама ёндашуви, қизиқарли туристик маршрутларни амалга оширишга бўлган пассив қарашлари, ўзаро рақобат муҳитини сушт даражадалиги, туристик фаолият билан шуғулланувчи бошқа тадбиркорлик субъектларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

ХУЛОСА

Андижон вилояти мисолида олиб борилган илмий тадқиқотнинг якунида қуйидаги илмий хулосаларга эришилди:

1. Туркия, Болгария, Миср каби ривожланаётган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда туризмни ташкил этишни ваколатли давлат бошқарув органлари орқали давлат-хусусий шерикчилик механизмлари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Россиянинг “Олтин халқа” тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда Фарғона водийси шаҳарларида бу тажрибани ривожлантириш ижобий натижа беради. Хитой ва Япония мамлакатлари тажрибасидаги “Олтин ҳафта” ёки “Арзон нархлар” деб номланган имтиёзли таътил кунларини Ўзбекистонда ҳам кенг жорий қилиниши ички туризмни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

2. Мамлакатимизда туристик салоҳияти бўйича Тошкент шаҳри мутлоқ устунлик қилмоқда. Иккинчи ўринда турувчи Самарқанд вилояти кўрсаткичлари Тошкент шаҳридан 2,6 баробар кам эканлиги аниқланди. Андижон вилоятининг мавжуд (фойдаланилаётган) туристик салоҳияти Тошкент шаҳридан 7,2 баробар, Самарқанд вилояти салоҳиятидан қарийб 2,8 баробар камлиги, Сирдарё вилояти салоҳиятига нисбатан 4,1 баробар, Наманган вилоятига нисбатан 1,5 баробар юқорилиги, республика худудлари орасида 7 ўринда эканлиги аниқланди.

3. Андижон вилоятида маданий мерос объектлари Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида бўлгани каби бир жойда комплекс эмас, балки майдони кичик бўлишига қарамасдан 422 та объект тарқоқ ҳолда жойлашганлиги аниқланди. Андижон вилоятида табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллардан комплекс фойдаланиш орқали 6 та аралаш турдаги сайёҳлик маршрутлари такомиллаштирилди. Хизмат кўрсатиш соҳалари билан туризмнинг алоқадорлиги жуда сушт даражадалиги, вилоят иқтисодиётида сайёҳлик соҳасининг улуши сезилмаслиги, улар ўртасида ўзаро алоқадорликни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

4. Хонобод шаҳри, Жалакудук, Хўжаобод (Имом ота, Манак, Карнайчи, Дилкушод, Ордай, Тош ота), Булоқбоши (Ширмонбулок), Марҳамат ва Пахтаобод (Маданият) каби экотуризм ва рекреация ресурсларига бой туманларда тадбиркорлик субъектлари ва давлат-хусусий шерикчилиги асосида катта, ўрта ва кичик ҳажмдаги (меҳмонхона, меҳмон уйлари, кемпинг, мотеллар, санаториялар, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари, кафе ва ресторанлар, санитария-гигиена шохобчалари, савдо ва транспорт хизматлари) объектларни барпо этиш зарур.

